

658  
1196

339.13

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА  
ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ  
ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ**

**Х.А.Мухитдинов, О.К.Иминов**

**Телекоммуникация хизматлари  
бозори ривожланишининг молиявий  
асослари**

*Монография*

20336652

TATU  
KUTUBXONASI  
O'QUV ZALI

Тошкент - 2005

Маъсул мухаррир: иқтисод фанлари номзоди,

доцент М.Ф.Алиев

Тақризчи: иқтисод фанлари номзоди,

доцент А.Н.Арипов

Мазкур монографияда Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг долзарб масалалари тадқиқ этилиб, муаллифлар асосий эътиборни бугунги кунда тез ривожланаётган ушбу соҳани молиявий жиҳатларини, соҳа тараққиёти бўйича хориж тажрибасини таҳлил этишга қаратганлар.

Монография мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

**Телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий асослари:**  
Ҳ.А.Муҳитдинов, О.К.Иминов/ Монография- Т.: 2005 й.  
136 бет.

| O'QUV ZATI |

Кириш.....4

**1-боб. Телекоммуникация хизматлари бозорининг моҳияти, ривожланишининг молиявий жиҳатлари ва назарий асослари.....6**

1.1. Телекоммуникация хизматлари бозори шаклланишининг илмий асослари ва молиявий хусусиятлари.....6

1.2. Ахборотлашган жамият шаклланишида телекоммуникациялар тизимининг ўрни.....32

**2-боб. Телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини таҳлили.....49**

2.1. Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари молиявий асосларининг такомиллашув бошқичлари.....49

2.2. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси – телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини белгиловчи етакчи субъект сифатида.....64

2.3. Халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий салоҳияти ва уни ошириш имкониятлари.....78

**3-боб. Телекоммуникация хизматлари бозорида молиявий самарадорликни ошириш йўллари.....95**

3.1. Мувозанатлашган ликвидликни таъминлаш орқали компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш.....95

3.2. Дебиторлик-кредиторлик қарзларни самарали бошқариш – компания молиявий ҳолатини соғломлаштиришнинг усули сифатида.....107

Хулосалар.....125

Иловалар.....128

## Кириш

Корхона ва муассасаларда молиявий бошқарув масалаларини такомиллаштириш, уларни «..бугунги кундаги иқтисодийтимизнинг шаклланган тузилмаси ва бозор механизмларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олиш зарур»лигини юртбошимиз қайта-қайта таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг телекоммуникация корхона ва муассасаларида улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва хизматлар бозоридagi холатини аниқлашда молиявий таҳлил ва молиявий менежмент услубларидан деярли фойдаланилмади. Молиявий бошқарувни кўллаш бўйича соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб (молия-банк ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби) комплекс тарзда аниқ усул ва услублар ишлаб чиқилмаган. Бу борадаги тадқиқотлар тор доирадаги тадқиқотлар ёки мақолалар даражасида чегараланиб қолган.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга бўлган ёндошувлар турлича. Иқтисодий адабиётларда мазкур масалани очиб берувчи кўпгина манбаларга дуч келиш мумкин. Лекин мазкур ҳолда телекоммуникация соҳасининг замонавий тизимларида молиявий муаммоларни тадқиқ этишда на ўзимизнинг ва на хорижий адабиётларда тўлиқ мажмуи йўқ.

Шунинг учун мамлакатимизда хизматлар бозорида бугунги кунда етакчилик қилиб турган – телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий масалаларини комплекс тарзда тадқиқ этиш, бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати муаллифларни ушбу мавзу устида ишлашга ундади.

Телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиш истиқболлари ва йўналишлари, корхоналарда молиявий бошқарувни ташкил этиш масалалари бир қатор

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз.-Т.: «Халқ сўзи», 10 февраль, 2004 йил.

мамлакатимиз ва хорижлик олим-мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

Бу борада хориж олимларидан И.Ансоф, В.Беренс, Г.Бирман, М.Бромвич, М.А.Горелик, Е.А.Голубицкая, Э.Долан, К.Макдонелл, М.Питер, Л.Д.Рейман, Дж.Сакс, Г.А.Титоренко, Э.Хельферт каби олим ва мутахассислар изланишлар олиб боришган.

Шунингдек телекоммуникация хизматлари бозорини умумий тадқиқ этишга мамлакатимиз олим мутахассисларидан Э.А.Акрамов, А.Н.Арипов, Т.М.Буткеев, Р.Я.Досумов, Т.К.Иминов, Т.С.Маликов, М.М.Махмудов, Х.М.Мирзохидов, Н.Х.Хайдаров, Л.И.Шибаршова кабилар катта хисса қўшганлар.

Бироқ қайд этилган ва бошқа кўпчилик мутахассисларнинг илмий асарларида телекоммуникация хизматлари бозори умумий жиҳатдан тадқиқ этилган, яъни муаммонинг молиявий жиҳатлари кўриб чиқилмаган ёки жуда тор доирада тадқиқ этилган, ёки мамлакатимиз хусусиятларидан (хориж олимларининг асарларида) келиб чиқилмаган.

Ушбу рисолада мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиқиб телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини тадқиқ этиш асосида, уни келгусида ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқилган. Алоқа корхоналарида молиявий ишларни ташкиллаштириш, режалаштириш, молиявий қарор қабул қилиш ёки олдиндан кўра билиш каби масалаларни кўриб чиқиш ва самарали молиявий бошқарувни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни муаллифлар ўз олдига мақсад қилиб олганлар.

Рисолани тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Республика Президентининг асарлари ва Фармонларидан, мавзуга алоқадор хорижлик ва маҳаллий олимларнинг китобларидан, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда “Ўзбектелеком” АК хисобот материалларидан, бошқа молиявий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

# **1-боб. Телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий жиҳатлари ва назарий асослари**

## **1.1. Телекоммуникация хизматлари бозори шаклланишининг илмий асослари ва молиявий хусусиятлари**

Барча соҳаларда бўлгани каби телекоммуникациялар соҳасида ҳам бозор муносабатларини шаклланиш ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шунингдек, ушбу хусусиятлар ҳар бир давлат учун маълум бир миллийликни вужудга келтиради.

Мустақиллик йилларида шаклланиб, ривожланиб келаётган мамлакатимиз телекоммуникациялар бозори ҳам маълум бир ўзига хослик йўналишларидан бормоқда ва ривожланмоқда. Бироқ, ҳозирча ушбу бозорнинг барча хусусиятлари ягона тизим асосида, илмий ва амалий жиҳатдан комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Айниқса, соҳанинг молиявий масалалари, бозорни шакллантириш ва инвестиция жараёнларини тадқиқ этишдаги пул оқимларини тадқиқ этиш томонлари олим ва мутахассисларимизнинг назаридан четда қолмоқда.

Шунинг учун, аввало, телекоммуникациялар бозорини тадқиқ этилишининг назарий масалаларига, бу борадаги жаҳон амалиётига назар солиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хорижлик ва маҳаллий олим-мутахассисларимизнинг баъзилари умуман алоқа соҳасининг назарий масалаларига тўхталиб, соҳага умумий ёндошган ҳолда таъриф ва тавсиф беришган. Масалан, россиялик олим ва мутахассис Л.Д.Рейман ахборотлаштириш ва телекоммуникацияларни биргаликдаги конвергенциясини кўради

ва уларни «инфокоммуникациялар» деб атайти<sup>1</sup>. Унинг таърифига кўра «инфокоммуникациялар» - бу замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация технологияларининг биргаликдаги тўплами бўлиб, уларнинг бош вазифаси ташкилотлар ва аҳолига алоқа ва коммуникация маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишидир.

Мамлакатимиз олимларидан А.Н.Арипов эса ўз илмий тадқиқотлари давомида асосан телекоммуникация соҳасининг бошқарув тизими тамойилларига тўхталади ва бу тамойилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия этади: биринчи гуруҳ-умумжаҳон аҳамиятига эга ва иккинчи гуруҳ Ўзбекистоннинг ҳозирги давр ривожини учун хос бўлган тамойиллардир<sup>2</sup>.

Биз бир қатор бошқа илмий тадқиқотларни ва асарларни тадқиқ этганимизда ҳам асосий эътибор умуман - ахборот ва ахборотлаштириш йўналишини ёки Л.Д.Рейман таъбири билан айтганда «инфокоммуникациялар» соҳасини тадқиқ этишга қаратилганлигини, алоҳида - телекоммуникациялар йўналиши эса эътибордан четда қолаётганлигини гувоҳи бўлдик. Энди, айнан, телекоммуникациялар соҳасида бозор муносабатларини ривожланиши ва унинг молиявий муаммолари эса деярли илмий ва назарий жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Агар соҳа бўйича илмий луғатларга мурожаат этсак телекоммуникацияларнинг фақат ўзигагина берилган ушбу таърифларни учратамиз:

-телекоммуникация - бу симли, радио оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўриниш-

---

<sup>1</sup> Рейман Л.Д. и др. Инфокоммуникации в деловом мире. - М.: «Фиорд-инфо», 2001. с-31.

<sup>2</sup> А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. - Т.: Автореферат, 2004.

даги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёнидир;

-ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёнидир,

-предмети ахборот узатиш услублари ва воситалари бўлган фаолият соҳасидир<sup>1</sup>.

Демак, биз замонавий лугатлардан фақат телекоммуникацияларнинг ўзигагина берилган таърифларни учратишимиз мумкин. Мавзудан келиб чиқиб, энди «бозор» тушунчасига тўхталамиз. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари – А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевларнинг таърифига кўра, бозор – бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларидир<sup>2</sup>. Маълумки, товар бу – сотиш ёки алмашиш учун мўлжалланган маҳсулот ёки хизматдир. Телекоммуникациялар бозорида эса маълумотларни масофадан узатиш хизматлари товар вазифасини ўтайди.

Биз, аввало, юқорида келтирилган ва бошқа илмий адабиётлардан олган назарий қарашларимиз асосида телекоммуникация хизматлари бозорига қуйидагича таъриф беришни ўринли деб топдик, яъни, телекоммуникация хизматлари бозори – бу сотувчилар ва харидорларнинг замонавий ахборот, компьютер ва телекоммуникация технологияларининг биргаликдаги тўплами ёрдамида маълумотларни масофадан узатиш ва қабул қилиб олиш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларидир.

Телекоммуникациялар – шартли равишда айтганда, «иккинчи даражали» иқтисодиёт ҳисобланади. Уларнинг ўзига хослиги телекоммуникация хизматидан фойдала-

<sup>1</sup> А.Н.Арипов, Х.М.Мирзохидов ва бошқ. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лугати. – Т.: «Рақамли ривожланиш дастури», 2004.

<sup>2</sup> А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995.



наётган бошқа соҳалар самарадорлигини ошириш салоҳиятига эга эканлиги билан белгиланади. Европа Иттифоқи мамлакатларида ва ривожланаётган дунёда телекоммуникациядан фойдаланиш самараси 1,5 коэффициент билан баҳоланади<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, соҳага киритилган бир доллар инвестиция ижтимоий маҳсулотнинг 1,5 долларга қўшимча ўсишини таъминлайди. АҚШда бу кўрсаткич бундан ҳам юқори – 2 дан 6 долларгача баҳоланади.

Фарбий экспертларнинг миллий маҳсулот ўсишига тузатишлар киритиб борувчи бу ҳисоб-китоблари қуйидаги натижаларни берди: телекоммуникация АҚШда миллий даромаднинг 10 фоизидан ортигини ва қолган дунёда бу кўрсаткич 1,5-3% ни ташкил қилади. Телекоммуникацияларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича улуши доимий суратда ўсиб бормоқда. Масалан, 1995 – 2001 йиллар мобайнида телекоммуникациялар улуши АҚШ, ГФР, Франция ва Япониянинг ЯММ (GNP) да тегишли равишда 5,7,9 ва 15,4 мартага ўсди ва ушбу давр охирида АҚШда – 4,5; ГФР ва Францияда – 3; Японияда – 2,5% ни ташкил этди. 1962 йилдан бошлаб АҚШ телекоммуникациялари ушбу кўрсаткич бўйича электроэнергетика ва газ таъминотидан ўтиб кетди, 1965 йилдан қазиб олинувчи саноатни, 1966 йилдан қишлоқ хўжалигини, 1980 йилдан қурилиш ва транспорт соҳаларини ортда қолдирмоқда.

Шу тариқа, 80 – йилларнинг бошидан телекоммуникациялар иқтисодиётнинг йирик соҳалари ичида учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу борада фақат ишлаб чиқарувчи саноат ва савдо соҳасидан ортда қолмоқда. Телекоммуникациялар воситаси саноати ривожланган мамлакатлар техник базасини муҳим компонентига айланди. 1998 йилда бутун хўжалик асосий капиталида

---

<sup>1</sup> info@uztelecom.uz

уларнинг улуши Францияда – 5,7; ГФРда – 5,9; АҚШда эса – 8,9% га етди. Бу турли мамлакатларда улар иқтисодиёти умумий ҳажмининг 4 дан 9 гача фоизини ташкил қилади.

Телекоммуникациялар сармоя қўйиш учун фавқул-лотда фойдали соҳа ҳисобланади. Америка қишлоқ хўжалиги департаменти эркин тадқиқотларига кўра, телефон тармоқларини ривожлантиришдан олинаётган унумдорлик инвестицияларнинг ўзидан 6 марта ошади, Франция Алоқа илмий-тадқиқот институти ҳисоб-китоби бўйича эса бу кўрсаткич 7,5 мартадан ортади.

Ахборот технологиялари миллий иқтисодиётнинг ўсиши ва самарадорлигига таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. Бундай таъсирнинг бир қанча энг муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- дунё бозорларининг глобаллашуви жараёнида ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожлантиришда телекоммуникацияларнинг ролини ошириш;
- ахборот индустриясига алоқа тизимини улаш;
- номоддий ишлаб чиқаришнинг янги илмий қўламли тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- хўжалик ресурсларидан фойдаланишни самарали қилиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш воситаси сифатида алоқа тармоғи ролини кучайтириш.

Телекоммуникациялар ҳар бир янгиликни фавқул-лотда ўзига тез қабул қилади. Техник тараққиётнинг деярли барча ютуқлари ахборот техникаси ва технологияларида дарҳол моддийлашади. Шундай қилиб, илмий қўламдор, хусусан, электрон асбоб-ускуналар, космик воситалар ва техниканинг бошқа шаклларига талаб рағбатлантирилмоқда. Алоқа аппаратуралари электрон саноати ишлаб чиқаришнинг қарийб 70 фоизини ташкил қилади, интеграл схемалар ва яримўтказгичлар улуши, тегишли равишда, улар ялпи ишлаб чиқарилишининг 23

ва 30% миқдорида баҳоланади. Материаллар техника ва унинг айрим элементлари соҳасида қўлланилаётган ассортиментлар ўрни мустаҳкам ва доимо ўсиб бормоқда. Буни шу факт ҳам изоҳлайдики, замонавий телекоммуникация тизимлари анча қиммат туради. Хеч бир давлат уларни ривожлантириш учун зарур инвестициялар ҳажмини ўз кучлари билан таъминлай олмайди. Улар фақат жаҳон молия бозорларида етарлича миқдорда мавжуд. Ўз навбатида, телекоммуникациялар хизмати бозорини очмасдан, рақобатни кучайтирмасдан туриб, халқаро хусусий сармояни жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳам мумкин эмас.

Шу муносабат билан, ушбу соҳани ривожлантиришда тапқи инвестицияларни жалб қилишнинг асосий механизмларидан бири - уни хусусийлаштириш ҳисобланади.

Телекоммуникациялар тизимини хусусийлаштириш АҚШ, Япония ва Буюк Британияда 1980-1986 йиллардан бошланди. Бу борада радикал ислоҳотлар ўтказилди, чунки асосий хизмат кўрсатувчи электр алоқа хизматининг бозор мақоми тубдан ўзгарди. АҚШда энг катта «АТ&Т» компанияси ташкил этилди. АҚШ ҳудудида илгари мавжуд бўлган 22 та маҳаллий хизмат 7 та мустақил холдингга айлантирилди. Уларга халқаро ва ва кўшимча хизматлар, шунингдек, жиҳозлар ишлаб чиқариш билан шуғулланишларига вақтинчалик руҳсат берилмади. Бундай йўл тутиш шу билан изоҳланадики, акс ҳолда, холдинглар ўзаро молиялаштириш ёрдамида бошқа маҳаллий хизматларга тенгсиз рақобатни вужудга келтиришлари мумкин эди.

«АТ&Т» билан бўлинишга келишилганлиги туфайли унга илгари ман этилган ҳисоблаш техникалари ва халқаро алоқа бозорига чиқишга руҳсат берилди.

Япония ва Буюк Британияда соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг камайганлиги хизмат кўрсатиш

фирмалари томонидан ҳам, электр алоқа асбоб-ускуна-лари ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам тармоқ ишлаб чиқаришининг катта миқдорда қисқарганлиги билан боғлиқ. Масалан, 1980 йилда хизмат кўрсатиш сифатининг ёмонлиги сабабли Япон NTTсининг бир неча худудий дирекциялари янги жиҳозлар (асбоб-ускуналар) сотиб олиш учун катта маблағ сарф қилишди, бунинг учун ҳукумат томонидан асосли танқидга учрадилар, 1982 йилда Японияда хусусий тадбиркорларга барча турдаги хизмат соҳасида бозорга чиқишга руҳсат этилди. 1984 йилда мамлакат Парламенти электралоқа ҳақидаги янги қонунни тасдиқлади ва NTT 1985 йилда амалга ошган хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунни таклифи қабул қилинди.

Агар Японияда ушбу тадбир NTTнинг ўз ичидан давлат корхоналари вазифавий ўзгаришларига жавоб тариқасида юзага чиққан бўлса, Буюк Британияда эса хусусийлаштириш мақсади ҳукумат томонидан майдонга чиқарилган эди. 1969 йилдан 1979 йилгача Британия электралоқа саноатининг жаҳон бўйича улуши 25% дан 6% гача қисқарди, телефон рақамларини олишни кутиб турганлар сони кўпайди, тарифлар ошди. Янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш сусайди ва Буюк Британиянинг Европа мамлакатлари билан электр алоқани ривожлантириш даражасидаги фарқи ошди. Бунинг натижасида 1979 йилда почта хизмати ва электр алоқани ташкилий бўлиш ҳақидаги қарор қабул қилинди, бу қарор икки йилдан кейин амалга ошди.

1981-1984 йилларда British Telecomни акционерлик (ҳиссадорлик) жамиятига айлантириш учун тайёрладилар. 1984 йилда акцияларнинг ярми хусусий қўлларга сотилди. Рақобат ва хусусийлаштиришнинг биргаликда қўшилиши жаҳонга ажойиб натижаларни намоён қилди. Хусусан, соҳани миллийлаштиришдаги (национализация қилиш-

даги) барча камчиликлар: ходимларнинг ортиқчалиги, самарасизлик ва мижозлар эҳтиёжига бўлган қизиқишнинг йўқлиги ва хоказолар бартараф этилди. Табиий монополияни мустақил назорат қилиш механизми ислохотнинг энг ажойиб ютуқларидан бўлди. Хусусан, British Telecom кузатув кенгаши операторларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам манфаатларини кўзда тутувчи изчил ва оқилона сиёсат олиб боради.

Англиялик ҳамкасбларидан ўрناк олиш учун Германия алоқа маъмуриятига етти йил керак бўлди. 1996 йил 17 ноябрда дунё гиганти бўлган Deutsche Telecom акциялари (қимматли қоғозлари) Франкфурт-на-Майне фонд биржаларига, эртаси кун эса Нью-Йорк ва Токио биржаларига тақдим этилди. Улар ҳозирда барча немис регионал (минтақвий) биржаларида, шунингдек, Торонто ва Квабека биржаларида мавжуд ва Сингапур ҳамда Гонконг биржаларида кутилмоқда. Компания умумий қиймати 10 млрд. маркага яқин бўлган (номинал қиймати 5 марка) 623 млн акцияни таклиф этмоқда. Ҳақиқатда у кўп ҳам туриши мумкин, чунки ҳозирда акцияларнинг курс баҳоси 32 марка бўлиб, у тахмин қилинган 30 маркадан ошмоқда.

Бу Фарбий Европа тарихида расмий сотувга рухсат этилган энг йирик пакет ҳисобланади. Ушбу акцияларнинг йирик эмиссиясидан келган фойдани федерал бюджет эмас, Deutsche Telecom олади. Улар бутунича компаниянинг хусусий маблағини оширишга кетади. Хусусийлаштиришдан олдин корпоратизация бўлди. Давлат тизимидан чиқиш “ичкаридан” жиддий таъмирлаш билан бирга кечди: мулкни қайта баҳолаш, солиқ тўловидаги ўзгаришлар, эмиссиянинг юқори бўлмаганлиги ва хоказо. Бу ҳол компанияга ўз маблағларини 10 млрддан 15 млрдгача кўпайтириш имконини берди.

Ушбу ўсишнинг ярми 1996 йил ноябрида фонд биржаларида таклиф этилган эди, иккинчи ярми эса,

1999 йилда амалга оширилди. Хусусийлаштириш олдидан акцияларнинг махсус ташкил қилинган ахборот фондида 1,5 млн. Имкониятга эга бўлган талабгорлари рўйхатга олинди. Бироқ талаб кутилганидан 6 марта ортиб кетди – хусусий ва кичик улушчиларга (пул қўювчиларга) чегирмалар берилди. Бундан ташқари, кичик улушчилар “содиқлиги учун мукофот” шаклида рағбатлантириш чоралари кўрилди. Масалан, агар инвестор ўз акцияларини 1999 йилнинг сентябрига қадар сотмаса, унда федерация томонидан ҳар 10 та акцияси учун яна битта акцияни совға тариқасида олади. Бунинг учун 150 млн. марка миқдорида захира маблағи яратилди.

Хусусийлаштириш иштирокчиси бўлиш учун қарийб 3 минг марка миқдорида камида 100 та акция сотиб олиш зарур эди. Хусусий улушчилар (омонатчилар) ва “содиқлиги учун мукофот” учун нархлардаги чегирмалар кўпи билан 300 та акцияга тадбиқ қилинади. Мақсад 10 минг маркагача улуш маблағи билан кичик ҳиссадорларни жалб қилишдир. Бундан ташқари, компаниянинг 200 минг хизматчилари алоҳида имтиёзли шартларда акцияларни сотиб олишлари мумкин. Ҳозирда уларнинг сони 130 дан 140 минггача белгиланмоқда.

“Фольксваген”, “Феба”, “Пройссат” каби ва бошқа компанияларни қисман давлат тасарруфидан чиқаришдек омадли тажрибадан кейин Германия ҳукумати Deutsche Telekomни хусусийлаштириш чоғида ўз хусусийлаштириш сиёсатида нафақат янги ютуқларни қўлга киритмоқчи, балки немис аҳолиси орасида ушбу компания акцияларини инвестициянинг муқобил шакли сифатида тарқатишга умид боғламоқда. Шуниси қизиқки, ҳозиргача 5,5% немисларгина акцияларга эга, бу саноати ривож топган бошқа мамлакатларга қараганда анча кам, DAI немис акциялар институти маълумотларига кўра Швецияда 28% хусусий улушчи хиссадор саналади, бу

кўрсаткич Канадада 25%, Буюк Британияда 16%, Швецарияда 14%ни ташкил қилади.

Германияда аҳолининг пул жамғармаси анча юқори бўлганига қарамай, ушбу мамлакатда акцияларга муносабатларда бир қадар ишончсизлик мавжуд. Немис Федерал банки маълумотига кўра 1995 йилнинг охирида аҳоли ўз ҳисоб рақамларида 4,6 триллион маркага эга бўлган. Аммо ушбу суммадан (микдордан) ҳаммаси бўлиб 5,3 % ёки 243 млрд марка акцияларга қўйилган. Шунинг учун эмиссия муваффақиятига жуда катта реклама ишлари ва тушунтириш ишлари, тайёрлаш компанияси ёрдам берди. Мамлакат аҳолисини, айниқса, Deutsche Telecom ходимларини хусусийлаштириш сиёсатининг мақсадга мувофиқлигига ишонтириш зарур эди.

Марказий ва Шарқий Европа давлатлари хусусийлаштиришга ўзига хос тарзда ёндошдилар, улар бир-биридан анча фарқ қилишади. Айрим мамлакатлар аввал ўзгартиришларни амалга ошириб, шундан кейингина хусусийлаштириш йўлидан борган бўлсалар (Венгрия ва Польша), айна вақтда бошқалари (Эстония ва Латвия) тескари тартибни танладилар. Латвия янги телекоммуникация тармоғига энг кўп даражада маблағ киритишга эришиш учун интилган бир пайтда, Венгрия мавжуд активлари савдосидан давлат бюджети учун даромад олиш имкониятларини қидирди. Венгрия ва Латвия лицензиялар ва мулкни сотиш учун тендер танловидан фойдаланишган бўлса, Эстония бу пайтда сотувни танловсиз ўтказди. Польша олдида эса, хусусий таъминотчилар гарчи, маҳаллий телекоммуникация операциялари соҳасига қўйилган бўлсаларда, бош таъминотчини хусусийлаштириш масаласи турибди.

1.1.1. жадвалда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шунингдек, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатларда хорижий инвесторлар иштирокидаги

телекоммуникациялар соҳаларини хусусийлаштиришга ёндошувнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

Телекоммуникация компанияларини хусусийлаштиришнинг чет эл тажрибаси бўйича ўтказилган таҳлил иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларни ҳисобга олишлари зарур бўлган бир қатор жиддий хулосалар чиқаришимизга имкон беради, яъни:

- хусусийлаштириш моделини танлаш соҳасини ислоҳ қилиш қайта ўзгартириш чоғида давлат кўзлаган пировард мақсадга ёки бюджетни тўлдиришга ёҳуд унинг ривожини учун стратегик инвесторларни жалб қилишга боғлиқ;

- хусусийлаштириш қайта ташкил қилиш ва қайта тузишдан кейин ҳам, ислоҳ (қайта ўзгартириш) жараёни бошланиши билан ҳам амалга оширилиши мумкин;

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларни жалб қилиш жорий муаммолардан келиб чиқиб режалаштирилмаган ҳолда эмас, балки мақсадга қаратилган, чуқур ишлаб чиқилган (синчиклаб ўрганиб чиқилган) дастур асосида амалга оширилиши лозим;

- стратегик инвесторга таклиф этилаётган акция пакетининг қиймати фақат объектнинг жорий ҳолатини ҳисобга олиш ҳамда унинг ривожланиши учун маблағ қўйилмаларидаги талаб асосига таяниши лозим;

- соҳани (тармоқни) хусусийлаштириш чоғида мамлакатнинг кичик ва хусусий инвесторлари муҳим ўрин тутиши мумкин;

- рақобат муҳитини яратиш тарифларнинг ошишига эмас, пасайишига ва хизмат сифатини яхшилашга олиб келади;

- хорижий тажриба кўрсатганидек, агар давлат сиёсати етарли даражада мосланувчан бўлса, унинг фаолияти эса қулай инвестиция муҳитини таъминлаш бўйича самарали бўлса, хусусийлаштириш ва номарказлаштириш самара бериши мумкин.



1.1.1. жадвал. Хорижий мамлакатларда телекоммуникация соҳаларини хусусийлаштиришнинг қиёсий кўрсаткичи

Мамлакатлар	Хусусийлаштириш объекти	Тош-рилган маблар ҳажми (млн. АҚШ долл.)	ИЗ ОХ
Белгия	"Belgacom"	2400	Amritech (40%), TeleDanmark (33%), Singapore Telecom (27%) дан консорциум Belgacom 49% сотиб олди.
Буюк Британия	BT	22931	Хусусийлаштириш уч транш бўйича ўтказилган: 1984 й. - 51% учун 5,2 млрд. АҚШ долл. 1991 й. - 27% - 9821 млн.долл. ва 1993 й. - 22% - 7910 млн.АҚШ долл. Ҳукумат «олтин акция»ни сақлаб турибди.
Венгрия	MATAV	1727	"Maguarcom" (Ameritech/Deutsche Telecom) 30,2% - 875 млн. АҚШ доллга ва 37% - 852 млн.АҚШ долларига сотилди.
Латвия	"Lattelecom"	160	TILTS Commucations A/S хусусийлаштирилиб сотилиши: Cable & Wiveless (63%), Telecom Finland (27%), ва IFC (Жаҳон Банки) (10%)
Жанубий Корея	"Korea Telecom"	2364	1993 йил апрелда очик (халқ олдида) сотиш йўли билан 10% акция 898 млн. АҚШ долларига тарқатилган эди. 10% акция 1994 йилда иккита очик тендерда 5% дан тегишли равишда 622 млн. ва 844 млн. ҳамда 1996 йилда 8,8% - 1,15 млрд. АҚШ долларига сотилган.
Япония	NTT	70469	NTT уч босқичда хусусийлаштирилган. 12,5% учун 13,85 млрд.АҚШ доллари - 1986 й; 12,5% учун 34,4 млрд.АҚШ доллари - 1987 й.; 9,6% учун 22.2 млрд. АҚШ доллари ички очик савдо йўли билан сотилган. Ҳукумат қарийб 65% ни сақлаб турибди.

Иқтисодиётнинг бир турдан иккинчи турга ўзгариши даврида туб ўзгаришлар юз беради. Бундай пайтда унинг алоҳида секторлари бир бутун ҳолда ҳамда уларни ташкил қилувчи субъектлар қабул қилган қарорнинг туғри-

1 O'QUV ZALI

TATU  
KUTUBXONASI

лигига кўп даражада боғлиқ бўлади. Технологик жараёнларни мукаммаллаштириш, маънавий ва жисмоний эскирган жихоз (асбоб-ускуна)ларни замонавийсига алмаштириш, сифатли хизмат кўрсатиш салоҳияти тўғри инвестицион қарор қабул қилишни талаб этади. Бунга эса корхона фаолиятининг молиявий натижалари боғлиқ бўлади. Бу тадбиркорлар ёки менежерлар томонидан амалга оширилган энг муҳим амалий ташаббуслардан бири ҳисобланади, чунки инвестициялар молиявий ресурсларни нисбатан узоқ муддатга боғлайди.

Бизнес нуқтаи назаридан, ўз инвестицион даври мобайнида режа билан асосий мақсадга эришишга имкон берадиган ҳар қандай инвестицияларни ўзини оқлаган деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга, инвестицион лойиҳаларнинг асосий мақсади бу ўринда муҳим саналади – бу нафақат уларнинг техник самарадорлиги ёки фойдани кўпайтириши, балки бизнесни стратегик лойиҳалаштиришнинг мақсади бўлиши лозим бўлган барча техник ва иқтисодий аспектларнинг энг мақбул бирикуви ҳамдир.

Тармоқли тузилиш ва хизмат истеъмолининг умумийлиги унинг ўзига хос хусусияти бўлган телекоммуникация соҳаси учун бутун бошли иқтисодиёт ва соҳанинг ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантириш даражаси ўртасидаги мутаносибликни сақлаш катта аҳамиятга эга. Телекоммуникациянинг тармоқ ости бўлимлари, бирламчи ва иккиламчи тармоқлар, стационар (кўчмас) жиҳозлар ва линия иншоотлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатлиликни таъминлашни соҳавий концепция ва дастурларни ишлаб чиқиш босқичида ҳал қилиш лозим. Бутун мамлакат миқёсида ҳам, унинг алоҳида регионларида ҳам ялпи иқтисодиёт ва телекоммуникация секторини ривожлантириш ўртасидаги ўзаро мақбул муносабатни белгилаб олиш анча қийин муаммо ҳисобланади.

Масалан, телекоммуникациянинг айрим турларининг (шаҳар ва қишлоқ телекоммуникация тармоқларидаги телефонларнинг зичлиги, шаҳарлараро ва телеграф каналларнинг сифати ва чўзилганлик масофаси ва ҳоказолар) ривожланиш даражасини тавсифловчи солиштирма кўрсаткичлар таҳлили уларнинг вилоятлар бўйича анча фарқ қилишларини кўрсатди. Бу телекоммуникация соҳаси ривожининг бир текисда кетмаётганлигидан ва уни тенглаштириш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Аmmo бу ерда сўз нолга нисбатан кўрсаткичлардаги фарқларнинг оддий автоматик маълумоти ҳақида эмас, балки бутун вилоят хўжалиги ва телекоммуникация ривожига даражаси ўртасидаги баланс (тенглик)га эришиш борасида кетмоқда. Бу иқтисодий ва ижтимоий омилларни ҳам, географик, демографик, миллий ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш имконини беради. Аввало, телекоммуникациянинг ишлаб чиқариш ресурслари ва иқтисодиётнинг барча секторларида ва иш фаолият соҳасида регионларнинг телекоммуникация хизматига бўлган эҳтиёжлари ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш зарур.

Пировард натижада, бу хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг ўзини оқламаган вариантларидан қочиш имконини беради.

Телекоммуникация соҳаси хўжалик ривожига нисбатан юқори суратлар билан ривожланмоғи лозимлиги ҳақида олимларнинг фикрлари мавжуд. Масалан, шаклланган ахборот мамлакатда бир йилда ишлаб чиқарилган ишлаб чиқарув ахбороти ҳажми ва ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғлиқликни белгилайди. Унга кўра, мазкур ахборотни узатиш учун ахборот мажмуининг ўтказиш қуввати ЯММ ўсишидан илгарилаб кетиши лозим, акс ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланиш сурати пасаяди.

Телекоммуникация ва бутун вилоят хўжалигининг ривожланиш даражаси ўртасидаги ўзаро мақбул нисбатни белгилаш учун уларнинг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш зарур. Шу мақсадда қиймат кўрсаткичлари ҳам, натурал кўрсаткичлари ҳам фойдаланилади. Бирок, ушбу кўрсаткичлар алоҳида олинганда, алоқанинг ривожланиш даражасини билвосита (бир томондан) акс эттиради. Демак, капитал қўйилмалар ҳажми соҳада тўпланган барча ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олмайди, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати эса келгуси ривожланиш учун зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажмини кўрсатмайди.

Айни пайтда хориждан келтирилган жихозлар қиммат нархда эканлиги, тармоқдан оқилона фойдаланмаслик, мавжуд ишлаб чиқариш қувватининг сифати пастлиги ва ундан фойдаланишнинг аҳволи яхши эмаслиги оқибатида ушбу кўрсаткичларнинг суммаси телекоммуникация соҳаси ривожининг юқори даражасига ҳамда унинг хизматларига бўлган талабга ҳар доим ҳам мос келавермайди.

Бундан ташқари, капитал қўйилмалар ва асосий фондларнинг мутлақ катталигини, уларнинг ўсиш суратини вилоятларнинг узатиш воситаларига бўлган талаби, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғламасдан туриб таҳлил қилиш бир маъноли ва асосланган хулосалар чиқаришга имкон бермайди.

Муаммо  $K_1$  ва  $K_2$  баланслашганлик коэффициентларидан фойдаланилгандагина маълум даражада ҳал қилиниши мумкин.

$K_1$  вилоят алоқа тармоғи асосий фондлари  $\Phi_{cc}$  қиймати солиштирма оғирлигининг вилоят асосий ишлаб чиқариш фондлари  $\Phi_{no}$  умумий қийматига мамлакат алоқа тармоғи асосий ишлаб чиқариш фондлари  $\Phi_{cc}$  солиштирма оғирлигининг мамлакат асосий ишлаб чиқариш

фондлари  $\Phi_{\text{пс}}$  умумий қийматига ўзаро нисбатини характерлайди.

$$K_1 = \frac{\Phi_{\text{со}}}{\Phi_{\text{по}}} / \frac{\Phi_{\text{сс}}}{\Phi_{\text{пс}}}$$

$K_2$  вилоят асосий ишлаб чиқариш фондлари  $\Phi_{\text{по}}$  барча қийматларининг мамлакат асосий ишлаб чиқариш фондлари  $\Phi_{\text{пс}}$  умумий қийматига ва вилоят алоқа тармоғи асосий фондлари  $\Phi_{\text{со}}$  қиймати солиштирма оғирлигининг мамлакат алоқа тармоғи асосий фондлари  $\Phi_{\text{сс}}$  умумий қийматига ўзаро нисбати сифатида аниқланади.

$$K_2 = \frac{\Phi_{\text{по}}}{\Phi_{\text{пс}}} / \frac{\Phi_{\text{со}}}{\Phi_{\text{сс}}}$$

$K_1 = K_2$  бўлганда, алоқа тармоғи вилоят иқтисодий ўсиш даражасига мутаносиб ривожланади. Агар  $K_1 < K_2$  бўлса, алоқа ривожи вилоят эҳтиёжидан ортда қолади,  $K_1 > K_2$  бўлганда эса, асосий алоқа воситалари вилоят эҳтиёжига қараганда керагидан ортиқчалиги юзага келади.

1.1.2.жадвалда вилоятлар мисолида Ўзбекистон телекоммуникация соҳасининг ривожланиш даражаси бўйича ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилган.

Ҳисоб-китобларга таянган ҳолда барча вилоятлар шартли равишда уч гуруҳга бўлинди:

1. Телекоммуникациянинг ривожланиш даражаси уларнинг иқтисодий ривожланишига мутаносиб бўлган регионлар (Тошкент ва Хоразм вилоятлари)

2. Телекоммуникациянинг ривожланиш даражаси уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан ортда қолган регионлар (Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқа-

дарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари).

3. Телекоммуникациянинг ривожланиш уларнинг иқтисодий ривожланашидан ўзиб кетган регионлар (Қорақалпоғистон, Наманган ва Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри).

Коеффициентлардан ҳудудлардаги инвестиция сиёсатига баҳо бериш учун фойдаланиш мумкин. Аммо, бутун мамлакат иқтисодиёти ва телекоммуникация сиҳаси ривожланиш ўртасидаги баланслашганлик даражасини баҳолашда бу маълумотларни тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас, улар инфляция жараёнларига учраганликдан тўпланган ишлаб чиқариш имкониятлари (потенциаллари) ҳақиқий қийматини бузиб кўрсатади.

*1.1.2-жадвал. 2004 йилда Ўзбекистон вилоятлари бўйича телекоммуникациянинг ривожланиши даражаси*

Регионлар	Таъмин этилганлик коеффициенти $K_n$	Жорий қилиш (қўллаш) коеффициенти $K_p$	Ўзаро нисбат $K_n$ ва $K_p$	Вилоятлар гуруҳи
Қорақалпоғистон	1,35	0,74	1,82	3
Андижон	0,59	1,69	0,35	2
Бухоро	0,72	1,37	0,53	2
Жиззах	0,69	1,46	0,47	2
Қашқадарё	0,63	1,55	0,40	2
Навоий	0,71	1,39	0,51	2
Наманган	1,08	0,92	1,17	3
Самарқанд	0,59	1,69	0,35	2
Сурхондарё	0,75	1,34	0,56	2
Сирдарё	1,17	0,86	1,36	3
Тошкент	0,88	1,13	0,78	1
Фарғона	0,64	1,53	0,23	2
Хоразм	0,86	1,11	0,75	1
Тошкент ш.	2,71	0,37	7,32	3

Табиий кўрсаткичларга асосланган баҳолаш методлари анча объектив ҳисобланади. Улар нарх ўзгаришларига дучор бўлмаганликлари билан барча соҳани

ривожлангиришнинг пировард мақсадини – аҳолининг телекоммуникация соҳаси турли хизмат турларига бўлган эҳтиёжини қондиришни ҳам акс эттиради.

Ушбу йўналишлар бўйича телекоммуникация соҳаси ривож ва ҳолатини комплекс тарзда баҳолаш маъқул:

- телекоммуникация корхоналарининг ривожланиш даражасини баҳолаш;

- истеъмолчиларнинг телекоммуникация воситалари билан таъминланганлик даражасини баҳолаш;

- телекоммуникация хизматидан фойдаланиш даражасини баҳолаш.

Телекоммуникация ривожланиш даражасига баҳо бериш учун хусусий табиий кўрсаткичлар тизимини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Улар телекоммуникация соҳаси корхоналарининг мутлоқ сонини, шунингдек, хизмат ва восита миқдорини ўзида кўрсатади. Уларни тармоқ ости нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлаш лозим:

Халқаро телефон алоқаси:

- халқаро телефон сўзлашуви хизмати кўрсатувчи корхоналар сони;

- халқаро таксофонлар сони;

- ХТАнинг охирги (энг четки) каналлари сони;

- чиқадиган халқаро телефон сўзлашувлари сони.

Ҳужжатли алоқа:

- телеграф операциялари олиб борувчи корхоналар сони;

- телеграф станцияларининг монтажли сифими;

- телеграф каналларининг сони;

- ўрнатилган абонент телеграф ва телекслар сони;

- чиқадиган телеграммалар сони.

Маҳаллий телефон алоқаси:

- шаҳар ва қишлоқ телефон станциялари сони;

- шаҳар ва қишлоқ АТС ларининг монтажли сифими;

- ШТС ва ҚТСдаги телефон аппаратлари сони;

- таксофонлар сони.

Ушбу кўрсаткичлар тизими телекоммуникациянинг анъанавий турлари ривожланишини таснифлайди. Телекоммуникацияларнинг анъанавий турлари асосий ишлаб чиқариш фондларидан тушадиган даромаднинг 97%дан ортигини таъминлайди ва улар хиссасига телекоммуникация соҳасининг қарийб 95% асосий ишлаб чиқариш фондлари тўғри келади.

Ушбу тизим мобил телефон алоқаси каби янги хизматларнинг ривожланиш даражасини характерловчи кўрсаткичлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларнинг мутлақ қиймати регионлардаги телекоммуникациялар ривожланишини ҳаққоний (объектив) баҳолай олмайди, чунки улар яшаб турган аҳолининг сони бўйича ва ҳудудий ўлчами бўйича фарқ қилади. Шунинг учун телекоммуникациянинг регионал ривожланиши даражасига баҳо берилганда барча кўрсаткичларни хизмат кўрсатилаётган ҳудуд майдонига ва унда истиқомат қилувчи истеъмолчилар сонига нисбатан қиёслаб келтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда аҳоли яшаш жойлари билан банд бўлган ва хўжалик юритилаётган майдондан иборат ҳудуднинг фақат иқтисодий фаол қисми ҳисобга олиниши зарур.

Истеъмолчилар сони бўйича телекоммуникацион тармоқларнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи (характерловчи) кўрсаткичларни таққослаганда телекоммуникация воситаларнинг географик жойлашуви ва кўрсатилган хизмат турига боғлиқ равишда истеъмолчилар турли абонент гуруҳларига (шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ташкилотлар ва хусусий кишилар бўлган абонентлар) бўлинишини эътиборга олиш лозим.

Минтақада телекоммуникациялар ривожланиш даражасининг жамланган кўрсаткичи (индекси) ҳисобкитобини статистик метод ёрдамида хусусий, табиий



кўрсаткичлар асосида олиш мумкин. Телекоммуникация ривожланиш даражасининг жамланган индексини аниқлаш алгоритми қуйидагилардан иборат:

1. Маълум минтақада тегишли кўрсаткич мутлоқ миқдорининг Ўзбекистон бўйича унинг ялли ўртача қийматига нисбатини характерловчи ҳар бир хусусий кўрсаткич хусусий регионал индекслар ҳисоб-китоб қилинади:

$$I_{отр.ј} = m\sqrt{I_{1ј} I_{2ј} \dots\dots I_{mј}}$$

$$I_{ij} = X_{ij} / X_{i \text{ ўзб}}$$

Бу ерда:

$I_{ij}$  – хусусий регионал индекслар;

$X_{ij}$  – маълум регионда тегишли кўрсаткичнинг мутлоқ катталиги;

$X_{i \text{ ўзб}}$  – Ўзбекистон бўйича кўрсаткичларнинг ялли ўртача қиймати.

2. Телекоммуникациянинг аниқ бир тармоқостига тегишли бўлган хусусий регионал индексларнинг ҳар бир гуруҳида региондаги телекоммуникация ривожланиш даражасининг тармоқости индекслари қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{св.ј} = m\sqrt{I_{отр.1ј} I_{отр.2ј} \dots\dots I_{отр.кј}}$$

Бу ерда:

$I_{отр.ј}$  –  $j$  региондаги телекоммуникация ривожининг ўрта тармоқли индекси;

$m$  – айрим тармоқости телекоммуникацияси ривожини тавсифловчи кўрсаткичлар сони;

Тармоқости индекслар асосида регионда телекоммуникация ривожланишининг жамланган индекси ҳисоб-китоб қилинади:

Бу ерда:

$K$  – регионда алоқанинг ривожланиш даражасини

умумлаштириб баҳолашда ҳисобга олинадиган телекоммуникациянинг тармоқости сони.

Телекоммуникация ривожланиш даражасининг жамланган индекси телекоммуникация тармоқлари ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг аҳволи ўртача тармоқли даражасидан сезиларли ортида қолган регионларни аниқлашга имкон беради. Бу ривожланиш даражаси ушбу узилишни изоҳлайдиган аниқ тармоқостини аниқлаб олиш, уни бартараф этиш учун биринчи галдаги чора-тадбирларни белгилаб олиш имконини беради. Бундан мақсад телекоммуникациялар воситаси ва хизматига бўлган талабни янада тўлиқроқ қондиришдир. Таклиф қилинган метод телекоммуникацияларнинг тармоқлараро ва регионал ривожланишидаги мутаносибликни такомиллаштириш учун зарур таҳлилий материалга эга бўлиб, хорижий инвестициялардан ва молиявий ташкилотлар кредитларидан янада самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Ривожланишнинг жамланган индексларини тенг ҳажми интерваллар тамойили бўйича шартли равишда беш гуруҳга ажратиш мумкин:

I – телекоммуникациялар ривожининг юқори даражаси (1 дан ортиқ);

II – телекоммуникациялар ривожининг ўртачадан юқори даражаси (0,6-1,0);

III – телекоммуникациялар ривожининг ўртача даражаси (0,2-0,5);

IV – телекоммуникациялар ривожининг ўртачадан паст даражаси (0,06-0,1);

V – телекоммуникациялар ривожининг паст даражаси (0-0,05);

Алоқанинг регионал бирлашмаси (АРБ)га кирган мамлакатларда алоқа тармоғи ривожланишнинг тармоқости ва жамланган индекси ҳисоб-китоби 1.1.3-жадвалда келтирилган.

1.1.3. жадвалдан кўриниб тургандек, фақат Россия ва Украинани телекоммуникациялар ривожланишининг юқори даражасидаги гуруҳга киритиш мумкин. Белорусда тармоқнинг ривожланиш даражаси ўртачадан юқори, Қозоғистон ва Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич ўртача даражада. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Украина ва Ўзбекистон телекоммуникация соҳасининг барча тармоқларида баланслашган ривожланиш билан характерланади. Россияда телефон ва телеграф алоқаси юқори даражада ривожланганлиги билан ажралиб туради, Белорус ва Қозоғистонда телефон алоқаси юқори ривожланган.

1.1.3 жадвал. АРБга аъзо мамлакатларда телекоммуникациялар ривожланишининг жамланган индекси 2003 йил бўйича<sup>1</sup>

Давлатлар	Телефон алоқаси ривожланиш даражасининг тармоқости индекслари	Телеграф алоқаси ривожланиш даражасининг тармоқости индекслари	Мамлакатларда тармоқ ривожланишнинг жамланган индекси	Гуруҳ
Озарбайжон	0,109	0,080	0,096	IV
Арманистон	0,094	0,030	0,048	V
Белорус	0,720	0,435	0,618	II
Грузия	0,117	0,065	0,087	IV
Қирғистон	0,097	0,076	0,086	IV
Қозоғистон	0,453	0,295	0,337	III
Молдова	0,152	0,056	0,093	IV
Россия	7,115	8,12	6,68	I
Тожикистон	0,032	0,046	0	V
Туркманистон	0,059	0,090	0	V
Ўзбекистон	0,316	0,3606	0,304	III
Украина	2,44	2,129	2,33	I

АРБнинг бошқа аъзолари ушбу соҳа бўйича таҳлил этилганда, телекоммуникациялар тармоғи ривожланиш паст ҳамда ўртача даражадан паст ҳолатда эканлиги қайд этилди.

Минтақанинг иқтисодиёти ва телекоммуникацияси ривожланиш даражасининг ўзаро мувофиқлигига баҳо берилганда, ҳалқаро амалиётда телефон зичлиги ва аҳоли

<sup>1</sup> АРБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.


жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик кенг қўлланилади (1.1.4-жадвал).

1.1.4-жадвал. 2003 йилда Ўзбекистонда телефон зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Вилоятлар	ЯИМ млрд.сўм	Аҳоли сони минг киши	Жон бошига ўртача ЯИМ минг сўм	Телефон зичлиги
Қорақалпоғистон	77,5	1483,3	52,4	6,3
Андижон	155,9	2161,3	72,2	4,2
Бухоро	140,1	1406,9	99,4	6,2
Жиззах	56,8	944,8	60,4	3,3
Қашқадарё	135,3	2123,2	63,8	3,5
Навоий	79,2	779,4	101,5	5,1
Наманган	96,4	1901,2	50,7	5,3
Самарқанд	167,9	2639,1	63,4	3,8
Сурхондарё	97,6	1709,2	57,1	3,2
Сирдарё	51,1	661,6	77,4	5,4
Тошкент	190,9	2332,1	81,9	4,9
Фарғона	211,6	2641,2	80,2	4,5
Хоразм	106	1303,6	81,5	6,8
Тошкент ш.	307,3	2154,8	142,9	22,9
Респ. бўйича жами	2048,4	24241,9	84,6	6,3

### 1.1.1.расм. Жити диаграммаси

1.1.1-чизма.Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича телефон зичлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик



Ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги Жипп диаграммаси билан машҳур бўлган график боғлиқлик 1.1.1.расмда кўрсатилган. Логарифмик миқёсдаги аҳоли жон бошига ЯИМ ва телефон зичлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тўғри чизик ҳисобланади ва вилоят кўрсаткичлари унга қанча яқин бўлса, телекоммуникация соҳаси ривожланиш даражаси иқтисодийнинг ҳолатига шунча мутаносиб бўлади.


1.1.1.расмдан кўриниб турганидек, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилояти ялпи хўжалик ҳамда телекоммуникацияларнинг ривожланиш даражалари ўртасидаги мутаносиблик билан ажралиб туради. Қолган бошқа вилоятларда хўжаликнинг ривожланиш даражаси тармоқнинг ривожланиш даражасидан илгарилаб кетган.

1.1.5. жадвал. АРБ мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ва телефон зичлиги ўртасидаги алоқа

Мамлакатлар	Аҳоли сони млн.киши		ЯИМ, млрд.АҚШдол.		Аҳоли жон бошига ЯИМ АҚШ дол.		Телефон зичлиги	
	1999	2004	1999	2004	1999	2004	1999	2004
Озарбайжон	8,0	8,27	4,01	7,1	501,2	864,2	9,37	11,6
Арманистон	3,8	3,2	1,85	2,8	486,8	873,6	14,2	18
Белорус	10,2	9,9	11,5	17,3	112,7	1757,9	26,8	32,4
Грузия	5,4	4,4	2,87	3,9	531,5	898,5	12,4	26,1
Қирғизистон	4,8	5,1	1,7	1,9	919,5	376,5	12,8	7,8
Қозоғистон	14,9	14,95	0,9	29,8	187,5	1989,9	7,75	16,2
Молдова	3,6	3,6	1,16	1,9	322,2	540,9	15,9	21,5
Россия	145,9	144,2	181,8	433,5	1246	3006,4	20,9	25,8
Тожикистон	6,2	6,4	0,83	1,6	133,9	245,1	3,43	4,1
Туркменистон	5,0	6,3	-	-	-	-	7,18	5,9
Ўзбекистон	24,3	25,6	8,4	16,9	345,6	660,5	5,6	6,8
Украина	49,7	47,6	24,7	49,6	497,0	1040,9	20,4	23,4

АРБ мамлакатлари ўртасида аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад ва телефон зичлиги ўртасида ўзаро алоқани таҳлил қиламиз (1.1.5. жадвал).

1.1.2. расмдан кўриниб турганидек, Алоқанинг регионал бирлашмаси (АРБ) бўйича бутун телекоммуникациянинг ривожланиш аҳволи иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига мос келади.




Таҳлилларимиз кўрсатиб турганидек, Қозоғқстоннинг иқтисодий имкониятлари телекоммуникация ривожидан юқори, Беларуснинг иқтисодий ўсиши эса ушбу тармоқ ривожидан ортда қолган.

Қиёслаш учун узоқ хорижий мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келган ЯИМга телефон зичлигининг боғлиқлигини таҳлил қиламиз (1.1.3.расм).

1.1.3.расмдан кўриниб турибдики, диаграмманинг юқори қисмида юқори ривожланиш имкониятларига эга бўлган мамлакатлар ўрин олган. Уларда аҳоли киши бошига ЯИМ бу борада жаҳоннинг ўртача даражасидан 3-4 марта ошади. Россия, Венгрия ва Польша билан бир қаторда, аҳоли жон бошига ЯИМ ўртача даражасидаги мамлакатлар сирасига киради. Ушбу мамлакатлар учун иқтисодий имкониятларга нисбатан алоқа тармоғининг

ривожланишида илгарилаб кетиши характерлидир. Ўзбекистон эса Миср ва Покистон билан ЯИМ ва телефон зичлиги паст даражада эканлиги билан тавсифланади.



Юқорида айтилганларнинг барчаси ялпи иқтисодий ривожланиш даражасига нисбатан телекоммуникация инфратузилмасининг мутаносиб суратда илгарилаб ривожланиши қонуни билан боғлиқ, чунки айнан алоқа иқтисодиётнинг барча соҳалари ривож топишида катализатор ҳисобланади ва умумий шароитларни яратади.

Айни пайтда шуни эътиборга олиш зарурки, телекоммуникация соҳаси ривожининг ҳаддан ташқари илгарилаб кетиши уларга тўлов учун истеъмолчиларда маблағнинг бўлмаслиги туфайли тармоқнинг айрим хизматлари талаб қилинмасдан қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу ҳол соҳанинг ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш даражасининг пасайишига ва унинг фаолият кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, телекоммуникация соҳасининг ривожланиш вариантлари кўриб чиқилар экан, республиканинг ҳар бир алоҳида регионларининг иқтисодий ривожланиш

даражасини ҳисобга олиш зарур. Бу ушбу соҳа ривожига йўналтирилган ички ва ташқи хорижий инвестициялардан янада самарали фойдаланишни таъминлашга имкон беради.

## **1.2. Ахборотлашган жамият шаклланишида телекоммуникациялар тизимининг ўрни**

Ҳозирги замон тараққиётини телекоммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қўпгина мамлакатлар телекоммуникация технологияларини тезлик билан татбиқ қилиш ва такомиллаштиришнинг улкан афзалликларини англаб етди. Билимлар ва маълумотларни етказиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият ушбу мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига сабаб бўлди. Яъни билимларга асосланган янги иқтисодиёт асри бошланди.

Мамлакатимизда янгиланиш даври талабларидан келиб чиқиб, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида телекоммуникация бозорини келгусида ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидладилар: «Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, бу соҳада гоълар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чоратадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур. Ўйлайманки, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда,



одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»<sup>1</sup>.

Президентимизнинг сўзларидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, мамлакат ва умумиқтисодиёт ҳақиқий билим ва интуллектуал салоҳиятга эга бўлган кишилар томонидан бошқарилиши лозим. Билимларга асосланган иқтисодиётнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация кўринишидаги билимларга асосланган иқтисодиёт кучли технологик қувватга эга. Ҳар уч-тўрт йилда телекоммуникацияларнинг янги авлоди юзага келмоқда. Бугунги кунда, телекоммуникация компаниялари бутун дунёда энг йирик корпорациялар билан бир қаторда туради. Телекоммуникация сектори иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган секторларидан бири ҳисобланади;

алоқа соҳаси тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган телекоммуникация соҳаси инсон фаолиятининг барча жабҳаларига кириб бормоқда ва уларни янги шароит ва усулларга мослашишга мажбур қилмоқда;

ахборотга асосланган ҳамда маданий ва маънавий қадриятлар билан мувофиқликда бўлган билимлар мустақил кучга айланиб, ижтимоий, иқтисодий, технологик ва маданий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолди;

глобал ахборотлашган жамият шаклланмоқда. Билимларга асосланган иқтисодиёт ўтиш даври иқтисодиётида бўлган мамлакатларнинг улкан интеллектуал ресурслари тобора ривожланишига туртки бўлган ҳолда,

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Халқ сўзи», 29 январь 2005 й.

уларнинг бутун дунё интеллектуал салоҳиятига тезроқ қўшилишини таъминламоқда;

билимларга асосланган иқтисодиёт инсон ресурслари ривожига ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига, шу жумладан институционал ва инновация тизимларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Билимларга асосланган иқтисодиётнинг ана шу ўзига хос хусусиятлари, барча мамлакатларда, айниқса ўтиш даври иқтисодиётида бўлган мамлакатларда телекоммуникация ютуқларидан энг кўп даражада фойдаланилган ҳолда иқтисодий тараққиётнинг оқилона стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадидаги чуқур мушоҳада юритиш мавзуи ҳисобланади. Фақат шундай сиёсат таълимнинг муҳим устунликларини - унинг фундаменталлигини ва изчиллигини сақлаб қолиш имконини беради, мамлакатни жаҳон иқтисодиётининг олдинги ўринларига чиқиблишини таъминлайди<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, телекоммуникация бозорига нисбатан экспертларнинг бир-бирини инкор этадиган ёндашувлари мавжуд: баъзи муаллифлар иқтисодиётдаги ва соҳадаги давлат бошқарувини чеклашни ёқлаб чиқмоқдалар ва айни чоғда, алоқа хизматлари учун тарифларни кесишган субсидиялаш тизимини турли даражадаги бюджетлардан тўғридан-тўғри субсидиялашга алмаштириш зарурлигини айтмоқдалар. Баъзилари эса телекоммуникациялар, таълим, интеллектуал хизматлар бозори ривожини бошқа соҳаларнинг зарари ҳисобига абсолютлаштириш умуман мамлакат иқтисодий тизимини барқарорлаштиришга ва мазкур соҳаларнинг келажагини хавф остида қолдириши мумкин деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрни АҚШ иқтисодиётини жиддий инқирозга олиб келиш эҳтимолини уйғотган ва юқори технологиялар

<sup>1</sup> Беляков И.А. .. "Прогноз экономики на завтра". М.: "Российская газета" 18.03.2003.

билан боғлиқ бўлган соҳалар ўсиш суръатларининг пасайишига сабаб бўлган «янги иқтисодиётни» оммавий равишда татбиқ этишдан иборат салбий тажриба билан изоҳлайдилар.

Буларнинг барчаси телекоммуникация бозорини ривожлантириш баробарида иқтисодиётнинг мазкур бозорнинг эҳтимол тутилган қатнашчилари ҳисобланувчи бошқа соҳаларини ҳам ривожлантириш зарурлигидан далолат беради. Акс ҳолда, телекоммуникация бозорининг ҳаддан ташқари илдамлаб кетиши телекоммуникация хизматларига бўлган талабнинг таклифга нисбатан орқада қолишига, мазкур хизматларни таклиф қилувчилар ва истеъмолчиларининг иқтисодий имкониятларида тафовут пайдо бўлишига, улар орасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори асоссиз ошиб кетишига олиб келади.

Демак, хўжаликлараро алоқалар кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда, истиқболли телекоммуникация технологияларини қўлланиш ҳисобига жамият тараққиётини ахборотлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу алоқаларнинг халқаро хусусиятга эгаллиги телекоммуникацияларни ривожлантиришда ва уни инвестициялар билан таъминлашда турли мамлакатларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришни тезлаштириш зарурлигини тақозо этади. Дунёнинг юксак ривожланган етакчи мамлакатлари телекоммуникациялари миллий хўжаликнинг иқтисодий конъюнктура таъсири остида бўлмаган энг динамик соҳаси ҳисобланади. Уларнинг ривожланиш тенденциялари шунда яққол кўринадики, ахборот оқимларининг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан камидикикки баробар юқоридир. Ахборот-коммуникацияларининг ривожланиш даражаси—миллий иқтисодиёт соғломлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Телекоммуникация соҳаси бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Рақобатбардош, самарали ва

қиймати нуқтаи назаридан афзал бўлган телекоммуникация тармоқлари ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтиришга, экспорт салмоғи ва солиқ тушумлари ўсишига, яъни иқтисодий тараққиётни орқага тортувчи монополь хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қиладиган ижобий тенденцияларни шакллантиришга олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳанинг ўзини янада жадалроқ ривожлантиришни тақозо этади. Чунончи, бугунги кунда Россиянинг 1% иқтисодий ўсишини таъминлаш учун телекоммуникация саноатининг 3% ўсишига эришиш зарур бўлади<sup>1</sup>. Бу эса телекоммуникация тармоқлари нафақат жамият тараққиётини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омили бўлиб қолишининг асосий шартларидан биридир<sup>2</sup>.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда рақобат шароитларида фаолият кўрсатувчи телекоммуникация хизматлари бозорини жадал шакллантириш ҳамда ахборотни ишлаш ва узатиш соҳаларини шундай ажратиш вазифаси пайдо бўладики, токи бунда вертикал интеграция коммуникацияларнинг критик тизими доирасидан ташқарида монополия муаммоларини вужудга келтирмасин. Бу вазифаларни ҳал этиш соҳада жадал хусусийлаштиришни амалга оширишни, уни эркинлаштиришни ва соҳада эркин рақобатни ривожлантиришни тақозо этади. Шунингдек иқтисодий ислохотлар ўтказилган сари дунё бозорига йўл кенгайиб, халқаро савдо

---

<sup>1</sup> Рейман Л.Д. и др. Инфокоммуникации в деловом мире. – М.: «Фиорд-инфо», 2001.

<sup>2</sup> Мильчакова Н. Телекоммуникации в России: Структурные реформы и проблемы повышения рыночной стоимости акций. Ж. «Вопросы экономики» № 7, 2001 г.

хажми ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш даражаси ошиб боришини ҳисобга олиш зарур.

Таҳлилларимиз кўрсатадики, телекоммуникация соҳасидаги хусусийлаштиришнинг, рақобат ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг афзалликларини тушуниб, улардан фойдаланаётган мамлакатлар сони тобора ортиб боргани сайин, соҳанинг динамикаси, ривожланиши ва халқаро тус олиши кенгайиб бормоқда. Майда миллий бозорлар борган сари бошқа мамлакатларнинг бозорлари билан алоқаларини ривожлантирмоқда, бу эса технлогиялар тезкорлик билан алмашилиши ва рақобат ривожланишига шарт-шароит яратмоқда. Телекоммуникация компаниялари ўртасида тегишли келишувлар сони кўпайгани сайин тармоқларга уланганлик учун анъанавий халқаро тарифлар тобора камроқ қўлланилмоқда. Бундан ташқари, чет эл компанияларининг ўз тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестициялари олдинги бошқариладиган иқтисодиётда иложи бўлмаган ривожланиш вариантларини танлаш имконини бермоқда.

Телекоммуникация тармоқлари умумий инфратузилманинг муҳим таркибий қисми ва истеъмолчилар (фирмалар ва алоҳида хусусий мулкдорлар) билан алоқанинг кучли базаси ҳисобланади, улар истеъмолчиларнинг **бир-бирларига уланишларини ҳам, маълумотларни узатиш жараёнини ҳам** тезлаштиради. Амалий баҳолашлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, телекоммуникация соҳаси Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Собиқ иттифоқ даврида маъмурий-буйруқбозлик тизими дунё ҳамжамиятидан ўзини-ўзи яқкалаб олганлиги туфайли мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам юз берган телекоммуникация соҳасидаги корхоналарнинг жиддий техник ва технологик қолоқлиги инновация соҳасида ҳам жадал ривожланишнинг янги шаклларини

талаб қилди. Иқтисодий ислохотлар бошидаёқ чет эл инвестицияларини фаол жалб қилишга, хорижнинг энг илғор техника ва технологияларини жорий этишга катта аҳамият берилди. Мазкур жараён асосан инвестицияларни рағбатлантириш ва қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида соҳада ўтказилаётган ислохотлар нодавлат инвесторлар учун соҳанинг жозибадорлигини таъминламоқда ва минтақавий телефон абонентларининг ташаббускорлигини оширмоқда. Нафақат тижорат тузилмаларининг, балки абонент ва оператор ўртасида турли битимлар тузиш йўли билан аҳолининг маблағлари ҳам муомалага киритилмоқда. Кейинги тўрт йил ичида кўпгина корхоналар кичик ва ўрта фирмалар имкониятларидан деярли фойдаланмасдан товар ишлаб чиқарувчиларнинг катта кредитлари билан ишлаб, йирик инвесторлар томон оғдилар.

“Ўзбектелеком” АЖ акцияларининг бир қисмини, шу жумладан камида 51 фоизини чет эллик инвесторларга сотишга қаратилган чора-тадбирлар айнан инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган.

Хусусийлаштиришда мамлакатимиз корхоналари қатори чет эл кампанияларининг ҳам иштирок этиши муҳим омил ҳисобланади. Амалиётда исботланганки, қайд этилган алоқа соҳасида ўртача сутка даврида камида учта компания рақобат ҳолатида бўлиши керак. Бироқ маҳаллий алоқа соҳасида рақобат учун тўла очиқ соҳалар — узоқ масофаларга телефон алоқаси ва халқаро телефон алоқаси учун хос бўлган рақобат даражасига эришиш қийин. Устун мавқеда турган компания учун нархларнинг юқори даражасини белгилайдиган ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш соҳасида нарх белгилашнинг чеклаб қўйилмайдиган хусусиятга эга бўлишини кафолатлайдиган мустақил бошқарувчи ташкилотни тузиш тартибга

солиб туриладиган иқтисодиёт учун муҳим вазифа ҳисобланади.

Телекоммуникациялар соҳасини ривожлантиришда чет эл инвестициялари ва компанияларнинг халқаро бирлашмалари катта ўрин тутлади. Кейинги пайтларда амалга оширилаётган симсиз алоқа технологияларига ўтиш рақобатни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш даврида телекоммуникациялар соҳасига мамлакатимиз ва чет эл фирмаларини жалб этишга кўмаклашади. Кенг миқёсли рақобатга тармоқларга улаш учун ижарага олинган каналлар ва тарифлардан фойдаланишни тегиш-лича тартибга солиш ҳисобига эришилиши мумкин.

Уяли ва сунъий йўлдош орқали телефон алоқасининг тарқалиши, телекоммуникация хизматлари бозорида энергетика ва темир йўл компанияларининг, шунингдек Интернет тармоғи ишини таъминлашга ихтисослашган фирмаларнинг пайдо бўлиши рақобатнинг кучайишига олиб келади, янги фирмаларнинг ўзгармас алоқа соҳасига кириб келиши ва уларнинг илк босқичда қўшилиб кетиши эҳтимолини камайтиради. Бу ҳолда устун турган компаниянинг бўлиниши яхши муқобил бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги телекоммуникация соҳасининг ривожланиш жараёнларига унинг алоқа воситалари билан таъминланганлиги ва янги технологиялар билан жиҳозланганлиги катта таъсир кўрсатади. Ҳозирча мамлакатимизда телекоммуникация воситалари саноати ривожланган мамлакатлар даражасидаги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имкониятини бермайди. Шу сабабли эксплуатация қилувчи корхоналар асосан чет эл технологиялари ва техникасини афзал кўрадилар. Бунинг натижасида кейинги йилларда мамлакатимизга хорижий алоқа воситалари оқиб кела бошлади. Телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш бўйича барча йирик лойиҳалар чет эл технологиялари негизида амалга

оширилди. Ҳали шаклланиб улгурмаган мамлакатимиз бозорининг дунё рақобатига дош бериши қийинлиги табиий. Шу сабабли мамлакатимиз алоқа воститалари соноати кучли ҳимоялаш ёрдамига муҳтождир.

Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасидаги ўзгаришларни, рақобатни ривожлантириш асоси сифатида уни халқаролаштириш жараёнларини таҳлил қилиш, бир томондан, шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг ўтиш даврида соҳа тармоқларини тез ва самарали кенгайтириш халқаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестициялар жалб қилиш ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратади. Иккинчи томондан, иқтисодиётда, айниқса кўрилаётган соҳада бозор муносабатларига тезлик билан ўтиш юз бермоқда. Ушбу ўзига хос хусусиятлар соҳани молиявий бошқаришда янгича ёндашувларни талаб қилмоқди. Бу эса, молиявий бошқарувда янги тамойиллар ҳам татбиқ қилиниши кераклигидан далолат беради.

Телекоммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизимининг тамойилларини аниқлаб олиш уни макроиқтисодий бошқариш жараёнларини амалга оширишнинг, ушбу объектни ривожлантиришнинг ва унинг экспорт салоҳиятини ўстиришнинг у ёки бу сценарийсини ишлаб чиқиш ва уни вариантли прогноз қилишнинг энг муҳим шarti ҳисобланади. Буларни ишлаб чиқишда телекоммуникация соҳаси локал тузилмадан иборат эмаслигини назарда тутиш лозим. У жамиятнинг аниқ бир иқтисодий тузилмасида, муайян иқтисодий шароитда иш олиб боради. Шу сабабли фақат телекоммуникация соҳаси молиявий бошқаруви тизиминигина белгиловчи тамойиллар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Уларнинг алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигидаги якка ҳолдалик, ўзига хослик ва умумийликнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи тамойилларнинг қандайдир мажмуи бўлиши зарур.



Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида умумий бошқарув тизимининг барча тамойилларини иқтисод фанлари номзоди А.Н.Арипов ўз илмий тадқиқотлари давомида етарлича ёритиб берган<sup>1</sup>. Шундан келиб чиқиб, ушбу рисолада биз айнан телекоммуникациялар соҳасида хизматлар бозорини шаклланиш ва ривожланиш босқичида молиявий бошқарувнинг ўзига хос тамойилларини умумлаштиришни лозим деб топдик.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатлари асосига ўтиши собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган хўжаликни ривожлантиришдаги жиддий номутаносибликни бартараф этиш билан боғлиқ бўлганди. Вазифа давлатчиликнинг ташкил топиши ҳам ижтимоий муносабатларни ривожлантириш соҳасида, ҳам янги иқтисодий механизмни вужудга келтириш соҳасида республика учун умуман янги бўлган қонунчилик ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш зарурати билан ҳам қийинлашди. Табиийки, бу телекоммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизимини такомиллаштиришга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Бундай шароитда телекоммуникация соҳасида молиявий менежмент тизимини такомиллаштиришнинг моҳияти ва асосий йўналишларини белгиловчи умумий тамойилларни аниқлаб олиш ўта муҳимдир. Мазкур умумий тамойилларни таърифлаш, агар телекоммуникация соҳаси берк алоҳида тизим сифатида тасаввур этиладиган бўлса, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Лекин телекоммуникация соҳаси мамлакат умумий хўжалик тузилмасининг бир қисмидир холос ва шу сабабли ушбу соҳанинг молиявий менежмент тизимини ривожлантириш бутун давлат иқтисодиётини ислоҳ қилиш доирасидан ташқари-

---

<sup>1</sup> А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат, 2004.

да кўрилиши мумкин эмас. Бу борада телекоммуникация соҳаси тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш жараёнларини белгилловчи энг умумий тамойиллар бутун давлат иқтисодиёти умумий тамойилларига тўла мувофиқдир.

Бу эса масалани кўп жиҳатдан енгиллаштиради. Чунки кўрилаётган молиявий бошқарув тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида таърифлаб берилган, жамулжам ҳолда иқтисодий ислоҳотларнинг энг умумий концепциясини, мантиғи ва йўналишини, республика иқтисодиёти-ни ва унинг таркибий элементларини умумий ривож топишини ифодаловчи беш тамойил турганлиги равшан бўлади. Бутун иқтисодиётда бўлгани сингари, ўтиш даврида телекоммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизимини ривожлантириш асосида чуқур сифат ўзгаришлари, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, марказлаштирилган—тақсимлаш, маъмурий—буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатлари тизимига изчил ўтиши ётганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидагилар бу объектни, шунингдек умуман бутун иқтисодиётни ҳам ривожлантиришнинг умумий тамойиллари ҳисобланади:

Биринчидан, иқтисодиётни бутунлай мафкурадан ҳоли қилиш. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;

Иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи, у бутун халқ иродасига мувофиқ ҳолда иқтисодиёт ривожининг асосий устунликларини аниқлайди;

Учинчидан, барча янгилаш жараёни ҳуқуқий асосда, амалий кучга эга бўлган қонунлар асосида бўлиши керак;

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кучли тадбирлар билан бирга амалга оширилиши керак;

Бешинчидан, янги иқтисодий муносабатларга қадам-бақадам, эволюцион тарзда ўтиш лозим.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таърифланган, ўтиш даври иқтисодиёти учун умумий бўлган айнан ана шу тамойиллар ахборот-коммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизими учун ҳам умумий тамойиллар сифатида қўлланилмоғи лозим.

Ўзига хос тамойиллар эса – бошқа масала. Бунда гап умумий тамойиллар билан ўзаро боғлиқликда соҳанинг ўзини ривожлантиришнинг асосий қоидалари ҳақида бориши керак. Шу нарсага эътибор бериш керакки, ўзига хос тамойилларни якка ҳолдаги, бирорта алоҳида объектга ёки телекоммуникация соҳасининг қисмларига хос бўлган тамойиллар билан адаштирмаслик лозим. Ўзига хос тамойиллар телекоммуникация соҳасининг умумий тузилиши ва ишлаши бўйича энг муҳим масалаларни акс эттириши керак. Шу билан бирга, ўзига хос тамойиллар фақат телекоммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизимига хос бўлади деб ўйламаслик лозим. Мантиқан, улар умумий тамойилларнинг оидинлик киритилган давомидир ва шу боис бошқа йирик объектларни молиявий бошқарув тизимига нисбатан ҳам у ёки бу даражада қўлланилиши мумкин. Бу ўринда аниқ объектга нисбатан ўзига хос амални қидириш жоиз эмас. У фақат умумий ва ўзига хос тамойилларни якка ҳолда учрайдиган тамойилларга айланиши натижасидагина намоён бўлади. Ушбу диалектик ўтишнинг хусусияти мазкур ишнинг кейинги бўлимларида телекоммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқишда кўрилади.

Шунга қарамай, умумий тамойиллардан якка ҳолдаги тамойилларга тўғридан-тўғри ўтишни амалга оширишга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлантириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон", 1995 й., 10-11-бет.

эришиб бўлмайди, шу сабабли биз умумий тамойиллар ҳозирги босқичда телекоммуникация соҳасини молиявий бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида (ўзига хос) тамойилларга табиий равишда ўтадиган бир бутун тамойиллар тизимини ишлаб чиқишга уриниб кўрдик. Табиийки, уларнинг барчаси умумий тамойиллардан келиб чиқади, лекин республика умумий иқтисодий тизими чегараларида фаолият кўрсатадиган бир бутун объект сифатидаги телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олади. Бунда биз бирон-бир янги тамойилларни топиб, уларни асослаб беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўймадик, чунки халқаро иқтисодий тафаккур ушбу тамойиллар мажмуини етарли даражада ишлаб чиққан. Тамойилларнинг бир бутун тизимини ишлаб чиқишдаги асосий вазифа уларнинг табиий ўзаро боғлиқ кетма-кетлигини шундай тузишдан иборат бўлганки, макроиқтисодий бошқарувнинг ҳар бир ўзига хос тамойили умумий тамойиллардан келиб чиқсин ва яқка ҳолдаги тамойиллар келиб чиқишига асос бўлсин.

Бунда мазкур тамойилларнинг ўзаро нисбати ҳақида жуда аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Агар умумий тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таърифланган иқтисодиётни ислоҳ қилиш миллий моделидан келиб чиқадиган бўлса, ўзига хос тамойиллар телекоммуникация соҳасини ривожлантириш мақсадларининг ўзини сезиларли даражада қамраб олади. Улар энди кенг миқёсда глобал ҳамда минтақавий ахборотлашган жамиятни вужудга келтириш мақсадларига, барча учун телекоммуникация технологияларига баробар йўл очиб беришга, телекоммуникация тармоқларидан иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш воситаси сифатида фойдаланишга, бу технологиялардан фойдаланишда махфийлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилгандир.

Бизнинг фикримизча, алоҳида ёки ўзига хос тамойиллар қуйидагича мазмунда бўлиши керак.

Биринчи тамойил - «барчанинг ахборот ва билимлардан фойдалана олишини таъминлаш» - хусусий шахслар ва ташкилотлар йўл очиб берилган ахборот, билимлар ва ғоялардан фойдаланишдан наф олишлари кераклигини назарда тутди. Ахборотдан кенг аҳоли қатламлари фойдалана олиши керак.

Иккинчи тамойил - «аҳолининг телекоммуникация соҳаси хизматларидан қурби етадиган нархларда кенг фойдалана олишга кўмаклашиш» - ривожланган телекоммуникация инфратузилмаси хизматларидан барча фуқаролар хавфсиз ва ишончли фойдалана олишлари бу хизматларни замонавийлаштиришнинг гарови эканлигидан далолат беради. Алоқа сифатини яхшилаш истиқболлари айниқса муҳимдир ва уни амалга оширишда кенг аҳоли қатламлари, шунингдек хусусий сектор иштирок этмоғи лозим. Жамиятнинг ривожланиши ахборот ва билимларга кенг йўл очиб берилишининг муҳим элементи ҳисобланади.

Учинчи тамойил - «лингвистик хилма-хилликка ва миллий рамзийликка кўмаклашиш» - кўп миллатли ва кўп динли республика бўлмиш Ўзбекистонда айниқса муҳимдир. Мамлакатда босқичма-босқич лотин алифбосига ўтиш дастури қабул қилинган. Бу ўз ўрнида телекоммуникация жихозлари ва дастурий воситаларини янги иш шароитига мослаштириш бўйича жиддий иш олиб боришни талаб қилади.

Тўртинчи тамойил - «таълим бериш ва ўқитиш орқали инсон имкониятларини ўстириш» - телекоммуникация соҳаси янги электрон ўқитиш, шу жумладан масофадан ўқитишда мутақо янги имкониятларни очиб беради.

Бешинчи тамойил - «юримдик, ҳуқуқий ва ҳукумат доираларида телекоммуникацияга мувофиқ муҳитни

яратиш» - тушунарлидир, негаки ахборотлашган жамиятни яратиш механизмлари тўлақонли ишлаши учун жамиятни ахборотлаштириш сиёсати самарали олиб борилишини таъминлайдиган тегишли юридик, ҳуқуқий муҳит яратилиши лозим.

Олтинчи тамойил - «ахборот-коммуникация соҳасида махфийлик ва хавфсизликни таъминлаш» деганда, ахборот оқимларининг махфийлиги таъминланиши зарурлиги, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик ва асо-сийси, ахборот манбалари ва технологияларидан давлат манфаатларига қарши жиноий ва террорчилик ҳамда sanoat жосуслиги мақсадларида фойдаланиш имкония-тини йўқотиш тушунилади.

Ниҳоят, еттинчи тамойил - «ахборотлашган жамият-нинг одоб тамойилларига риоя қилиш» деганда, ахборот-лашган жамиятнинг одоб меъёрларини шакллантириш, ривожлантириш ва уларга риоя этиш тушунилади.

Ушбу ўзига хос тамойиллар тизимини кўриб чиқар эканмиз, биз аввало улар глобал хусусиятга эгаллигига эътибор берамиз. Улар бир қарашда умумий тамойилларга мувофиқ бўлмагандай бўлиб кўринсада, аслида ўша ўзига хос тамойиллар даражасида мамлакат иқтисодиётини ва телекоммуникация соҳасини ислоҳ қилиш умумий тамойилларига боғланувчи яна бир оралиқ тамойиллар қўшилиши биз учун муҳимдир.

Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тамонидан 2003 йил 13 декбрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги<sup>1</sup> Қонуннинг янги таҳ-ририда таърифлаб берилган. Қонунда тамойиллар қуйида-гича изоҳланади:

-ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 2003й.

ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ахборот тизимлари асосида республиканинг ягона ахборот майдонини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Барча ўзига хос тамойиллар умумий тамойиллардан келиб чиқиб, улар билан чамбарчас боғлиқдир. Телекоммуникация соҳасининг аниқ тармоқлари ва объектлари шароитида ушбу умумий ва ўзига хос тамойиллардан ташқари объектларни молиявий талай якка ҳолдаги тамойиллари амал қилмоқдаки, бу аниқ таҳлилий ва услубий ишланмаларда намоён бўлмоқда. Телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш тамойилларининг бир бутун тизими 1.2.1-расмда келтирилган.

1.2.1-расм. Ўзбекистон телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш тамойиллари тизими

Умумий тамойиллар	Глобал хусусиятдаги ўзига хос тамойиллар	Маҳаллий хусусиятдаги ўзига хос тамойиллар	Якка ҳолдаги тамойиллар
<p>-Иқтисодийнинг мафқурадан холи бўлиши.</p> <p>-Давлатнинг бош ислохатчи ҳисобланиши.</p> <p>-Қонунларнинг устуворлиги.</p> <p>-Фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаси.</p> <p>-Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш</p>	<p>-Билим ва ахборот олиш имконини таъминлаш.</p> <p>-Аҳоли учун телекоммуникация соҳаси хизматларидан арзон нархларда кенг фойдаланишга шароит яратиш.</p> <p>-Дингвистик хилма-хиллик ва миллий тимсол амал қилиши.</p> <p>-Таълим ва билим бериш асосида инсон имкониятларини ривожлантириш.</p> <p>-Юридик, ҳуқуқий ва ҳукумат доираларида телекоммуникация муҳитини шакллантириш.</p> <p>-Телекоммуникация соҳасида маҳфийлик ва хавфсизликни таъминлаш.</p> <p>-Ахборотлашган жамиятнинг одоб (этик) тамойилларига амал қилиш.</p>	<p>-Ахборотни эркин олиш ва тарқатиш борасида ҳар бир фуқоронинг конституциявий ҳуқуқини рўйга чиқариш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни таъминлаш.</p> <p>-Давлат органлари ахборот тизимини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг соҳавий ва ҳудудий ахборот тизимларини шакллантириш асосида Республикада ягона ахборот маконини яратиш.</p> <p>-Халқаро ахборот тармоқлари ва бутунжаҳон Интернет тармоғига эркин кириш учун шароит яратиш.</p> <p>-Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг узаро мослиги ва ҳамкорлигини таъминлаш.</p> <p>-Замонавий алоқа воситалари ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.</p> <p>-Ахборот ресурслари хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга ёрдам бериш.</p> <p>-Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.</p> <p>-Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратиш.</p> <p>-Телекоммуникация соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.</p>	<p>(айрим корхоналар, мулк ва хизмат турлари ҳамда регионларга хос бўлган)</p>

Келтирилган тамойиллар тизими асосида Ўзбекистондаги телекоммуникация соҳасини кейинги эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг устивор тадбирлари ва унда молиявий бошқарувни ташкил этишнинг замонавий усуллари шакллантирилади.



## **2-боб. Телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини таҳлили**

### **2.1. Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари молиявий асосларининг такомиллашув босқичлари**

Барча соҳаларда бўлгани каби, телекоммуникация соҳасида ҳам мустақиллик йилларида қатор ўзгаришлар бўлди. Буларнинг энг асосийси – телекоммуникация хизматлари бозорини мустақил давлат хусусиятларига мос тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган ва яратилган меъёрий-ҳуқуқий базадир. Чунки, ушбу соҳа ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиқиб қонуний-меъёрий асосда қайта қуришни талаб этди.

Маълумки, телекоммуникациялар соҳаси турли абонент ва мижозларга хизмат кўрсатиши билан бирга, давлат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган стратегик аҳамиятга ҳам эга. Шунинг учун соҳа молиявий бошқарувига бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аралашуви, бунда қонуний-меъёрий усуллар, яъни маъмурий усуллар қай даражада қўлланиши мумкинлигини хориж давлатлари мисолида тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Телекоммуникация соҳасини меъёрий-қонуний ҳужжатлар асосида тартибга солишнинг самарадорлигини баҳолашнинг илмий усуллари аниқлик киритилишини талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу муаммо барча ривожланган мамлакатларда анчадан бери тортишувларга сабаб бўлмоқда ва турли нуқтаи назарларда самарасиз бўлиб қолмоқда. Масалан, турли йўналишдаги ҳаракатларнинг вакиллари ўртасида ушбу муаммо бўйича тортишувлар давом этиб келмоқда.

Биринчи томон бозорга хос ўзини-ўзи бошқариш, телекоммуникациялар бозорида хусусий бизнес ишларига давлат аралашувини камайтириш тарафдори бўлса, иккинчи томон амалда тўғридан-тўғри режалаштиришнинг собиқ совет моделига қайтишни таклиф қилмоқда. Лекин, Л.Д.Рейман тўғри таъкидлаганидек, сиёсий майдондаги етакчилик қилаётган гуруҳларнинг ўзгариши жамият иқтисодий ривожининг ҳар бир муайян босқичида давлат бошқаруви усулларини ўзгартиришга бўлган эҳтиёжини акс эттиради<sup>1</sup>. Бунда шуни таъкидлаш керакки, хорижда кузатилаётган давлат томонидан тартибга солишдаги бундай ўзгаришларнинг асосий тенденцияси рақобатни кенгайтириш мақсадида телекоммуникация бозорига давлат аралашувини камайтириш ва бу мулкнинг оммавий ахборот воситаларида йиғилиши устидан назоратни пасайтиришдан иборатдир.

Юқорида айтилганларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, телекоммуникация соҳасининг тартибга солишининг мақсадини таърифлаш мумкин. Зеро, ушбу мақсаднинг амалга оширилиши даражаси орқали, умумий тарзда, кўриб чиқилаётган жараён умумлаштирилган самарадорлик мезонининг амалга оширилиши даражасини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолда, биз самарадорликни баҳолашда самарадорлик мезонлари, умумий ҳамда яқка тартибдаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни таклиф қилаётган олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаймиз<sup>2</sup>.

Умумий шаклда телекоммуникация соҳасини тартибга солишнинг мақсади жамият эҳтиёжлари ҳамда

---

<sup>1</sup> Рейман Л.Д. Совершенствование государственного регулирования отрасли телекоммуникаций. Санкт Петербург, 2000, стр. 60.

<sup>2</sup> Черняк Ю.И. Анализ и синтез в экономике. М., Экономика, 1970, стр. 15. Райзберг И.И. Народнохозяйственная и хозрасчетная эффективность. Кишинев, «Штица», 1985, стр. 66.

юзага келган давлат ахборотлаштириш сиёсати билан белгиланадиган асосий йўналишлар, усуллар ва вазифаларни акс эттиради. Бу сиёсат иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинади. Биз шу ўринда проф. Л.Д.Рейманнинг қуйидаги таърифини келтиришни жоиз деб ҳисоблаймиз: “Давлат ахборот сиёсати – бу ахборотнинг барча – бизнес, кўнгилочар, илмий-таълим, янгиликлар ва ҳ.к. кўринишида юзага келтириш, сақлаш, ишлаш, намойиш этиш, узатиш билан боғлиқ муносабатлар ва ишлаб чиқаришлар мажмуасини ўз ичига оладиган, жамиятнинг ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган тартибга солиш фаолиятидир”<sup>1</sup>. Яъни, ахборот-коммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади, аслини олганда, ҳар қандай ҳукумат ахборот сиёсатининг жамланган ифодасидир.

Айнан мана шу нуқтаи назардан “Электрон Россия (2002–2010 йиллар)” Федерал мақсадли дастурининг мақсади қуйидагича таърифланган: – “Ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ва оммавий тарқатиш, ахборотни эркин қидириш, олиш, ўтказиш, чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот ва коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ва малакали фойдаланувчиларни тайёрлашни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг, давлат бошқарувининг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг фаолияти самарадорлигини оширишдан иборатдир.”<sup>2</sup>. Бу дастур, аслида, Россия ҳукуматининг ахборот-коммуникацияларни ривожлантириш бўйича асосий хужжати бўлиб, унинг буюрмачиси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги, Таълим вазирлиги, Саноат, фан ва технологиялар вазирлиги, Россия авиация-космос агент-

<sup>1</sup> Рейман Л.Д. ўша жойда, 61-бет.

<sup>2</sup> Федеральная программа «Электронная Россия (2002-2010 годы)». РФ ҳукуматининг 28.01.2002 й. қарори билан тасдиқланган.

лиги, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Федерал ҳукумат алоқаси агентлиги, Россия бошқарув тизимлари бўйича агентлиги ва бошқа федерал идоралардир.

Хориж мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, шунингдек Ўзбекистонда юзага келган ҳолатни ҳисобга олган ҳолда республика телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларини таърифлашга уриниб кўрамиз:

- телекоммуникация технологиялари татбиқ қилинишини кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига молиявий бошқарув самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётни ривожлантириш;

- телекоммуникация технологиялари соҳасида ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, операторлар орасида рақобат муҳитини юзага келтириш ва соҳадаги монополияга қарши қарорлар қабул қилиш;

- аҳоли, барча хўжалик юритувчи субъектлар ахборот олиши учун тенг ҳуқуқ ва техник имкониятларни яратиб бериш, алоқа хизматлари тарифларини пасайтириш ҳисобига уларни телекоммуникация технологияларидан фойдаланишига фаол жалб этиш ва оммабоп алоқа тизимларига улаш;

- давлат ҳокимияти органларининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқалари самарадорлигини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

- маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқаси хизматларини, маълумотлар узатиш, Интернетни ҳисобга олган, ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш бозорини стратегик устуворликларини амалга ошириш;

- телекоммуникациялар ва маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга

хориж инвестицияларини жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш.

Баён қилинган йўналишлар, аслини олганда, Ўзбекистон телекоммуникация соҳасини тартибга солиш мақсадини акс эттиради ва бу давлатнинг ахборот сиёсати кўринишида тегишли қонунларда, Президент Фармонлари ва республика ҳукумати қарорларида ўз аксини топган. Мазкур сиёсат ушбу соҳа ривожининг умумжаҳон йўналишларини акс эттиради. Шу билан бирга, бу сиёсатни ишлаб чиқишда, унинг мазмунига Ўзбекистондаги ўтиш даври билан, унинг иқтисодий ва ахборот хавфсизлигини шакллантириш, соҳадаги қолоқликни бартараф қилиш зарурати билан боғлиқ ўзига хос вазифалар ва муаммолар сингдирилган.

Республика Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 2002 йил 30 майдаги 3080-сонли Фармони ҳамда Республика ҳукуматининг ушбу Фармонга мувофиқ қабул қилган бир қатор қарорлари (айниқса “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкил қилинишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сонли қарори), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасини ривожлантириш ва давлат ахборот сиёсатини амалга оширишда энг муҳим босқичлардан бири сифатида хизмат қилади.

Телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг, демак ахборот сиёсатининг ҳам айтиб ўтилган ҳужжатларда ифода этилган мақсади қуйидагилардан иборат: телекоммуникация технологиялари родини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик устуворлиги ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида белгилаб қўйиш; ахборот айирбошлаш даражасини ошириш; телекоммуникациялар

миллий тизимини шакллантириш; замонавий телекоммуникация технологияларини иқтисодиётнинг ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида жорий этиш ва қўлланиш жараёнларини тартибга солиш; фуқароларнинг ахборотга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун шароит яратиш; дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш; телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш.

Телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг айтиб ўтилган таърифидида қуйидаги асосий йўналишлар ўз аксини топган: инвестиция сиёсати, техника сиёсати, телекоммуникация бозорини ривожлантириш (эркинлаштириш) сиёсати ва соҳа корхоналарини қайта шакллантириш сиёсати.

Мамлакатнинг телекоммуникациялар бозорини ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Улар 14 та қонун билан таъминланмоқда, булар:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи;
- интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминловчи;
- ахборот истеъмолчиларининг ҳуқуқларини кафолатловчи қонунлардир.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг охириги гуруҳдаги қонунлари (“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири) республика Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган.

Ушбу Қонунларнинг тўла амалга оширилиши телекоммуникация хизматларининг янги турларини янада ривожлантиришга ва соҳада хизматлар бозорини кенгай-

тириш ва уни молиявий мустаҳкамлашга кўмаклашади. Телекоммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан «Миллий телекоммуникация ва маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш, электрон технологияларни давлат бошқарувига жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш Дастури» ишлаб чиқилди ва уни қабул қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Алоқа соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Тизимли таҳлилий ишларни амалга ошириш мақсадида мавжуд молиявий ҳисоботлар шаклларига ўзгартишлар киритиш ва Интернет операторлари ва провайдерлари учун қўшимча статистика ҳисоботи шаклини жорий этиш йўли билан телекоммуникация соҳасидаги статистик ҳисоботларни такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Алоқа инфратузилмасини шакллантириш. ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқлари халқаро, шаҳарлараро, ҳудудий телефон тармоқларини, маълумотларни узатиш, телерадиодастурларни тарқатиш, умумий фойдаланишдаги уяли ва транк радиоалоқа тармоқларини, персонал радиочақирув тармоқларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини замонавийлаштириш лойиҳасининг биринчи босқичини амалга ошириш давомида оптик толали алоқа линиялари, радиорелели рақамли алоқа линиялари ва рақамли узатиш тизимлари (SDH) базасида рақамли магистрал тармоқ вужудга келтирилди. Бунинг натижасида рақамли каналлар 12та вилоятгача ва мавжуд 164 туман марказларининг 47тасига етказилди. Оптик толали алоқа

линияларидан фойдаланган ҳолда шаҳарлараро алоқанинг шохланган транспорт тармоғи ташкил қилинди, уларнинг умумий улуши барча алоқа линияларининг 55,3 фоизини, радиорелели линиялар улуши 11,4 фоизни, мис кабельни қўлланган ҳолда ташкил қилинган алоқа линиялари – 32,7 фоизни ташкил қилади.

Ҳозирда энг кам улушни – фоизни ҳаво алоқа линиялари ташкил этади, 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 мамлакатига чиқадиган тўғридан-тўғри халқаро алоқа каналлари ташкил қилинган. Рақамли халқаро телефон каналлари улуши – 84,7 фоизни ташкил этади. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасининг стационар коммутация ускуналари улуши 81 минг портдан зиёд бўлиб, улардан 90 фоизи рақамли коммутация тизимларининг портларидир.

Республика шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг маҳаллий телефон тармоқларида умумий стационар ҳажми 1,91 млн. рақам бўлган 2 мингдан зиёд автомат коммутация телефон станциялари хизмат кўрсатмоқда, улардан рақамлилари улуши 33,3 фоизни ташкил этади. Одатий телекоммуникация хизматлари қаторида уяли радиоалоқа республикада кенг тарқалди. Телекоммуникациялар бозорида 7 уяли алоқа операторлари хизмат кўрсатмоқда, уларнинг абонентлари сони 200 мингдан ошади, уяли алоқа тармоғи Тошкент шаҳри, вилоятлар ва маъмурий марказларни ҳамда асосий саноат марказлари ва йирик автомагистралларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг 700 дан зиёд аҳоли пунктини ўз ичига олади. Уяли алоқани амалга ошириш учун AMPS (DAMPS), GSM, IS-95 (CDMA) стандартлари ва CDMA-450 технологияларидан фойдаланилмоқда. Халқаро роуминг дунёнинг 40 дан зиёд мамлакати операторлари билан амалга оширилмоқда.

Телекоммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш лойиҳалари доирасида Мицуи энд



Корпорэйшн Лимитед, НЕК Корпорэйшн, Алкатель Сель АГ, Сименс АГ, Хуавей Текноложиз ва бошқа шу сингари телекоммуникация ва ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи етакчи чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори чиққанидан сўнг республикада соҳани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни нисбатан тезлашди. Хусусийлаштириш суръатларининг кескин оширилиши ва давлат корхоналарининг асосан акциядорлик жамиятларига айлантирилиши билан характерланади. Шу сабабли телекоммуникациялар соҳасида хусусийлаштиришни амалга оширишнинг асосий усули бутун иқтисодиётда бўлгани каби давлат мулкни акциялар чиқариш орқали сотиб олиш кўринишида бўлди.

Давлат корхоналари негизида «Тошкент таксофони» ва «Сирдарётелеком» акциядорлик жамиятлари ташкил этилди, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоят электр алоқа корхоналари негизида «Ўзбектелеком Интернешнл АЖ» Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхоналари, Чирчиқда эса – «Чирком» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси тузилди. Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари электр алоқа корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Бу ерда қисқача изоҳ бериб ўтиш керакки, республикада ислохотлар ўтказишда телекоммуникация тармоқларида «Маҳаллий телеком» ва «Халқаро телеком» (биринчиси-маҳаллий тармоқлар бўйича, иккинчиси-шаҳарлараро ва халқаро тармоқлар бўйича) каби акциядорлик компанияларини тузиш босқичидан ҳам ўтилган. Иккала

компания ҳам ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қаттиқ киришган, катта ривожлантириш ва замонавийлаштириш лойиҳалари амалга оширилган.

Лекин бу компаниялар орасида шаҳарлараро ва халқаро алоқалардан тушган даромадларни тақсимлаш борасида юзага келган муаммолар ва маҳаллий операторларда шаҳарлараро ва халқаро портларнинг мавжуд эмаслиги чет эл инвесторларининг уларга бўлган қизиқишларини пасайтирди. Яъни уларни бирлаштириш зарурати туғилди. Буни ҳисобга олган ҳолда ҳамда халқаро тажрибага ва халқаро экспертларнинг хулосаларига таянган ҳолда 2000 йилда ҳукумат томонидан бу акциядорлик компанияларини «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Компания таркибига барча маҳаллий, шаҳарлараро электр алоқа корхоналари, шу жумладан давлат улдушига эга бўлган қўшма корхоналар ҳам кирди. Мазкур соҳани ислоҳ қилиш доирасида устав фондига акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетларини тўплаш йўли билан «Ўзбектелеком» холдинг компаниясини тузиш назарда тутилган эди. Бу акциядорлик компаниясига катта вазифалар, жумладан маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро электр алоқа хизматлари бозори талабларини қондириш вазифаси юклатилган.

Телекоммуникация хизматлари бозорини такомиллаштириш ва молиявий бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш ишлари, шубҳасиз, ўз пайтида амалга оширилди ва ижобий натижаларга олиб келди. Аммо тез ўзгарувчан бозор шароитлари хусусийлаштириш жараёнида янги қадамлар қўйилишини талаб қилар эди. Шу сабабли 2001 йил охири ва 2002 йил бошларида янги муҳим ўзгаришлар бўлди ва шу аснода соҳадаги давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи бошланди. «Ўзбектелеком» АҚни индивидуал

лойиха бўйича компания акцияларининг 51 фоиздан кам бўлмаган қисмини чет эллик инвесторга сотиш ва 30 фоиздан ошиқ бўлмаган қисмини давлат тасарруфида қолдириш йўли билан хусусийлаштиришни кўзда тутувчи ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинди.

Акцияларни сотиш натижасида 200 млн. АҚШ долларидан зиёд кредит қарзлари компаниядан чиқарилади. Бу қарорни амалга ошириш йўлларини ҳамда хусусийлаштириш бўйича таклифлар ва мақсадларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш учун халқаро молиявий маслаҳатчи жалб қилинди ҳамда таркибида «Артур Андерсен» аудиторлик компанияси ва «ЛеБоф, Ламб, Грин энд МакРэ» юридик фирмалари бўлган Коммерцбанк бошчилигида халқаро консорциум таъсис этилди.

«Ўзбектелеком» АҚни индивидуал лойиха бўйича хусусийлаштириш ҳақида қарор қабул қилинишига сабаб, асосий стратегик мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги шароитларини яратиш мақсадида стратегик чет эл инвесторини жалб қилиш жараёнида телекоммуникация соҳасида бошқарувни такомиллаштиришнинг кейинги йўналишлари белгилаб олинди:

- республика телекоммуникация тармоғининг ташкилий-техникавий жиҳатдан бирлигини таъминлаш;
- «Ўзбектелеком» АҚни хусусийлаштириш ва стратегик чет эл инвесторига Компаниянинг 51 фоиздан кам бўлмаган акция улушини сотиш йўли билан телекоммуникация соҳасига инвестициялар жалб қилиш;
- жалб қилинган инвестициялар ҳисобига бир текис ва мутаносиб равишда минтақавий ва шаҳарлараро тармоқларни ривожлантириш, янги турдаги телекоммуникация (телефония, маълумотлар узатиш, Интернет, уяли алоқа) хизматларини вужудга келтириш ва жорий этиш;
- абонентларга хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва хизматлар сифатини яхшилаш;

· рақобатни татбиқ қилиш ва телекоммуникацияни эркинлаштириш учун замин яратиш.

Маҳаллий телефон тармоқлари чет эл инвесторлари учун етарли даражада жозибали эмаслигини ҳамда халқаро молиявий маслаҳатчининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда барча минтақавий операторларни ягона оператор таркибига филиаллар сифатида бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Буларнинг барчаси таркибий тузилма бўлинмалари орасидаги ҳисоб-китоблар тизимини соддалаштиришга, компания ичида ягона технологик жараёнларни шакллантиришга, молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жамлашга, ягона техникавий сиёсатини юритишга ёрдам беради ва ҳ.к..

Республиканинг телекоммуникациялар соҳасидаги барча акциядорлик жамиятларини битта, ягона ҳолдинг кўринишидаги компанияга бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилишда Туркия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқилган. Европа Тикланиш ва Ривожланиш Банки, Осиё Ривожланиш Банки, Халқаро молия корпорацияси каби бир қатор халқаро молия институтлари «Ўзбектелеком» АҚни хусусийлаштириш масаласида амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳоламоқдалар.

Молиявий маслаҳатчининг фикрича, «Ўзбектелеком»ни хусусийлаштиришга тайёрлашда, дунё тажрибасига мувофиқ ҳолда тартибга солувчи қонун ҳужжатларини шакллантиришда ва тартибга солувчи органни ташкил этишда сезиларли самарага эришилди. Шунингдек маслаҳатчи томонидан компаниянинг юқори даражадаги менежментига ижобий баҳо берилди. Молиявий маслаҳатчи ахборот меморандумини тайёрлаб, уни «Ўзбектелеком» АҚни хусусийлаштириш жараёнига қизиқиш билдирган ЕТРБ, ОРБ ва бошқа ташкилотларга тақдим этди.

Компаниянинг тақдимот маросимида чет эл дипломатик корпуси, чет эл компаниялари, банклар, оммавий

ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Ўзбектелеком» АКнинг молиявий ҳисоботлари, бухгалтерия амалиёти, бизнес-режаси муҳокама қилинди. Тақдимот натижалари бўйича «давра суҳбати» ташкил қилинди. «Ўзбектелеком» АКнинг янги бошқарув тизими, регулятив базаси ишлаб чиқилди; бизнес-режага, компания филиаллари ва бошқа операторлар билан ўзаро муносабатлар механизмига тузатишлар киритилди ва бу жараён такомиллаштирилмоқда. «Прайс Ватерхаус Куперс» компанияси томонидан халқаро стандартларга мувофиқ молиявий кўрсаткичлар аудитини ўтказиш ишлари якунланди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикасидаги қулай инвестициявий муҳит «Ўзбектелеком» АКни муваффақиятли хусусийлаштиришга, «Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Миллий дастури»ни амалга ошириш учун телекоммуникация секторига қўшимча инвестициялар жалб қилинишига ва Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига уйғунлашувига имкон яратади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва соҳадаги хусусийлаштириш бўйича босиб ўтилган босқичларнинг мантиқий якуни қуйидагича бўлиши лозим: телекоммуникация секторига стратегик инвесторни жалб қилиниши. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг сезиларли натижалари сифатида турли мулк шакллариغا эга бўлган корхоналарнинг пайдо бўлганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Демак, юқорида келтириб ўтилган тадқиқотларимиз кўрсатиб турибдики, мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими ва унинг хизматлар бозори турли босқичларни босиб ўтган. Бунда замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ушбу бозорни шаклланиб, ривожланишида

унинг қонуний-меъёрий асослари ҳам такомиллашиб борган. Уларни, таъкидлаб ўтганимиздек, асосан уч гуруҳга бўлишимиз мумкин (2.1.1-расм).

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи	Интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофаза қилинишни таъминловчи	Телекоммуникация хизматлари истеъмолчиларининг хуқуқларини кафолатловчи
«Алоқа тўғрисида», «Давлат статистикаси тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунлар; «Миллий телекоммуникация ва маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантириш, электрон технологияларни давлат бошқарувида жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш Дастури»; “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 2002 йил 30 майдаги 3080-сонли Фармон;	«Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунлар	“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлар

*2.1.1-расм. Телекоммуникация хизматлари бозори қонуний-меъёрий асосларининг гуруҳланиши*

Шунингдек, ушбу хизматлар бозори, аввало, қонуний-ҳуқуқий меъёрлар асосида нафақат маъмурий (административ), балки соф бозор иқтисодиётининг усули бўлган - иқтисодий механизмлар асосида ҳам такомиллашиб бормоқда (2.1.1-илова).

Телекоммуникациялар бозорининг ривожланиш босқичлари унга тегишли бўлган меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг такомиллашувида яққол ўз ифодасини топади. Масалан, 2.1.2-иловадан кўриниб турганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларида телекоммуникация хизматлари асосан «Ўзбектелеком» давлат электралоқа корхоналари концерни томонидан амалга оширилган ва у алоқа вазирининг ўринбосари томонидан бошқарилган.

Ушбу хизматлар бозорининг ривожланиб бориши билан соҳада «Маҳаллий телеком» ва «Халқаро телеком» кўринишидаги иккита йирик тузилма пайдо бўлди (2.1.3-илова). Улар тегишли равишда бош директорнинг биринчи ўринбосарига ва ўринбосарига итоат этишар эди. Лекин ушбу тузилмалар, фикримизча, кутилган натижани бермади. Шунинг учун алоқа соҳасини навбатдаги бошқарув таркибини ўзгартириш жараёнида улар бирлаштирилиб, 2.1.4-иловадаги ҳолатга келтирилди.



Эндиликда телекоммуникациялар тармоғини бошқариш ҳам, молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнини таҳлил

қилиш ҳам, ушбу бозорни ривожланиш устуворликларини белгилаш ҳам тўғридан-тўғри бош директор томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда эса соҳада махсус Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш миллий марказини ташкил этиш кўзда тутилган (2.1.2-расм). Фикримизча, бу ҳолат телекоммуникациялар бозорини келгусида янада ривожланишига туртки беради.

## **2.2. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси – телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий ҳолатини белгиловчи етакчи субъект сифатида**

Юқоридаги бўлимларда таъкидлаб ўтганимиздек, мамалакатимизда мустақиллик йилларида телекоммуникациялар бозори жаҳон ҳамжамияти талабларидан ва меъёрларидан келиб чиқиб такомиллашиб бормоқда. Аввалги бўлимларда биз телекоммуникациялар бозорининг мамлакат миқёсидаги ўрнига, жумладан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштириш жараёнларига, унинг бозордаги мавқеига ҳамда фаолиятини ривожлантириш борасидаги қонунчилик базасига тўхталдик. Ушбу бўлимда компаниянинг умумий ҳолатини таҳлил этиш асосида, уни молиявий соғломлаштириш ва бу орқали компанияни телекоммуникациялар бозоридagi мавқеини ошириш борасидаги муаммоларни кўриб чиқамиз.

Аввалги бўлимда телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришга оид қонунчилик базасини ривожланиш босқичларини кўриб чиққан эдик. Шунга иод соҳа корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ҳам босқичларга бўлиш мумкин (2.2.1.расм). Масалан, биринчи босқич - 1992 йилда вилоят



электралоқа ва почта корхоналари негизда давлат алоқа бошқарув корхоналари ташкил этилди. Давлат электралоқа корхоналари асосида «Ўзбектелеком» Концернини ташкил этилди.

*2.2.1. расм. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш боскичлари*

1992 йил	Вилоят электралоқа ва почта корхоналари негизда давлат алоқа бошқарув корхоналари ташкил этилиши. Давлат электралоқа корхоналари асосида «Ўзбектелеком» Концернини ташкил этилиши.
1995-96 йиллар	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бошланиши ҳамда «Тошкент Таксофони», «Сирдарё Телеком», КК «Бузтон», «Чирком», «Ўзбектелеком Интернэшнл АЖ», «Ўзмаком» корхоналарининг ташкил этилиши
1997 йил	Ўзбекистон Алоқа Вазирлигини Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилиши, холис бошқарув органини ташкил топиши «Маҳаллий Телеком» ва «Халқаро Телеком» акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши «Тошкент Шахар Телефон Тармоғи», «Тошкент Телеком», «Андижон Телеком», «Наманган Телеком» акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши
2000 йил	«Маҳаллий Телеком» АК ҳамда «Халқаро Телеком» АКлари асосида «Ўзбектелеком» Акциядорлик компаниясини ташкил этилиши (холдинг тизими). «Қорақалпоқ Телеком», «Бухоро Телеком», «Навоий Телеком», «Хоразм Телеком», «Тошкент телеграф-телефон станцияси» ва «Шахарлараро алоқа корхонаси» акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши.
2001-2002 йиллар	«Ўзбектелеком» АК таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларни Компанияга филиал тариқасида киритилиши (холдинг ташкилотдан операторлик компанияга айлантириш жараёни) «Ўзбектелеком» АКни хусусийлаштиришга тайёрлаш. Ахборот Меморандумини битказиш ва потенциал инвесторлар ўртасида ушбу маълумотни тарқатиш.


Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, бугунги кундаги «Ўзбектелеком» АК таркиби фақат 2002 йилга келиб шаклланган ва компания ўзига хос «холдинг» вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги 453-сонли қарорига кўра компа-

ния акцияларининг асосий қисми (49%) хорижий инвесторларга, 45 фоизи давлатга тегишли бўлган ва фақат 6 фоизигина маҳаллий инвесторларга тақсимланган (2.2.1.илова). Бу ҳолат, фикримизча, компанияни хусусийлаштиришда янгича йўналишга, яъни акцияларнинг асосий пакетини хорижий инвесторларга бериш ва бу орқали қўшимча хорижий инвестицияларни олиб келишга йўл очади.

Компаниянинг бугунги кундаги ташкилий тузилмаси ва филиаллари тармоғи 2.2.2.иловада келтирилган.

2.2.1.расм. «Ўзбектелеком» АК ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадларининг ўзгариши динамикаси



Илова материалларидан кўриниб турганидек, мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида компанияга тегишли бўлган ва 100 фоиз унинг қарамоғида бўлган филиаллари мавжуд. Шунингдек, «УзНЕТ», «Ўзбектелеком Мобайл» каби филиаллар ҳам унинг таркибий тузилмасига тегишли.

Компания мамлакатимизда телекоммуникациялар тизимига бўлаётган эътибор ва талаб натижасида жуда тезлик билан ривожланиб бормоқда. Буни 2.2.1.расм материаллари ҳам кўрсатиб турибди. Харажатлар салмоғига нисбатан кейинги йилларда даромадларни кескин ўсиб кетиши кузатилмоқда, бунинг натижасида кейинги тўрт йил ичида харажатлар уч баробарга, даромадлар

эса тўрт баробарга ўсди. Компаниянинг молиявий кўрсаткичларини ўсиши унинг рентабеллигига ҳам таъсир этди, 2003 йилда унинг умумий ишлаб чиқариш рентабеллиги 10 фоизга етди.

Фикримизча, компаниянинг бу қадар тезлик билан молиявий ривожланишига у кўрсатаётган замонавий хизмат турларининг шаклан ва миқдоран тез ортиб бораётганлиги, компаниянинг узлуксиз равишда телекоммуникациялар бозорида маркетинг ва молиявий таҳлил ўтказиб бораётганлиги ҳамда ушбу хизматларни компания раҳбарияти томонидан харидорлар талабларидан келиб чиқиб тез ва сифатли жорий этилаётганидир. Масалан, ҳозирда компания томонидан IDD calls, операторлар ёрдамида телефон килиш (Operator assisted calls), халқаро кириш трафикни қайта ишлаш (Termination of incoming international traffic), коммутацияли транзит (Switched transit), канал сифимларини ижарага бериш (Capacity lease), канал сифимларини сотиш (Capacity sales), ТВ узатишларини ташкил этиш (Occasional Use TV Services), маълумот узатиш (FR, X.25, IP)(Data transmission), ISDN улашиш (ISDN connection), HCDS (Home Country Direct Service), Call Back хизматлари, карточкалар орқали халқаро телефон алоқа ҳамда Интернет хизматлари олиш каби ўнлаб турдаги замонавий хизматлар жорий этилган ва уларни харидорларга тақдим этишнинг сифат кўрсаткичлари такомиллаштирилиб борилмоқда (2.2.3.илова).

Компания ҳозирда телекоммуникация хизматлари бозорида маълум мавқега эга ва буни у эришган натижалар ҳам исботлайди. Масалан, компания ҳозирда «Интелсат» Халқаро сунъий йўлдош ташкилотига аъзоликка қабул қилинган. Натижада, Япония, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Корея, Покистон каби 9 та давлатлар билан тўғридан-тўғри халқаро каналларни ташкил этган. Шу билан бир қаторда,

Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Покистон ва Буюк Британия давлатлари орқали бошқа давлатларга чиқиш йўлга қўйилган.

Хитой, Германия, Туркия, Россия, Қозоғистон ва Туркменистон йўналишларига тўғридан-тўғри каналлари ташкил этилган ҳамда ТАЕ ВОЛС бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали рақамли каналларнинг Осиё мамлакатлари ва Европа мамлакатларига транзити таъминланмоқда.

Шунингдек, компания Марказий Осиё ҳудудидаги давлатларга Телевидения хизматларини Тошкент орқали транзитини ташкил этиш, шунингдек Телевизион дастурларни қабул қилиш ва узатиш имкониятларини яратган. Интернет хизматлари ва маълумот узатиш тизими ҳамда мобил алоқа ривожланиши учун инфраструктурани ташкил этиш ҳам бевосита компаниянинг эришган ютуқларидан биридир.


Бугунги кунда компания халқаро ва шаҳарлараро миқёсда алоқа тармоғига эга. Халқаро миқёсда у, юқорида таъкидлаганимиздек, Япония, Германия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Корея, Покистон, Хитой каби хорижий мамлакатлар билан, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Украина, Белоруссия, Тожикистон каби МДҲ мамлакатлари билан алоқа тармоқларига эга.

Бугунги кунда компьютер ва телекоммуникациялар тизимида рақамлаштиришнинг афзалликлари ва имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтиш, фикримизча, ўринсиздир. Чунки мутахассис бўлмаган одамлар ҳам бугунги кунда рақамли алоқа ва ахборотларнинг нақадар қулай ва афзал эканлигини тушуниб етмоқда. Шунинг учун компания мамлакатимизда рақамли телекоммуникациялар тармоғини ташкил этиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширган ва уни такомиллаштириб бормоқда.

Малакатимизнинг деярли барча вилоят ва худудлари ягона рақамли телекоммуникациялар тармоғига уланган, агар 1997-98 йилларда магистрал алоқа линияларида рақамли каналлар умумийга нисбатан бор-йўғи 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб уларнинг салмоғи 85-90 фоизга ёки 13 минг каналга етди. Шунингдек, рақамлаштириш даражаси мамлакатимизнинг худудий алоқа тармоқларида ҳам тез ривожланиб бормоқда. Хозирда «Ўзбектелеком» АЖ нинг маълумотлар узатиш тизими марказлаштирилган ва Тошкентдан туриб назорат этиш имкониятлари яратилган.

Маълумки, молиявий соғлом, ривожланиб бораётган субъект кўпроқ капитал қўйилмалар қилишга интилади ва бу ҳолат уни янада молиявий жиҳатдан барқарорлаштиради.

2.2.2.-расм. «Ўзбектелеком» АЖнинг капитал қўйилмаларини молиявий манбалари бўйича тақсимланиши



Шунинг учун, бугунги кунда гуркираб ривожланаётган «Ўзбектелеком» АЖси ҳам йирик миқдорда капитал қўйилмаларни амалга оширмоқда. Компаниянинг капитал қўйилмаларини молиявий манбалари бўйича тақсимла-

ниши 2.2.2.расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, капитал қўйилмаларнинг 51,25 фоизи корхона маблағлари хисобидан, 46,8 фоизи хорижий кредитлар, 1,34 фоизи хорижий инвестициялар ва 0,61 фоизи бошқа жалб этилган маблағлар хисобидан амалга оширилган. Биз бу ўринда хорижий кредитлар ва хорижий инвестициялар қисмига эътиборни қаратмоқчимиз. Чунки, капитал қўйилмаларнинг 46,8 фоизи кредитлар хисобига амалга оширилган. Бу ҳолат компанияни, фикримизча, «қарам» қилиб қўяди. Шунинг учун, бу ўринда кредитлар салмоғини камайтириб, инвестициялар салмоғини ошириши лозим.

Агар биз «Ўзбектелеком» АҚ нинг молиявий хисоботларини таҳлил этсак, компаниянинг кейинги йилларда узлуксиз равишда, жадаллик билан ривожланаётганлигини гувоҳи бўламиз. Асосий фаолиятдан даромадлар 1999 йилда 21499,2 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 91151,76 млн сўмга етди ёки деярли тўрт ярим баробарга ўсган. Ажабланарлиси шуки, таҳлил этилаётган даврда операцион харажатлар 3,3 баробарга ўсгани холда, даромадлар – 4,22 баробарга; молиявий харажатлар 13,48 баробарга ўсгани холда, даромадлар қарийб – 21 баробарга ўсган.


Шунингдек, компаниянинг соф фойдаси 1999-2003 йиллар мобайнида деярли икки баробарга ўсиб, соф фойда бўйича рентабеллик деярли 10 фоизга етган.

«Ўзбектелеком» АҚ нинг инвестициявий фаолиятини 1999-2003 йиллар давомидаги бутун ҳолатини йиғинди кўринишида таҳлил этсак, уни марказлашган (яъни, мамалакат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалардан ажратилган) ва марказлашмаган (бошқа манбалардан олинган) маблағлардан ташкил топганлигини кўрамиз (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. «Ўзбектелеком» АК жалб этилган инвестицияларининг ўзаро нисбати.

Демак, ушбу йиллар давомида умуман, марказлашган инвестицияларга эҳтиёж кўпроқ бўлган. Албатта, бу ҳолат анча давр давом этган. Лекин 2000-2001 йиллар оралиғида вазият кескин ўзгарган (2.2.4-расм).




2.2.4-расм. «Ўзбектелеком» АК жалб этилган инвестицияларининг ўзгариш динамикаси

Яъни марказлашмаган инвестициялар марказлашган инвестициялардан бирданига ортиб кетган. Бу ҳолатни компаниянинг ўзлик маблағларини кескин ортиб кетиши, даромадларнинг ва компания хизмат турларининг ортиши билан изоҳлаш мумкин (2.2.5-расм).

Биз марказлашган инвестицияларни ҳисоблашда бюджет томонидан берилган солиқ ва бошқа имтиёзларни, соҳани ривожлантириш жамғармасидан тушган маблағларни, давлат кафолати асосида хориждан олинган кредит ва инвестицияларни назарда тутдик.

Марказлашмаган инвестициялар таркибида эса компаниянинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри чет инвестициялари (асосан, асбоб-ускуна холида), алохидан келадиган ва бошқа ички манбалардан келадиган маблағлар ётади.

Шунингдек, компаниянинг даромад манбалари сифатида хусусийлаштиришдан келадиган маблағлар ва дивиденд даромадлари ҳам киради.



2.2.5-расм. «Ўзбектелеком» АК ўзлик маблағларининг ўсиш динамикаси

Компаниянинг ўрнатилган талаблар асосида олиб борилган молиявий ҳисоботлари баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот, асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, хусусий капитал тўғрисида ҳисоботлардан иборат. Лекин, фикримизча, филиаллар ўртасида молиявий ҳисоботларни олиб бориш, уни ташкил этишга қўйиладиган талабларни тубдан такомиллаштириш зарур. Чунки ушбу ҳолатлар молиявий маблағларни ишлатишда бош-бошдоқликни, хўжасизликни келтириб чиқариши мумкин.

Маълумки, корхонанинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини таҳлил қилишдан асосий мақсад -



унинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштириш бўйича мулоҳаза ва таклифларни ишлаб чиқаришдир. Корхонанинг молиявий барқарорлиги унинг фаолиятининг энг муҳим томони ҳисобланади, яъни молиявий барқарорлик унинг келажакда бир маромда ишлашининг пойдеворидир.

Молиявий барқарорликни таҳлилидан мақсад активлар ва пасивларнинг ҳажмини ва таркибини аниқлашдир<sup>1</sup>. Бу корхонанинг молиявий томондан мустақиллик даражасини ва унинг баланси олдига қўйган вазифаларига етарлилигини аниқлашда қўл келади.

Биз «Ўзбектелеком» АК ни молиявий таҳлил этишда унинг услубиётини қуйидаги гуруҳларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- ҳисобот давридаги молиявий ҳолат ва унинг ўзгаришини умумий баҳоси;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлили;
- компаниянинг иш юритиш фаолияти ва тўлов қобилиятининг таҳлили.

Молиявий аҳволни ҳар томонлама таҳлил этишда ялпи кўрсаткичлардан ташқари, корхона молиявий аҳволини кўрсатувчи солиштирма коэффициент кўрсаткичлари ҳам ишлатилди. Бундай кўрсаткичлар ялпи кўрсаткичларнинг бир-бирига нисбати ёки уларнинг чизиқли функциялари кўринишида ҳисобланди<sup>2</sup>.

Маълумки, молиявий коэффициентларнинг таҳлили – бу уларни базис кўрсаткичларга солиштириш ҳамда бир неча йиллик динамик ўзгаришлари қаторини тадқиқ этишдир. Базис кўрсаткичлар сифатида эса шу корхонанинг аввалги, молиявий нуқтаи назардан омадли бўлган даврдаги ўртача кўрсаткичларини ёки мазкур тармоқдаги

---

<sup>1</sup> Қозлова О.И. Оценка кредитоспособности предприятий. М.: «АО АРГО», 1998 г.

<sup>2</sup> Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Тошкент, 1999 й. 20-21 бетлар.

ўртача кўрсаткичлар ёки корхонанинг энг кучли рақобатчисининг кўрсаткичлари олиниши мумкин.

Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил этиш учун ва унинг истиқболини белгилаш учун бир неча молиявий кўрсаткичларни таҳлил этиш кифоя. Энг асосийси бу кўрсаткичлар унинг молиявий аҳволини тўлиқ ва ҳаққоний очиб бера олсин.

Биз «Ўзбектелеком» АҚ нинг ўзига хослигидан келиб чиқиб уни молиявий таҳлил этишда қуйидаги усул ва услубларни қўллашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

а) Услубларнинг энг соддаси - бу таққослаш. Бунда ҳисобот давридаги кўрсаткичлар режалаштирилганларига ёки ўтган даврдаги ҳисоботга солиштирилди. Ҳар хил даврга тегишли кўрсаткичларни солиштирилганда, уларнинг бир хиллигини, яъни уларнинг таркибан яқинлигини, ҳисоблаш усулларининг ўзгармаслигини таъминлаш ҳамда инфляция таъсирини йўқотиш зарур.

б) Яна бир услуб бу - гуруҳлашдир, яъни кўрсаткичлар гуруҳларга бирлаштирилди ва жадваллар кўринишига келтирилди. Бундай услуб ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ривожланиш тенденциясини аниқлаш, кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва улар орасидаги боғлиқликларни топиш имконини берди.

в) Молиявий аҳволни ҳар томонлама таҳлил этишда солишгирма коэффициентлар ишлатилди. Булар айрим ялпи кўрсаткичларни бошқаларига нисбати сифатида ҳисобланди ва компаниянинг молиявий аҳволини кўрсатиб берди. Бу кўрсаткичлар молиявий аҳволни рақамлар билан ифодалашда, компанияни бошқа турдош корхоналар билан ёки тармоқдаги ўртача кўрсаткичлар билан солиштиришда, кўрсаткичлардаги ўзгаришлар тенденциясини аниқлашда ва корхона ривожланиш мезонлари ҳамда чегаравий меъёрларни белгилашда қўлланилди.

Компаниянинг молиявий барқарорлигини ва унинг умумий ҳолатини белгиловчи коэффициентлардан асосийси – бу унинг мустақиллаик коэффициентидир. Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\text{Мустақиллик коэф} = \frac{\text{Ўзлик маблағлари}}{\text{Жами активлар}} \quad (1)$$

Одатда, мазкур коэффициент  $K_m > 0,5$  дан ортиқ бўлса, бу нормал ҳолат ҳисобланади. Лекин, фикримизча, «Ўзбектелеком» АҚ каби йирик ва катта миқдорларда ишончли кредит ва инвестиция ресурслари жалб этган компания учун ушбу кўрсаткичнинг  $K_m > 0,2$  бўлиши ҳам етарли.

Компания молиявий ҳолатини белгиловчи кейинги кўрсаткич сифатида биз қарзга олинган ва ўз капиталининг нисбати кўрсаткичини олдик ( $K_{к/ўк}$ ):

$$K_{к/ўк} = \frac{\text{Жами қарзлар}}{\text{Ўз капитал}} \quad (2)$$

Аслида,  $K_{к/ўк}$  коэффициентнинг максимал кўрсаткичи бирга тенг ёки ундан кичик бўлиши лозим. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу кўрсаткичнинг меъёрларини компания хусусиятларидан келиб чиқиб белгилаш тавсия этилади. Албатта, бу улушнинг бирдан кичик бўлиши корхонанинг молиявий аҳволи барқарорлигини кўрсатади.

Кейинги муҳим деб ҳисоблаган кўрсаткичимиз – бу қарз ва жами сармояларнинг нисбати коэффициентидир ( $K_{к/к}$ ):

$$K_{к/к} = \frac{\text{Жами қарзлар}}{\text{Умумий капитал}} \quad (3)$$

Ушбу коэффициент қарзларнинг умумий сармоялардаги улушини кўрсатади. Кўпчилик олим ва мутахассислар бу улуш қанчалик катта бўлса, корхона ташқи молиявий маблағларга шунчалик муте бўлиб қолади деб таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Бизнингча эса, ушбу кўрсаткични ҳисоблашда компаниянинг жами қарзлари таркибини тубдан тадқиқ этиш ва фақат қисқа муддатли ва маълум риск даражасига эга бўлган кредит ва қарзларнигини формулага киритиш лозим. Чунки, юқорида таъкидланганидек, «Ўзбектелеком» АҚнинг катта миқдордаги қарзий мажбуриятлари сифатида давлат кафолати билан олинган, соҳани ривожлантириш жамғармасидан олинган ёки узоқ муддатга тўғридан-тўғри олинган хорижий инвестициялар ҳам бор.

Бу қарзий мажбуриятларнинг рисклилиқ даражаси жуда паст. Шунинг учун уларни формулага киритиб, гўёки «Ўзбектелеком» АҚ четки қарзлардан ва корхона муаасасалардан молиявий жиҳатдан муте холатида дейиш, ўринли бўлмайти.

Кейинги муҳим кўрсаткич сифатида биз компаниянинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичини олишни тавсия этамиз. Ушбу коэффициент  $K_{ум}$  айланма активларнинг қанча қисми ўзининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилганлигини кўрсатади:

$$K_{ум} = \frac{\text{Ўз айланма маблағлари}}{\text{Айланма активлар}} \quad (4)$$

Маневрлилиқ коэффициенти эса жорий ишлаб чиқаришни молиялаштиришда корхона ўз капиталининг қайси улушини ишлатганлигини кўрсатади:

$$K_{мк} = \frac{\text{Ўз айланма маблағлари}}{\text{Ўз капиталли}} \quad (5)$$

<sup>1</sup> Шеремет А.Д., Нечашев Е.В. Методика финансового анализа. Москва, 1999 г.

Биз юқоридаги формулалардан ва «Ўзбектелеком» АК нинг баланс ва бошқа хисоботларидан фойдаланиб, унинг молиявий барқарорлигини аниқлашимиз ва баҳолашимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал. «Ўзбектелеком» АК нинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

Кoeffициентлар	2002	2003	2004	Меъёрда
1. Молиявий мустақиллик кoeffициенти	0,246	0,365	0,340	> 0,5 («Ўзбектелеком» АК учун >0,2)
2. Қарзга олинган ва ўз капиталининг нисбати	2,865	2,795	2,967	<1 («Ўзбектелеком» АК учун <3)
3. Қарз ва жами капиталлар нисбати кoeffициенти	0,864	0,647	0,668	< 0,5
4. Ўз айланма маблағлари билан таъминганлик кoeffициенти	0,428	0,321	0,379	> 0,3
5. Маневрлилик кoeffициенти	0,103	0,278	0,267	< 0,3

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, «Ўзбектелеком» АК бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозорида етакчи мавқега эга. Компания замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ўзининг хизматлари бозорини такомиллаштирмоқди ва ривожлантирмоқда. Таҳлилларимиз унинг молиявий салоҳияти кейинги йилларда кескин ошганлигини кўрсатади. Эндиликдаги бош вазифалар – молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, филиаллар ўртасида молиявий хисоботлар юритиш ва назорат этиш тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш ва тинимсиз янги технология ва хизмат турларини жорий этиб боришдир.

### **2.3. Халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация хизматлари бозорининг молиявий салоҳияти ва уни ошириш имкониятлари**

Бутун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари телекоммуникациялар бозорида ҳам туб ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Яъни авваллари мамлакат аҳолиси асосан маҳаллий даражада мулоқотлар олиб бориб, алоқа хизматларининг яқин масофадаги турларига кўпроқ эҳтиёж сезган бўлса, эндиликда улар узоқ шаҳар ва минтақалар, шунингдек, нафақат яқин хориж мамлакатлари (МДХ мамлакатлари) билан, балки узоқ масофаларда жойлашган мамлакатлар (АҚШ, Япония, Туркия, Европа мамлакатлари кабилар) билан ҳам алоқа тизимлари орқали боғланиш эҳтиёжини сезишмоқда. Бундан ташқари телекоммуникация хизматлари бозорида кейинги йилларда вужудга келган ўнлаб янгидан-янги хизмат турлари шаҳарлараро ва халқаро миқёсда телекоммуникация хизматларини ҳам миқдорий, ҳам сифат кўрсаткичлари бўйича юқори даражаларга кўтаришни талаб этмоқда.

Телекоммуникация хизматлари бозорида етакчилик ролини ўтаётган «Ўзбектелеком» АК бу борада бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. Буларнинг ичида энг характерлиси – мамлакатимизда алоқа хизмати кўрсатишнинг кейинги йиллардаги рақамлаштириш ва бунинг натижасида кўрсатилаётган хизматларнинг миқдори ва сифати кескин ортганлигидир. Агар биз республикаимиз миқёсида шаҳарлараро трафик (телекоммуникацион алоқалар) миқдорини таҳлил этсак, 2000-2001 йиллар оралиғида бу кўрсаткич 8 фоизга, 2002-2004 йиллар оралиғида эса 13 фоизга ошганлигини кўрамыз. Бундай ўсишнинг бош омилларидан бири Нукус-Ургенч, Навоий-Бухоро ва Бухоро-Қарши кўндаланг алоқаларининг йўлга қўйилганлиги бўлди.

Халқаро алоқалар ҳам рақамлаштириш йўлидан жадал ривожланмоқда. Қозоғистон ва Россия йўналишидаги алоқа тармоқлари рақамлаштирилди. Бунинг натижасида 2000 йилда кириш алоқаси чиқишга нисбатан 1,03 баробарга ортиқ бўлган бўлса, 2002 йилда 2,04 баро-барга, 2004 йилда эса 2,99 баробарга ортиқ бўлди. Халқаро Электралоқа Иттифоқининг алоқа хизмати учун тўловлар миқдорини камайтириш бўйича олиб борган ишлари ва ушбу жараёнларни назорат остига олиб, соҳадаги қонуний-меъёрий асосларни такомиллаштириб бориши натижасида йирик алоқа операторлари майда операторларни бозордан «сиқиб» чиқарди ва ҳар бир хизмат учун тўлов (хисоб таксаси) миқдорини камайтиришга имконият яратилди.

«Ўзбектелеком» АҚ хориж мамлакатлари билан ўзаро тўловларни доимий назорат этиб боришда ўзига хос усулни жорий этган. Яъни ҳар ойда алоқа маъмуриятлари шартномага биноан тўғридан-тўғри ва транзит алоқа хизматлари учун тўлов варақаси (смет) юбордилар. Ушбу тўловлар квартал давомида жамланади ва квартал баланси (тўловлар сальдоси) тузилади.

«Ўзбектелеком» АҚ 2000 йилнинг 1 январи ҳолатига халқаро тўловлар бўйича 6,4 млн. АҚШ долл. қарздорликка эга бўлган бўлса, халқаро трафикларни оптималлаштириш хисобига бу кўрсаткич 2005 йилнинг 1 январи ҳолатига, аксинча бошқа чет эл алоқа маъмуриятларининг компаниядан 5,5 млн. АҚШ долл. миқдорида қарздор бўлишига олиб келган. Яъни халқаро трафикларни молиявий оптималлаштириш натижасида компания 11,9 млн. АҚШ долл. миқдорида ижобий тўлов сальдосига эришган.

Келтирилган кириш ва чиқиш алоқаси бўйича дебиторлик-кредиторлик қарздорликлар ҳолатини таҳлили ҳам «Ўзбектелеком» АҚни халқаро алоқаларда йирик миқдорда ижобий сальдога эришганлигини кўрсатади.

Халқаро алоқалар учун тўловларда энг мураккаб бўлган жараёнлардан бири, юқорида келтириб ўтганимиз - ҳар бир хизмат учун тўлов (хисоб таксаси) миқдорини аниқлашдир. Чунки бу жараёнларга ҳар бир давлатнинг ўз валютасида хисоб-китоб юритиши истаги, халқаро трафикларнинг турли бирликларда ўлчаниши, миллий валюталар курсининг ўзгариб туриши, ҳар бир давлатнинг молия-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлари каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. «Ўзбектелеком» АҚ йилдан-йилга хисоб таксаси миқдорини камайтириб боришга ва кириш трафикларини ошириш орқали, мамлакатга валюта тушумларини кўпайтиришга эришган. Масалан, АТ&Т компанияси билан 2000 йилда кириш ва чиқиш алоқа хизматлари учун тўлов 26,8 бирликда амалга оширилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткични 7,0 бирликка туширишга эришилган.

Юқорида таъкидланганидек, ушбу натижаларга компания стратегик маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва трафикларнинг энг қулай ва арзон, шу билан бирга сифатли йўналишларини танлаш орқали эришган. Натижада, компания бутунги кунда дунёнинг жуда кўп йирик оператор-компаниялари билан транзит, тўғридан-тўғри ва ноанъанавий транзит алоқа хизматларини кўрсатишда ҳамкорлик қилмоқда ва мамлакатни қулай, арзон ва сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминламоқда.

Компания сунъий йўлдош орқали Интелсат, шишатолали тармоқлар (ТАЕ) ва Қозоғистон орқали Россияга ўтказилган кабель магистралларидан фойдаланмоқда. Узоқ хориж мамлакатларига алоқа узатишда 13 йўналиш мавжуд бўлиб, шундан 7 йўналиш тўғридан-тўғри трафиклар билан, 6 та компания эса дунёнинг барча мамлакатларига трафиклар транзитини амалга оширади.

Компания 2000-2004 йиллар давомида ноанъанавий транзит трафикларидан фойдаланиш орқали, самарали



ва кам харажатли трафикларни танлаган. Масалан, 2000 йилда АТ&Т компанияси билан 35,2 фоиз ноанъанавий транзит, France Telecom билан эса ушбу хизмат тури умуман мавжуд бўлмаган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 93 ва 34 фоизга кўтарилди. Ушбу хажмни ортиши эса АТ&Т ва France Telecom компанияларининг ҳисоб таксаси мос равишда 26,8 ва 46,9 бирликдан 7,0 ва 7,3 бирликка пасайганлиги билан изоҳланади.

Анъанавий (Интелсат, ГАЕ) транзит эса нархларни туширмайди ёки бу масалаларни улар билан ечиш узок вақт талаб этади ва мушкул. Шунинг учун компания ноанъанавий транзитни қўллаб, хорижнинг йирик операторлари билан келишувлар қилишга ва ўзи учун арзон трафикларга эришди.

Энди юқорида таъкидлаб ўтганимиз – мамлакатимизнинг шаҳарлараро ва минтақалараро телекоммуникация хизматлари бозорига тўхталсак, жадал суръатларда олиб борилаётган рақамлаштириш ва янги технологияларни жорий этиш жараёнлари ушбу хизматларни ҳам сон ва сифат жиҳатдан янги босқичларга кўтармоқда. Лекин, таъкидлаш жоизки, хусусан «Ўзбектелеком» АЖ халқаро хизматлардан олган даромадлари ҳисобидан ички хизматлари бўйича харажатларни қоплаб бормоқда. Яъни, бошқача айтганда, шаҳарлараро хизматлар халқаро хизматларнинг «боқимандаси» ҳолатида фаолият кўрсатмоқда. Албатта, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя сиёсати алоқа хизматлари тарифини марказлашган тарзда назорат этишни талаб этмоқда.

Маълумки, баҳолар орқали тартибга солиш алоқа хизмати кўрсатувчиларга тартибга солувчи баҳолар бўйича битимлар тузишни зиммасига юклаш, амалга оширилаётган битимлар, маълум харидорлар гуруҳлари ёки телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи сотувчилар гуруҳлари учун тўғридан-тўғри баҳолар (тарифлар)

белгилаш, баҳолар шаклланишининг қоида ва усулларини белгилаш, энг юқори ва энг кичик баҳоларни ўрнатиш кўринишида бўлиши мумкин.

Баҳосиз тартибга солишда эса алоқа операторлари фаолиятини амалга ошириш ёки ташкил этиш усулларига таалукли, фойдаланаётган ускуналарига техникавий талаблар, фаолиятини амалга ошириш жойи ва вақти, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар бўйича мажбурий талаблар ўрнатилишини ўз ичига олади. Шунингдек, баҳосиз тартибга солишнинг муҳим жиҳати назорат ва кузатиш ваколатлари ҳисобланади.

Телекоммуникация соҳасини молиявий ҳолатини мустахкамлаш жараёни биринчи навбатда баҳо сиёсатини такомиллаштиришни тақозо этади. Оқилона тариф сиёсати, айниқса, бозор ўзгаришларини амалга ошираётган давлатлар учун муҳим ва мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Тўғри тариф сиёсати кўриб чиқиляётган соҳа ва иқтисодиёт учун муҳим бўлиб, телекоммуникация хизматларига бўлган баҳолар даражаси ва унинг таркиби иқтисодиётни барқарорлаштиришга катта ҳисса қўшади, солиқ олиш базасини кенгайтиради, бюджет ва корхоналарга қўшимча даромадлар келтиради. Хусусан, баҳоларнинг бошқа турларидаги каби тарифларда, телеком-муникация бозорининг барча субъектларини иқтисодий муносабатлари намоён бўлади, улар бевосита корхоналар жорий харажатларини қоплаш учун даромадларини шаклланиши, шунингдек жамоалар ижтимоий ривожланиши, ижтимоий истеъмол фондларини вужудга келтириш учун зарар бўладиган фойдани шаклланиши ва тармоқни ривожлантириш; қайта қуроллантиришни сармоялаш учун зарур бўладиган маблағларни олишда асос бўлади.

Тарифларни етарли даражада бўлмаслиги эса, корхоналарни зарар кўриши, уларнинг ривожланиш

мутаносиблигини бузилишига олиб келади, телекоммуникация бозори инфоратузилмаси шаклланишга тўсқинлик қилиб, ривожланиш ва янги хизмат турлари ҳамда информация технологияларини ўзлаштиришда маблағлар етишмаслигига олиб келади.

Мавжуд шароитда оқилона тариф сиёсатини ишлаб чиқиш, нафақат телекоммуникация хизматлар етказиб берувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда, балки, сармоялар жалб қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишни асосий кўрсаткичи ҳисобланган бозор баҳоларини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Ваҳоланки, телекоммуникация тармоғи олдида турган алоқа хизматига бўлган талабни қондириш вазифалари алоқа воситаларини ривожланишига йўналтирган капитални хатарга боғлиқлиги нуқтаи-назаридан ташқи сармоядорлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ечилиши лозим.

Соҳада баҳо сиёсатини бошқа бир муҳим вазифаси барча телекоммуникация бозори иштирокчилари учун тенг шароит яратиш ҳисобланади. Яъни, тариф сиёсатининг асосий мақсадли тамойили миллий бозорда бир хилдаги хизматлар ва сифати бўйича мижозлар тоифалари ўртасидаги тафовутларсиз тарифлар тенглигини жорий этишдир.

Республикада давлат тариф сиёсатида уни такомиллаштириш борасида маълум ютуқларга эришилганлигига қарамай қатор камчилик ва муаммолар мавжуд. Уларнинг ичида биринчиси тарифларни аниқлаш услугиётидаги камчиликлар билан боғлиқ.

Аксарият мамлакатлар ҳукуматлари электр алоқалари хизматлари тарифларини давлат томонидан тартибга солиш зарурлигини тан оладилар<sup>1</sup>. Бундай тартибга солиш зарурлиги қуйидаги асосий омиллар билан изоҳланади:

---

<sup>1</sup> А.Н.Арипов, Т.К.Иминов, Х.А.Муҳитдинов. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш.-Т.: «Ўзбекистон иқтисодиёти», №4. 2004.

-алоқа ташкилотларини хусусийлаштириш ва бозорни эркинлаштиришга қарамай, монополия бозорда маълум операторларнинг мавқеи яна узоқ вақт мавжуд бўлади;

-янги телекоммуникация операторлари қисқа муддат ичида собиқ монополистлар эгалик қилаётган алоқа тармоқларига муқобил дастлабки алоқа тармоқларини ташкил эта олмайдилар. Бундай шароитда давлат томонидан баҳони тартибга солиш бирлашган операторларга уларни истеъмолчиларга рақобатбардош алоқа хизматлари кўрсатишларини таъминлашлари учун зарур;

-давлат, зарар бўлишига қарамай, асосий алоқа хизматлари билан аҳоли ва ташкилотларни максимал даражада кўпроқ фойдаланишларига ҳаракат қилади.

Ушбу омилларнинг мавжудлиги давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлар универсал хизматлар мазмунини аниқ белгилашни тақозо этади. Мавжуд амал қилаётган тасниф бўйича ушбу хизмат турлари қуйидагича: умумий тармоқлардан фойдаланувчиларга шароит яратишни таъминлаш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари, телеграммалар жўнатиш ва бошқалар. Бундай аниқлашни услубий жиҳатдан нотўғри деб ҳисоблаймиз, чунки улар бир томонлама бўлиб, универсал хизматларга тарифларни тўғри аниқлашга имконият бермайди. Бизнинг фикримизга кўра, универсал хизматларнинг икки гуруҳини аниқ ажратиш зарур:

-алоқа оператори учун биринчи икки омил натижасида рентабелли универсал хизматлар;

-универсал хизматлар операторлари учун норентабел ёки фойдасиз бўлган универсал хизматлар.

Бунга мос равишда тарифларни давлат томонидан тартибга солишда иккита асосий йўналишни ажратиш мақсадга мувофиқ:

-бозорда монополия элементлари ва алоҳида операторларни юқори мавқеи мавжудлиги натижасида хизмат-

ларга юқори баҳоларнинг ўрнатилиши натижасида юқори фойда олишни чегараланиши;



-ижтимоий ва бюджет сиёсатида белгиллаган вазифаларни бажариш, шунингдек, соҳада рақобатни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган учинчи омилни амалга ошириш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар таннархидан паст тарифларни қўллаш орқали норентабел универсал хизматлар кўрсатишда операторлар зарарларини қоплаш.

Ўзбекистон телекоммуникация соҳасида тарифларни тартибга солиш механизми бевосита ана шундай ёндошувларга асосланиши лозим. Бироқ, Ўзбекистонда барча аҳоли қатламлари ва хўжалик юритувчи субъектларини алоқа воситалари билан максимал даражада таъминлаш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар тарифи таннархидан паст бўлган ҳолатда зарарларни қоплаш билан боғлиқ бўлган тарифларни давлат томонидан тартибга солишнинг иккинчи йўналиши қўлланилмапти. Бунинг натижасида «Ўзбектелеком» АЖ миллий оператори катта зарар кўрмоқда (2.3.1-расм).



Мавжуд вазият асосан узоқ ва қишлоқ туманларини алоқа воситалари билан таъминлаш, алоҳида аҳоли

тоифаларига имтиёзлар бериш, аҳоли абонент тўловлари бўйича иқтисодий ўзини оқламайдиган тарифлар қўлла- ниши билан боғлиқ (2.3.2- ва 2.3.3-расмлар).



Бир сўз билан айтганда, пасайтирилган тарифлар натижасида оператор кўраётган зиён ва уни қоплаш бора- сида тарифларни ўрнатиш ва механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ТАСИС экспертлари тамонидан универсал хизматлар кўрсатиш бўйича жавоб- гарликни устувор мавқега эга бўлган операторга юклаш ҳақидаги тавсияларини амалиётга қўллаш катта қизиқиш уйғотади.

Буларнинг барчаси ўз навбатида қуйидаги вазифа- ларни ҳал қилишни талаб этади: норентабел хизматларни (оператор учун зиён келтирувчи) қонуний тасдиқлаш; бундай хизматлар кўрсатишдан кўрилаётган зарарларни қоплаш механизмини ишлаб чиқиш ва ушбу зарарларни

қоплашни молиявий манбасини аниқлаш; устувор мавқега эга бўлган операторни (операторлар) шундай норентабел универсал хизматлар кўрсатишга аниқ лицензия (рухсатнома) бериш орқали аниқлаш.

Навбатдаги муаммо телекоммуникация хизматларига тарифларни ҳисоблаш услуги билан боғлиқ. Республикада 1991 йилгача иқтисодийетни маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан бошқариш имкониятларини чекланганлигини ўзида акс эттирган ўртача тармоқ таннарни ва меъерий фойда асосида ҳисобланадиган ягона барқарор тарифларни тасдиқлаш марказлашган сиёсати амал қилган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларда телекоммуникация хизматлари тарифларидаги ушбу камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бироқ ҳанузгача мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни фаолият юритишини реал ҳолатини акс эттирувчи баҳо сиёсатини шакллантиришга эришилмади. Ваҳоланки республикада босқичма-босқич бозор механизмларини ривожланиши тарифларни ўрнатишда янги услубий ёндошувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда операторлар ўртасида ўзаро хизматлар учун ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳон амалиётида телекоммуникация бозорини эркинлаштирилиши ва бозор механизми ривожланиши даражаси нуқтаи-назаридан хизматларни тарифлашда турли усуллари қўлланилмоқда. Уларнинг қаторига, маъмурий усуллар ёки «декрет» тарифлари; ўртача харажатлар миқдори бўйича тарифлаш; «чегаравий» баҳолари усули; «шартномавий» ёки эркин «бозор» баҳолари усуллари; чегаравий харажатлар ёки баҳолар бўйича тарифлаш кабилар кирди. Умумлашган шаклда улар уч гуруҳга бирлашади (2.3.1-жадвал):

2.3.1-жадвал. Дунё мамлакатларида тарифларни тартибга солиш усуллари

Давлатлар	Тарифларни тартибга солиш
Франция, Германия, Греция, Ирландия, Дания, Швеция ва Европа Иттифоқининг бошқа давлатлари	Чегарали нарх белгилаш усули (Price Cap)
Финляндия, Коста-Рика, Эстония, Швей- Португалия	Тарифлар назорат қилинмайди
Испания, Таиланд, Россия, Ўзбекистон	Чегарали нарх белгилаш усули (Price Cap уяли алоқа хизматларини ҳисобга олган ҳолда)
Буюк Британия	Тўғридан-тўғри давлат томонидан тартибга солиш
Аргентина, Австралия, АҚШ, Мексика, Арманистон, Латвия, Озарбайжан, Жанубий Африка	Чегарали нарх белгилаш усули (Price Cap)
Корея, Сирия	Қўйилган капиталга чегарали даромадлилик даражаси усули (Rate of return)

-давлат ташкилотлари томонидан тарифларни тўғридан-тўғри тартибга солиш;

-инвестиция қилинган капиталга чегаравий даромад даражаси ўрнатиш орқали тартибга солиш (Rate of return);

-чегаравий баҳо усули ёки «юқори баҳолар усули» (Price Cap).

Бўйича аниқланади. Бундай шароитда харажатларни баъзи хизматларга ишлаб чиқариш таннархи бўйича тақсимланиши натижасида бошқа хизматлар тарифлари ҳажмларини асослаш асоси мавжуд бўлмайди.

Давлат ташкилотлари томонидан тарифларни тўғридан-тўғри тартибга солишни Ўзбекистонда яхши таниш бўлган биринчи икки усули кенг тарқалган.

Республикада мавжуд тарифларни аниқлаш усулининг муҳим камчилиги тарифларни тасдиқлашнинг турли даражалари натижасида хизматлар ва харажатларни тақсимлашнинг тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаслиги ҳисобланади.



Хусусан, амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар харажатларни тақсимлашга субъектив ёндошувлар натижаси бўлиб улар ишчилар сони бўйича меъёрлар, ишларни амалга ошириш вақти меъёрлари, шунингдек тармоқлар юкланганлиги бўйича дастлабки зарурий маълумотларга таянмайди. Пировард натижада эса мавжуд услубиёт бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар корхоналарнинг барча харажатлари тақсимланадиган кичик миқдордаги хизматлар таннархи

Шунингдек, тарифларни аниқлашни мавжуд услубиётнинг камчилиги шундаки, алоқа операторларининг фаолиятини самарадорлигини оширишга, яъни абонентларга хизмат кўрсатиш таннархини камайтиришдаги манфаатдорлиги амалий жиҳатдан мавжуд бўлмайди. Ушбу усул универсал хизматлар абонентларига хизмат кўрсатиш харажатларини тартибга солинмайдиган фаолиятдан тартибга солинадиган харажатларга ўтказиш йўли билан сунъий тарзда таннархни ошишини рағбатлантиради.

Телекоммуникация хизматларига тарифларни тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари ва тамойилларини аниқлаш дастлаб илмий асосланган усулни танлашни тақозо этади.

Табиий монополиялар шароитида телекоммуникация соҳаси хизматларига тарифларни давлат томонидан тартибга солишни мақсади пировард истеъмолчилар, телекоммуникация корхоналари ва жамият миқёсида иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш асосида алоқа хизматларига бўлган талабни тўлиқ қондиришни таъминлайдиган тарифлар тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Мақсаднинг мазмуни табиий ҳолда тарифларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш таркиби ва тамойилларини аниқлайди. Ўзбекистон шароитида уларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

-биринчидан - кўрсатилаётган хизматларни тартибга солинадиган тарифлар бўйича корхоналар фаолиятини зарар кўрмаслиги ёки рентабеллигини таъминлаш тамойили;

-иккинчидан - истеъмолчилар учун алоқа хизматлари қулайлиги тамойили, яъни аҳоли ва ҳуқуқий шахсларни талабини, тўлов қобилиятини ҳисобга олиш;

-учинчидан - алоқа хизматлари бозорини эркинлаштириш ва инвестиция жозибадорлигини таъминлаш тамойили;

-тўртинчидан - субсидиялашни босқичма-босқич қисқартириш.

Муаллиф Ўзбекистон шароитида чегаравий баҳолаш усулини (Price-Cap) босқичма-босқич амалиётга жорий этиш зарурлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Бу усул дастлаб баҳоларни тартибга солиш учун Буюк Британияда (British Telecom) қўлланилган ва ҳозирги даврда Европа Иттифоқи ҳамда бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатларда баҳолар орқали тартибга солишни етакчи шакли ҳисобланади. Мазкур усулнинг моҳияти телекоммуникация хизматларига 3 йилдан 5 йилгача даврда баҳолар (тарифлар) ўсиши чегарасини ўрнатишдан иборат.

Усулнинг афзалликлари:

-операторларни операцион фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантиради, агарда ҳақиқий самарадорлик башорат қилинаётганидан юқори бўлса, ўрнатилган баҳоларни чегаравий ўсишини белгиловчи индекс амал қилган вақтдан бошлаб оператор қўшимча фойда олади;

-алоқа ташкилотлари харажатларни қисқаришига олиб келадиган, маблағларни тежайдиган янги технологияларни жорий этишдан манфаатдор бўладилар;

-алоқа хизматлари харажатларини тартибга солинадиган туридан тартибга солинадиган турларига ўтказиш механизмига барҳам берилади;

-алоқа операторларини жорий харажатларни оширадиган инвестицияларидан манфаатдорлиги йўқолади;

-чегаравий баҳолаш усули амалиётда енгил қўлланилади ва давлат ташкилотларидан катта моддий маблағлар ҳамда баҳоларни чегаравий индексларини аниқлаш учун вақт талаб қилмайди.

Шу билан бир вақтда шуни унутмаслик керакки, такомиллашмаган рақобат шароитида ушбу усулни қўллаш бозорда юқори мавқега эга бўлган монополистлар ёки операторларни асосланмаган юқори фойда олиш имкониятини вужудга келишига олиб келади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг 24 апрель 1997 йилдаги «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасидан босқичма-босқич телекоммуникациялар хизматларини олиб ташлашни тақозо этади. Бундай ёндошув, авваламбор, телекоммуникация соҳасида рақобатнинг шаклланаётганлиги билан изоҳланади, ваҳоланки, бугунги кунда «Ўзбектелеком» АЖ ривожланишнинг кўпчилик йўналишлари бўйича монополист ҳисобланмайди. Телекоммуникация хизматларига тарифларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида хўжалик юритувчи монополист субъектлар ва табиий монополия субъектларини амалдаги хизматлари тарифларини шакллантириш тартиблари ва тартибга солиш борасида маълум ўзгартиришлар киритилмоғи лозим. Бунинг учун:

-дастлаб Республика Молия вазирлиги билан келишиладиган телекоммуникация универсал хизматлари сони ва тарифлари қисқартирилиши, фақат рўйхатда давлатнинг бюджет ва ижтимоий сиёсати билан боғлиқ бўлганлари қолдирилмоғи зарур;


-кейинчалик тарифларни Молия вазирлиги билан келишилишига барҳам берилиб, телекоммуникация соҳасида баҳоларни тартибга солиш ташкилоти вазифаси-

ни тўлалигича ЎзАСИ зиммасига юклатилмоғи лозим.

Бунда «Ўзбектелеком» АҚ бозорда маълум мавқега эга бўлган оператор сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида фақат телекоммуникациянинг универсал хизматлари тарифини декларация қилади. Бошқа хизматларга тарифлар эса, Ўзбекистон Республикасини 20 август 1999 йилдаги «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ эркин шартнома асосида ўрнатилади.

Шахарлараро хизматлар бозорининг асосий муаммоси иқтисодий асосланмаган амалдаги тарифларнинг паст даражаси билан боғлиқ. Аҳоли ва корхоналарга зарур бўлган алоқа хизматлари тарифлари (хусусан, маҳаллий алоқа) кўрсатилаётган хизматлар харажатлари ва тармоқни қуроллантириш, таъмирлаш ва ривожлантириш харажатларини тўлалигича қопламайди. Мавжуд тарифлар жуда паст бўлиб, операторларни хорижий фирмалар билан фойдаланилаётган ва ўрнатилган ускуналар учун ҳисобкитобларини амалга оширишга имкон бермайди.


Мамлакатлар бўйича қайд қилинган маҳаллий телефон алоқалари хизматларига тарифлар даражаси тахлилига кўра, абонент тўловлари тарифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қатор МДХ мамлакатларига нисбатан паст ўринларни эгаллайди.(2.3.4-расм).



Маблағлар етишмаслиги сабабли кабелсим хўжалигида таъмирлаш ҳажми паст даражада бўлиб, муҳим харажатлар сунъий равишда қисқартирилмоқда. Мукамал рақобат шароитида бозор баҳолари (тарифлари) операциялар ва капитал харажатларнинг зарур даражасини қопламоғи, шунингдек, инвестиция қилинган капиталга мос даромад келтирмоғи лозим.

Ушбу талабларни рўёбга чиқариш учун универсал хизматларга тарифларни ошириш, маълум тоифадаги аҳолига имтиёзли баҳоларда телефондан фойдаланганлик учун кўрсатилган хизматларини маҳаллий операторлар харажатларини қайтариш механизмини ишлаб чиқиш ва республикада кенг қўлланилаётган субсидиялашга чек қўйиш лозим.

Шунингдек, элекгр алоқалари корхоналарининг молиявий ҳолати ва даромадларига миллий валюта курсининг тебраниши ҳам салбий таъсир кўрсатди. 1999-2003 йилларда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси 7,76 мартага ўсган. Бунинг натижасида даромадларнинг сўм ва доллар бўйича ҳисоб-китоби ўртасида кескин тафовут вужудга келди. Бу эса бир вақтда жорий харажатларни молиялаштириш ва хориж кредитлари бўйича тўловларни амалга ошириш имконини бермади (2.3.5-расм). Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги вақтда давлатни инфляцияга қарши сиёсати ва миллий валютани эркин алмаштиришга ўтилиши натижасида даромадларни сўм ва доллар ҳисобидаги тафовутларни қисқаришида ижобий жараён кузатилмоқда.



Демак, хулоса қилиб айтганда, хусусан «Ўзбектелеком» АК халқаро хизматлардан олган даромадлари ҳисобидан маҳаллий хизматлари бўйича харажатларини қопламоқда ёки шаҳарлараро хизматлар халқаро хизматларнинг «боқимандаси» ҳолатида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя сиёсати алоқа хизматлари тарифини марказлашган тарзда назорат этишни талаб этишидан келиб чиқмоқда. Телекоммуникация хизматлари бозори мамлакатга валюта тушумларини оширишнинг йирик йўналиширидан биридир. Айниқса халқаро телекоммуникация хизматлари бозорида олиб бориладиган кенг миқёсдаги стратегик маркетинг ва менежмент тадқиқотлари, молиявий оқимлар ва ҳисоб таксаларининг ўзгариш динамикасини тўғри таҳлил этиб, йўналишларни оптималлаштириб бориш жараёнлари бугунги кундаги глобаллашув жараёнларида мамлакатни салмоқли ижобий тўлов балансига эришишга кўмаклашади.

### **3-боб. Телекоммуникация хизматлари бозорида молиявий самарадорликни ошириш йўллари**

#### **3.1. Мувозанатлашган ликвидлиликни таъминлаш орқали компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш**

Корхона ва муассасаларда молиявий бошқарув масалаларини такомиллаштириш, уларни «..бугунги кундаги иқтисодиётимизнинг шаклланган тузилмаси ва бозор механизмларига қанчалик мос келишини танқидий баҳолаш, қайси тармоқ ва соҳалар талаб даражасида ривож топмаётганини аниқлаб олиш зарур»лигини юртбошимиз қайта-қайта таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Маълумки, давлат асосий алоқа хизматларидан кўплаб аҳоли ва ташкилотлар фойдалана олиши имконига эга бўлишига интилади, гарчи бу молиявий жиҳатдан зарар келтирса ҳам<sup>2</sup>. Республика қонун ҳужжатларида операторларнинг имтиёзли хизмат кўрсатиш бўйича харажатларини бюджет хисобидан тўлиқ қоплаш кўзда тутилган<sup>3</sup>. Чунки ҳар қандай давлат юқори малакали, керакли маълумотларга эга бўлган аҳоли қатламлари бўлишидан манфаатдор.

Шу билан бирга ушбу жараён, фикримизча, телекоммуникация тармоқларини бошқарувчи мутахассисларни соҳани хизматлар бозоридаги актив ва самарали

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз.-Т.: «Халқ сўзи», 10 февраль, 2004 йил.

<sup>2</sup> Рейман Л.Д., Совершенствование системы государственного регулирования отрасли телекоммуникаций. С. Петербург, 2000. 74-6.

<sup>3</sup> “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 25-модда.

фаолиятини таъминлашлари учун молиявий менежментнинг замонавий усул ва услубиётларини билишлигини ва амалиётда қўллаш олишларини талаб этади. Айнан мана шу нуқтаи назардан “Электрон Россия (2002–2010 йиллар)” федерал мақсадли дастурининг мақсади қуйидагича таърифланган: “телекоммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ва малакали фойдаланувчиларни тайёрлашни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг, давлат бошқарувининг ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг фаолияти самарадорлигини ошириш лозим”<sup>1</sup>.

Мулкчилик шаклидан ва бизнес туридан қатъий назар, барча корхона ва муассасалар молиявий ҳисоб юритишлари ва тегишли молиявий ҳисоботларни тақдим этиб боришлари лозим. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг таҳлили натижасидан компания тўлов қобилиятининг энг аниқ умумлаштирилган кўрсаткичи - ликвидлилик коэффицентини келтириб чиқарилади.

Таъкидлаш лозимки, мамалакатимизнинг телекоммуникация корхона ва муассасаларида улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва хизматлар бозоридаги ҳолатини аниқлашда молиявий таҳлил ва молиявий менежмент услубларидан деярли фойдаланилмайди. Молиявий бошқарувни қўллаш бўйича соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб (молия-банк ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги каби) комплекс тарзда аниқ усул ва услублар ишлаб чиқилмаган. Бу борадаги тадқиқотлар илмий мақолалар даражасида чегараланиб қолган.

Телекоммуникация корхоналарининг молиявий барқарорлигини баҳолашга бўлган ёндошувлар турлича<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Федеральная программа «Электронная Россия (2002-2010годы)». РФ ҳукуматининг 28.01.2002 й. қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> Муаллифлар бу борадаги ўз қарашларини 2.2. бўлимда қисман келтирган ва телекоммуникация корхоналарини молиявий бошқарувида энг зарур бўлган деб ҳисоблаган кўрсаткичлари усули асосида «Ўзбектелеком» АК компанияси молиявий ҳолатини таҳлил этган



Иқтисодий адабиётларда мазкур масалани очиб беришга қисман ўрин берилган ёки тор доирада ёритиб берилган. Иқтисод фанлари номзоди А.Н.Арипов ҳам ўз илмий изланишлари давомида ахборот-коммуникация соҳасининг замонавий молиявий ҳолатини таҳлил этишда Н.В.Ивонина томонидан бажарилган молиявий таҳлил усулини<sup>1</sup> қўллаганлигини таъкидлайди ва «на ўзимизнинг ва на хорижий адабиётларда корхоналар молиявий ҳолати таҳлилининг бундан тўлиқроқ мажмуини» учратмаганлигини кўрсатиб ўтади<sup>2</sup>.

Муаллифлар бугунги кунда мавжуд бўлган усул ва услубиётлардан фойдаланган ҳолда «Ўзбектелеком» АҚ фаолиятини ифодаловчи молиявий кўрсаткичлар тизими-ни тавсия этадилар.

Шунингдек, биз ушбу рисолада «Ўзбектелеком» АҚ мисолида компания тўлов қобилиятининг энг аниқ умумлаштирилган кўрсаткичи бўлган – ликвидлилик кўрсаткичларини мувозанатлаш услубиётини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ушбу усул, фикримизча, компания менежментига «бозор талаби – компания имкониятлари» мунасабатини тўғри аниқлаб, компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини такомиллаштиришига кўмаклашади.

Албатта, «бозор талаби – компания имкониятлари» мунасабатини аниқлаш бўйича бир қатор молиявий дастак ва усулларни тавсия этиш мумкин, лекин биз ликвидлилик энг муҳим кўрсаткич эканлигидан келиб чиқиб,

---

<sup>1</sup> Н.В. Ивонина ва бошқалар. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар, техник даражани ошириш ва корхонада рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) чиқариш учун ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш. Ўзбекистон молия қонунчилиги. 6-Илова Тошкент, 1996 й. 99-112-бетлар.

<sup>2</sup> А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари.-Т.: «Академия», диссертация, 2004.


мувозанатлашган ликвидлиликни таъминлаш усулини ишлаб чиқиш билан чегараландик.

Маълумки, ҳар қандай корхона хизматлар бозоридаги фаолияти давомида кўшгина кутилмаган ҳодисаларга дуч келиши мумкин. Вазиятни тўғри баҳолаш, кутилмаган хатарлар, ҳар томонлама кўра билиш, молия, инвестициялар, маркетинг, меҳнатга оид муносабатлар, техника ва технология соҳасида ўз вақтида асосли қарорлар қабул қилиш – бозорда корхонанинг баланси ликвидлигини оптималлаштирилган ҳолатини сақлашнинг шартларидир.

Баъзида биттагина нотўғри молиявий қарор турғун бўлиб кўринган корхонани банкротлик ёқасига олиб келиб қўйиши мумкин. Барча қабул қилинадиган қарорлар учун тайёр андозаларни таклиф этиш мумкин эмас, бироқ шундай муаммолар ҳам борки, уларни ҳал қилиш корхонанинг баланс ликвидлигини оптималлаштириш корхонани зарар кўрмай ишлашига таъсир кўрсатиши турган гап. Бунда телекоммуникация хизматларининг мақбул ҳажмини ва компанияни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқ суръатларини танлаш ҳақида сўз бормоқда.

Биз компания баланси ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий моҳияти жиҳатидан бешта гуруҳга бўлишни тавсия этамиз (3.1.1-схема). Яъни булар а) ўз (хусусий) маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар; б) четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар; в) ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар; г) айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар; д) асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

«Ўзбектелеком» АК баланс ликвидлигини ифодаловчи  
кўрсаткичларнинг схематик модели



Баланс ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар туркуми ўз навбатида бир қанча алоҳида кўрсаткичлардан иборат. Ушбу кўрсаткичлар тизимига кирувчи ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча кўрсаткичларга бўлинади.

Масалан, хусусий капитал билан боғлиқ кўрсаткичларга учта, четдан жалб қилинган маблағларга тўртта, ҳаракатдаги маблағ билан боғлиқ кўрсаткичларга тўртта, айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичларга бешта кўрсаткичлар киритилади. Аммо ҳар бир кўрсаткич бўйича тўлиқ хулосага келиш учун уларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳида тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.


Баланс ликвидлигини таҳлил қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли юқорида тавсия қилинган кўрсаткичларни бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисобот шаклларида кўрсатилган маълумотларга асосан ҳисоблаш усуллари кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритишни ўринли деб ҳисоблаймиз (3.1.2.схема): ўз маблағлари (хусусий капитал)нинг тўпланиши (концентрацияси); молиявий қарамлик ва ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффициенти.

Ўз маблағи (хусусий капитал)нинг тўпланишини (концентрациясини) ифодаловчи коэффицент ушбу маблағларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини ифодалайди. Ушбу кўрсаткични хусусийлик коэффициенти ҳам деб ҳам аташ мумкин.

### 3.1.2.схема

*Корхона ликвидлигининг ўз маблағлари (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлари тизими*



Бу кўрсаткич ўз маблағларининг (хусусий капитал) умумий суммасини активларнинг умумий қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткич компаниянинг умумий маблағларининг қанча қисми хусусий маблағларни ташкил қилишини ифодалайди. Ҳозирги шароитда у қанча кўп бўлса, компания учун ўшанча яхши, чунки компания молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши учун асос бўлади. Четдан жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоизлар тежалади.

Баланс ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири - молиявий қарамлик коэффициентидир. Бу кўрсаткич балансдаги умумий суммани ўз маблағлари (хусусий капитал) суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.


Ушбу кўрсаткич ҳажми қанча камайиб борса, компаниянинг ўз маблағи шунча кўпайиб бораётганлигидан ва унинг молиявий қарамлиги камайганлигидан, яъни яхшиланаётганлигидан далолат беради. Агарда ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанча кўпайса, шунчалик компания молиявий барқарорлигига путур етаётганлигидан далолатдир.

Ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) ҳаркатчанлик (маневрлик) коэффициенти бўйича биз юқоридаги (2.2.) бўлимларда тўхталганмиз. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча кўп бўлса, корхона учун ўшанча яхши.

Муаллифлар компания ликвидлигини белгиловчи кейинги кўрсаткичлар тўплами сифатида четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимини олишни тавсия этадилар (3.1.3-схема).

### 3.1.3.схема

*Четдан жалб қилинган маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими*



Четдан жалб қилинган маблағларнинг (капиталнинг) тўпланиши (концентрацияси)ни ифодаловчи кўрсаткич уларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини аниқлаш учун қўлланилади. Ушбу кўрсаткични топиш учун четдан жалб қилинган маблағлар суммасини активларнинг умумий миқдорига бўлиш лозим. Ушбу кўрсаткични «бегоналик коэффициенти» ҳам деб атайдилар<sup>1</sup>. Унинг ҳажми қанча кам бўлса, корхона учун шунча яхши, чунки бу корхона ўз фаолиятини маблағни четдан жалб қилмасдан амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Бу ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган даврда жуда муҳимдир, чунки четдан, айниқса, банклардан қарзга маблағ олиб ишлатиш юқори фоиз ҳисобига корхона учун жуда қимматга тушиб кетмоқда.

Четдан жалб қилинган маблағлар ичида узоқ муддатли қарзлар ҳиссасининг коэффициенти ҳам молиявий барқарорликни ифодалаш учун муҳимдир. Четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий коэффициенти узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағларни корхонанинг умумий четдан жалб қилинган маблағига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ушбу кўрсаткич корхонанинг узоқ муддатли четдан жалб қилинган маблағининг умумий четдан жалб қилинган маблағдаги ҳиссасини кўрсатади. Ўз маблағи етарли бўлмай турган пайтда узоқ муддатли қўйилмалардан фойдаланиш корхонанинг молиявий барқарорлиги, баланс ликвидлилигини таъминлаш учун асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу кўрсаткич ҳажмининг кўпайиши корхона учун ижобий ҳолатдир.

Четдан жалб қилинган капиталнинг хусусий капиталга нисбати хусусий капиталнинг умумий қарамлик коэффициенти ифодалайди. Уни аниқлаш учун четдан

<sup>1</sup>Волжин И.О., Эргашбоев В.В. «Молиявий таҳлил».-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998.


жалб қилинган барча маблағлар суммасини корxonанинг ўз маблағларига бўлиш лозим. Албатта бозор иқтисодиёти шароитида ушбу кўрсаткичнинг бирдан кичик бўлганлиги яхши. Аммо «Ўзбектелеком» АК каби йирик хорижий инвестициялар билан ишлаётган компания учун бирга тенг бўлишини ҳам ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Компания ликвидлигини таҳлил қилишда хусусий капиталнинг узоқ муддатли пассивларга қарамлилик коэффицентини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун узоқ муддатли четдан жалб қилинган пассивларни ўз маблағларига бўлиш лозим. Ушбу кўрсаткич корxonанинг ўз маблағларида (хусусий капиталида) четдан жалб қилинган узоқ муддатли қўйилмаларнинг (пассивларнинг) ҳиссаси қанчани ташкил қилишини кўрсади.

Компаниянинг ҳаракатдаги маблағларига унинг айланма маблағларда иштирок этаётган хусусий капитали киради. Аммо айланма маблағлари ҳаракатчанлиги жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, корxonанинг ҳисоб-китоб счётидаги, кассасидаги нақд пуллари тез ҳаракатга келувчи айланма маблағлари бўлса, товар захиралари нақд пулга нисбатан ҳаракатчанлиги жиҳатидан суст айланма маблағга киради. Дебитор қарзларнинг кўп қисми ҳозирги бозор муносабатлари шароитида умидсиз, беқарор маблағларга киради, чунки корхона қарз берган, товар жўнатган, хизмат қилган юридик ёки жисмоний шахс банкротга учраган бўлиб, тўлов қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда дебитор қарзларни тез ҳаракатчан маблағлар қаторига киритиш қийин.

Маблағларнинг ҳаракатчанлик даражасини аниқлаш учун ҳаракатдаги барча маблағларнинг турларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги схемада келтирилган (3.1.4-схема).

Компания ликвидлигининг ҳаракатдаги (оборотдаги)  
маблағлари билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими



Кўпчилик мутахассислар ҳаракатдаги ўзлик маблағларни аниқлаш учун умумий айланма маблағлар миқдоридан четдан жалб қилинган маблағларни айиришни тавсия этишади<sup>1</sup>. Фикримизча, бундай қараш бозор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ноўриндир. Чунки, масалан, «Ўзбектелеком» АҚ мисолида олсак, агар айрим даврлар учун компания балансининг айланма маблағлари миқдоридан жами четдан жалб этилган маблағларни айириб ташласак – у ҳолда салбий қолдиққа эга бўлишимиз ҳам мумкин ( $181326926 - 188352525 = -9965207$  сўм<sup>2</sup>).

Шунинг учун муаллифлар компания ликвидлигини ҳаракатдаги ўзлик маблағлари орқали аниқлашда ҳаракатдаги маблағлар миқдорини ҳисоблаш учун жами айланма маблағлар миқдоридан кредитор қарздорликни, қисқа муддатли қарзларни, муддати ўтган қарзлар ва улар бўйича фоизлар миқдорини, муддати ўтган дебиторлик қарзлар ва ўз вақтида сотилмай қолган (омборда тўпланиб қолган) товар-ҳом ашёларни айиришни тавсия этадилар:

<sup>1</sup>Иброҳимов А. Т. Молиявий таҳлил - Тошкент: «Меҳнат», 1995. Абдукаримов И.Т. Менежерларга корхона ликвидлиги ва тўлов қобилияти ҳақида // Бозор, пул ва кредит. -1999. №5. Акрамов Э.А. «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили». -Тошкент, 2002.

<sup>2</sup> «Ўзбектелеком» АҚ нинг йўзма бухгалтерлик баланси. 01.01.2004.



$$\text{ХМ} = \text{ЖАМ} - (\text{КҚ} + \text{ҚМҚ} + \text{МЎҚ}(\Phi) + \text{МЎДҚ} + \text{МЎТ}) \quad (1)$$


Албатта ушбу хисоб китоблар жараёнида «Ўзбекте-леком» АҚ учун «омборда тўпланиб қолган товар-хом ашёлар» моддаси тўғри келмайди, чунки компания хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Лекин биз ушбу хисоблаш моделини барча ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам тавсия этишни ўринли деб хисоблаймиз.

Компаниянинг умумий ҳаракатчанлик (маневрлик) коэффицентини топиш учун умумий ҳаракатдаги ўз маблағлари суммасини барча ўзлик маблағлари суммасига бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткич маблағлар-нинг анча қисми ҳаракатдаги маблағ эканлигини ифода-лайди. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанчалик ошиб борса, корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти яхшиланиши учун ўшанча қулай бўлади.

Асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам компаниянинг ликвидлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардир, чунки корхона фаолиятида асосий воситалар фақат меҳнат воситалари бўлибгина қоласдан, унинг моддий бойлиги ҳам хисобланади. Унинг қиймати корхона мулки сифатида гаровга қўйиш учун асос бўлиши мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг тизими 3.1.5-схемада келтирилган.

Муаллифлар хусусий капиталнинг капиталлашган-лик коэффицентини асосий воситалар суммасидан узоқ муддатли капитал қўйилмаларни олиб ташлаб, ўз маблағларининг (хусусий капиталнинг) қийматига бўлиш орқали хисоблашни тавсия этадилар. Асосий воситалар жамғарилишининг интенсивлиги кўрсаткичини эса жорий йилдаги эскириш суммасини асосий воситаларнинг умумий суммасига бўлиш орқали, шунингдек, асосий воситалар жамғарилишининг умумий коэффицентини барча эскириш суммасини умумий асосий воситалар қийматига бўлиш орқали аниқлаш мумкин.

Компания ликвидлигини аниқлашда асосий воситалар  
билан боғлиқ кўрсаткичлар



Юқорида келтирган таҳлилларимиз «Ўзбектелеком» АҚ актив ва пасивларини қуйидаги бўлимларга бўлишимизга ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашимизга имкон беради, яъни агар:

-юқори ликвидли активлар (А1)  $\gg$  энг тез тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар (П1);

-тез ликвидли активлар (А2)  $\gg$  қисқа муддатли мажбуриятлар (П2);

-секин ликвидли активлар (А3)  $\gg$  узоқ муддатли мажбуриятлар (П3);

-қуйи ликвидли активлар (А4)  $\ll$  доимий пасивлар ёки капитал (П4) бўлса корхона баланси мутлақо ликвидли деб ҳисоблаш мумкин.

Биз келтираётган ушбу муносабатлар модели, фикримизча, компанияни лозим бўлган фаолият даври учун турли меъёрларсиз<sup>1</sup> ва содда ҳисоб-китоблар ёрда-

<sup>1</sup> Маълумки, барча меъёрларни турли соҳа корхоналари учун бир хилда келтириш тўғри эмас. Чунки, айниқса, «Ўзбектелеком» АҚ каби муассаса бир қатор фақат ўзигагина хос бўлган молиявий хусусиятларга эга. Шунингдек, ҳар бир корхона учун барча меъёрларни ҳисоблаб чиқиш ҳам (3.1.1-иловада келтирилган усул бўйича) таҳлил жараёнини жуда мураккаблаштириб юборади.

мида тўлов қобилиятини ва ликвидлилигини аниқлашга имконият яратади. Бу эса, айниқса менежерларга компаниянинг телекоммуникация хизматлари бозоридаги фаолиятини жорий ва стратегик баҳолашда энгиллак яратади.

Ушбу муносабатни «Ўзбектелеком» АК учун 2005 йилнинг 1 январи ҳолатига бўлган ҳисоботлари бўйича ҳисоблаб, қуйидагилар аниқланди (3.1.2-илова). Демак, компания фақат тез ликвидли активларнинг миқдори бўйича (оралиқ ликвидлилик) талаб меъёрларини бажаради. Таҳлил этилаётган бошқа ликвидлилик кўрсаткичлари эса талаб даражасида эмас.

Иловада келтирилган жадвал маълумотларини компьютер дастурлари орқали маълумотлар базасига киритиш ва келгусида қатор йиллар ва корхоналар бўйича тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

### **3.2. Дебиторлик-кредиторлик қарзларни самарали бошқариш – компания молиявий ҳолатини соғломлаштиришнинг усули сифатида**

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш – халқ хўжалиги фаолиятининг зарур шарти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ўтиш даври муносабати билан, тўлов тизимларида қийинчиликлар мавжуд. Корхоналар, ташкилотлар, банклар ва давлат ўртасидаги ҳисобкитоблар муаммоси энг кескин ва ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Жамолов Х., Абдуллаев Х. Корхоналарнинг тўловга қодирлиги ва рентабеллиги. Бозор пул ва кредит. 1-сон, 2001 й. 56-58 бетлар.

Нотўловлар, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, зарур хом ашё материалларини сотиб олиш учун корхоналар ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар шаклида ҳисобга олинади.

Муддатли дебиторлик қарздорликларининг ўсишини иқтисодий жиҳатдан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва нархлар ўсиши нуқтаи назаридан меъёрий ҳолат деб изоҳлаш мумкин.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари шу қарзларнинг муддатлисига нисбатан юқори суръатларда ўсаётганлиги каби ташвишли ҳолларни намоён қилмоқда.

Нотўловлар ва айниқса, унинг муддати ўтган қисмининг ўсишига бир томондан, яъни хўжалик субъектлари томонидан, истеъмолчининг тўловга лаёқатлилигини тўлиқ таҳлил қилмасдан маҳсулот жўнатиш ва хизматлар кўрсатишни амалга ошириш, иккинчи томондан эса, 90 кундан ошган қарзлари ва ҳатто мулк қийматидан мажбуриятлар миқдори қиймати ошиқ бўлган хўжалик субъектларининг ўз вақтида матбуотда тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинмаганлиги, уларни банкрот қилиш тўғрисидаги маълумотлар хўжалик судига ўз вақтида оширилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Корхоналарда нафақат ҳисоб-китоб қилиш даврида маблағ йўқлиги туфайли, балки, бозорнинг тузилиши ва ташкилий ўзгариши ҳамда импорт маҳсулотларининг конкуренцияси туфайли, маҳсулотларни сотишда сезилган қийинчиликлар туфайли уларда молиявий қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бу вазият тайёр маҳсулотларни сотилмай кўпайишига, катта айланма маблағларни захирада қотиб қолишига олиб келмоқда.

Айланма маблағларнинг мазмуни уларнинг иқтисодий аҳамияти, ўз ичига ҳам ишлаб чиқариш жараёнини, ҳам айланиш жараёнини олган ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш зарурияти билан аниқланади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор иштирок этадиган асосий фондлардан фарқли ўлароқ, фақат битта ишлаб чиқариш циклида фаолият кўрсатадилар ҳамда ишлаб чиқариш истеъмоли усулидан ташқари ўз қийматларини тўлалигича тайёр маҳсулотта олиб ўтадилар. Яъни айланма маблағлар «...ишлаб чиқариш жараёни мобайнида тезда айланадиган фирманинг қисқа муддатли активидир»<sup>1</sup>.

Профессор И.А.Бланк айланма маблағларга бундай таъриф беради – «...корхона мулккий қийматларининг йиғиндисини акс этувчи, жорий ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига хизмат қилувчи, ҳамда бир ишлаб чиқариш ва тижорат цикли мобайнида тўлалигича ишлатиладиган активлардир»<sup>2</sup>.

Г.Шмален айланма маблағлар таъминлаб берадиган жараённи аниқроқ таърифлайди. Унинг фикрича «...айланма маблағлар муайян муддатга мўлжалланмаган фондларни тузиш учун хизмат қилади. Улар эса ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, маҳсулот сотилиши, шунингдек пул манбаларининг ташкил этилиши ва уларнинг ишлатилиши жараёнини таъминлаб беради»<sup>3</sup>.

Нотўловлар муаммосининг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлашни ўринли деб ҳисоблаймиз:

➤ реал сектордаги тузилмавий ислохотларнинг тугалланмаганлиги, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозорлардаги паст рақобатдошлиги;

<sup>1</sup> Юджин Бригхэм. Энциклопедия финансового менеджмента. Москва. Экономика, 1998 г. 202 стр.

<sup>2</sup> Русак Н.А. Основы финансового анализа. Москва, 1995 г. 6 стр.

<sup>3</sup> Маркаръян Э.А., Герасименко В.П. Финансовый анализ. Москва, 1997 г. 5 стр.

➤ замонавий бозор менеджментининг ривожланмаганлиги туфайли, корхоналарни микродаражада молияларни самарасиз бошқариши;

➤ мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари якуний маҳсулотни сотишнинг қийинлиги;

➤ халқ ҳўжалигида тўлов воситаларининг умумий етишмаслиги;

➤ корхоналар айланма маблағларнинг инфляция шароитида қадрсизланиши ёки уларнинг солиққа тортиш орқали экспроприация қилиниши оқибатида йўқотилиши;

➤ иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш паст суръатларда амалга оширилиши.

Дебиторлик-кредиторлик қарздорлик корхона бухгалтерия балансининг таркибий бўлагидир. Улар мажбурият муддати билан мажбуриятлар бўйича тўлов муддати бир-бирига тўғри келмаслиги натижасида пайдо бўлади. Корхонанинг молиявий ҳолатига дебиторлик-кредиторлик қарздорликнинг баланс қолдиқлари ҳажми билан бир қаторда, уларнинг айланиш даври ҳам таъсир этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида бўлган жуда кўп мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, ушбу жараёнда корхона ва муассасалар ўртасида ўзаро ишонч сусаяди, тўлов интизоми пасаяди, мамлакатда пул массаси айланишига тўсқинлик қилувчи омиллар кўпайиб кетади. Бу ҳолат, айниқса корхона ва муассасаларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кескин кўпайиб кетишида кузатилади.


Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, мутахассисларнинг аксарияти дебиторлик ва кредиторлик қарзларини фақат салбий жиҳатдан қарайдилар. Фикримизча, корхона учун ушбу қарздорликларни ижобий томонлари ҳам бор. Фақат омилкорлик ва билим билан масалага ёндоша оладиган менежерлар корхонада дебиторлик-кредиторлик қарзларини оптимал ҳолатда ушлаб туриш

орқали, нафақат уларни корхонага зарар келтиришини олдини оладилар, балки маълум молиявий самара олишга ҳам эришишлари мумкин. Яъни, замонавий бошқарув услубларини жорий этиш корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларидан ҳам самарали фойдаланишга имконият яратади.

Корхона дебиторлик-кредиторлик қарздорлигининг холати унинг иқтисодий холатидан келиб чиқади. Шунинг учун, аввало, корхона иқтисодий холатини таҳлил этиш лозим бўлади. Корхоналарнинг молиявий холатини чуқур ўрганиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) корхоналарнинг ташкилий-техник, иқтисодий холатини ифодаловчи кўрсаткичлар; 2) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар; 3) молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар; 4) корхонанинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар; 5) корхонанинг молиявий салоҳияти (потенциали) билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар; 6) корхонанинг тўловга қобиллик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар; 7) корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар; 8) корхонанинг мустақиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар; 9) корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар; 10) корхонанинг бозор фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Дебитор-кредитор қарзларни бошқаришнинг асосий мақсади – корхона (муассаса) даромадларини жорий ва узоқ муддатлар давомида максималлаштиришдир. Умуман, дебиторлик-кредиторлик қарзлар бошқарувинининг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин (3.2.1-схема).

Маълумки, кўпчилик ҳолларда «дебитор қарздорлик керак эмас, уни умуман корхонада бўлмаслигига эришиш лозим», – деган тушунча мавжуд. Лекин тадқиқотларимиз



кўрсатадики, энг ривожланган давлатларда ҳам, барқарор фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳам дебитор қарздорлик мавжуд, тўғрироғи, уларда молиявий камчиликлар ёки етишмовчиликлар оқибатида эмас, балки дебитор қарздорликни бошқариш бўйича тўғри сиёсат олиб борилаётганлиги сабабли уларда ушбу қарздорлик тури мавжуд.

Хўш, дебитор қарздорликни бошқаришга қандай таъриф бериш мумкин? Фикримизча, дебитор қарздорликни бошқариш - бу корхона айланма активларини бошқариш ва маркетинг сиёсатининг бир қисми бўлиб, бунда дебитор қарздорликни тўғри оптималлаштириш орқали маҳсулотни тез ва осон сотишга эришилади. Маҳсулотни тез ва қулай сотиш эса корхона молиявий



фаолиятини ривожлантиришнинг энг самарали усулидир.

Биз ўз тадқиқотларимиз давомида «Ўзбектелеком» АҚда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни бошқариш орқали молиявий самарадорликка эришиш усуллари тадқиқ этдик. Бунда дебитор қарздорликка молиявий маблағларни инвестиция қилиш орқали самара олишни қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил этилди:

1-босқич: Аввало, айланма активларни қанчаси дебитор қарздорликка инвестиция қилинганини аниқлаб олиш лозим:

$$\text{Кжаа} = \frac{\text{ДҚ}}{\text{АА}} \text{-----}$$

бу ерда:

Кжаа-дебитор қарздорликка жалб этилган айланма активлар миқдори;

ДҚ-жами дебитор қарзлар;

АА-жами айланма активлар.

Агар биз ушбу кўрсаткични 2003 йил молиявий хисоботлари бўйича «Ўзбектелеком» АҚси учун хисобласак, жами дебитор қарзлар 12196,4 млрд. сўмга, жами айланма активлар эса 181327 млрд. сўмга тенг бўлганлигини кўрамыз.

У холда айланма активларни дебитор қарздорликка жалб этиш кўрсаткичи корхонада:

$$\text{Кжаа} = \frac{12196,4}{181327} = 0,07 \text{ га тенг.}$$

Агар ушбу кўрсаткични корхона учун фоизларда хисобланса, у 7 фоизга тенглиги кўринади.

Кўпчилик мамлакатлар тажрибаси ушбу кўрсаткич меъёри хизмат кўрсатиш корхоналари учун 10% < Кжаа < 25% оралиғида бўлиши мақсадга муофиқ эканлигини кўрсатади. Шунинг учун «Ўзбектелеком» АҚ да айланма

маблағлар таркибида дебиторлик қарзларга инвестиция қилиш салмоғини ошириш имконияти бор, деган хулосага келишимиз мумкин.

2-босқич: Кўрилаётган даврда дебиторлик қарзларни неча марта айланганлиги кўрсаткичи ҳисобланади:

### **ДҚБМ**

**Как = -----**

### **ДҚўд**

Бу ерда:

Как – дебиторлик қарзларини белгиланган даврдаги айланишлари сони;

ДҚБМ- дебитор қарздорлик сифатида кўрилаётган давр мобайнида берилган маҳсулотлар ёки кўрсатилган хизматлар қиймати;

ДҚўд- кўрилаётган даврдаги дебиторлик қарзларининг ўртача қолдиғи.

Албатта, «Ўзбектелеком» АҚ каби йирик корхонада йил давомида дебитор қарздорлик сифатида берилган барча товар ва хизматларни ҳисоблаш имконияти йўқ. Шунинг учун биз дебиторлик қарзларини айланишлари кўрсаткичини барча тушумларни йиллик ўртача дебиторлик қарзларга бўлиш орқали аниқлашни мақсадга мувофиқ топдик.

Ушбу кўрсаткич 2001 йилда 2,26 ни, 2002 йилда 6,86 ни, 2003 йил натижалари бўйича эса 5,91 ни ташкил этган.

3-босқичда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳажмини тадқиқ этиш лозим:

### **ДҚмў**

**Кмў = -----**

### **ДҚ**

Бу ерда:

Кмў- муддати ўтган дебитор қарздорлик кўрсаткичи;

ДҚмў- кўзда тутилган муддатларда тўланмаган дебитор қарздорлик миқдори;

ДҚ- жами дебитор қарзлар миқдори.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик барча корхоналар каби, «Ўзбектелеком» АҚси учун ҳам салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ҳам муддати ўтган дебиторлар фақат зарар келтиради. Шунинг учун корхона менежерлари ушбу кўрсаткични энг кам даражада ушлаб туришга интилмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

4- босқич корхона дебиторлик қарзларини бошқаришда энг муҳим босқичдир, яъни бунда корхонанинг дебитор қарздорликка маблағларни инвестиция қилишдан келадиган самара таҳлил этилади.

Бу босқичда дебитор қарз сифатида маҳсулотни бериб юбориш ёки хизмат кўрсатиш натижасида олинadиган фойда ушбу дебитор қарздорликни расмийлаштириш, унга хизмат кўрсатиш, назорат этиш, уни корхонага тушуриш ва бевосита йўқотишлар билан боғлиқ харажатлар билан таққосланади.

Ушбу самарани қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$\text{Сдқ} = \text{ҚДдқ} - \text{ЖХдқ} - \text{МЙдқ}$$

Бу ерда:

Сдқ- дебитор қарздорликка инвестиция қилиш оқибатида корхона кўрган самара миқдори;

ҚДдқ- маҳсулот ва хизматларни дебитор қарз сифатида кредитга ёки бошқа кўринишда бериш оқибатида кўрилган умумий даромад (ўрнатилган меъёрлардан келиб чиқиб, соф фойданинг 20-25 фоизи миқдорида олинади);

ЖХдқ- дебитор қарздорликка хизмат кўрсатиш бўйича жами харажатлар (ўрнатилган меъёрлардан келиб чиқиб, маҳсулот ва хизматлар таннархининг 1-2 фоизи миқдорида олинади);

МЙдқ- дебитор қарздорликка берилган маҳсулот ва хизматлар қийматининг қайтарилмаган ёки тўланмаган қисми («моддий йўқотиш» деб номланади ва қабул қилин-

ган меъёрларга кўра, дебитор қарздорликнинг 2-3 фоизи миқдорида олинади).

«Ўзбектелеком» корхонаси учун ушбу кўрсаткич:

$$\text{Сдқ} = 630,9 - 364 - 243,9 = 18$$

Кўриниб турибдики, корхонада дебитор қарздорликка инвестициялар қилиш оқибатида 2003 йил давомида 18 млн. сўм миқдорида даромад олиш имконияти туғилган. Ушбу даромад манбалари бўлиб тижорат кредитлари (векселлар ва бошқа кредитлар), товар ва хизматларни ўз вақтида тез ва сифатли равишда реализация қилишдан келадиган даромадлар хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий бозор инфратаркибини ривожланиши билан молиявий менежментда дебитор қарздорликни бошқаришнинг янги дин - янги усуллари вужудга келади. Яъни, дебитор қарзлар айланма активларнинг бошқа турларига айлантирилади.

Дебиторлик қарзлар бўйича таҳлил қилганимиз каби, кредитор қарзларни ҳам таҳлил этилса, улар фақат салбий хусусиятга эмас, ижобий ҳолатларга ҳам эга эканлигини кўрамыз.

Кредитор қарзлар фақат менежер томонидан самарали бошқарилгандагина фойда келтириши мумкин.

Биз қисқа ва лўнда қилиб, корхонанинг ички кредиторлик қарзлари - бу корхона учун текин қарз маблағлари манбаидир, деб таърифлашни ўринли ҳисоблаймиз. Яъни, корхона кредиторлик қарзларини қанчалик кўп жалб эта олса (албатта, ўзи бошқара оладиган даражада), шунча кўп фоиз тўланмайдиган, текин қарз маблағларини жалб этган бўлади.

Албатта, юзаки қаралса, гўёки корхона қанчалик ўз мажбуриятларини вақтида бажармаса, шунчалик фойда кўрадигандай кўринади. Масалан, маошларни вақтида тўламаса, солиқларни ва бошқа корхоналарга ва филиалларига тўлаши зарур бўлган маблағларни ушлаб турса, гўёки


қўшимча эркин маблағларга эришиб, банк кредитлари ва бошқа маблағларга зарурат бўлмайдигандай кўринади.

Аслида эса, фикримизча, ҳар қандай кредитор қарздорлик корхона учун маълум бир иқтисодий, ижтимоий, ҳаттоки, сиёсий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, маошларни вақтида тўланмаслиги мутахассис ва ходимларни ишдан совилади, уларни бошқа ишга ўтишига сабаб бўлиши мумкин, солиқларни вақтида тўламаслиги корхонага бўлган ишончни сусайтиради, кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини пасайтиради. Бошқа ҳамкор корхоналар билан кредиторлик қарзларни ўсиб бориши эса фақат бизнес самарадорлигини сусайтириши мумкин.

Биз юқоридагилардан келиб чиқиб, «Ўзбектелеком» АҚ си кредиторлик қарзлари йўналишларини қуйидагиларга бўлишни ўринли, деб ҳисоблаймиз (3.2.2-схема).

3.2.2-схема


Кредиторлик қарзлари турлари бўйича гуруҳлари



Шунинг учун кредиторлик қарздорликни тўғри бошқарилсагина, улар самара келтириши мумкин. Ушбу бошқаришни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин (3.2.3-схема).

3.2.3-схема

Ички кредитор қарздорликни бошқариш босқичлари



Биз дебиторлик қарзлари каби, кредиторлик қарзлари ўсишидан келадиган самарани “Ўзбектелеком” АК си учун баҳолаймиз. Ушбу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$Скқ = \frac{КқЎў \times ҚМКў}{100}$$

Бу ерда:

Скқ – кредитор қарздорликни ўсишидан келадиган келгусидаги самара кўрсаткичи;

КқЎў – кредитор қарздорликни давр мобайнидаги ўртача миқдори (2002–2003 йиллар бўйича);

ҚМКў – қисқа муддатли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси.

Агар ушбу кўрсаткич «Ўзбектелеком» АК си ҳисоботлари ва банк кредитларининг реал фоиз ставкалари бўйича таҳлил этилса, қуйидаги натижага эришилади:

(6587,9-5740,5):2х30

Скк = ----- = 127

100

Демак, корхонада 2003 йил давомида кредиторлик қарзларни маълум миқдорда ушлаб туриш орқали 127 млн. сўм даромад олиш имконияти бўлган.

Илмий адабиётлардан бухгалтерлик балансида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари маълум турлари бўйича акс эттирилишини кўрамыз<sup>1</sup>.

Маълумки, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг баланс қолдиқлари дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоблашишларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини ўрганишдаги бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, агар дебиторлик қарздорлиги кредиторлик қарздорлигидан катта бўлса, у умумий ликвидлилик коэффициентининг юқори даражасини таъминловчи омиллардан бири сифатида қаралиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида бу кредиторлик қарздорликларининг дебиторлик қарздорликларига нисбатан тезроқ айланишини кўрсатувчи омил ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, дебиторлик қарздорликлари аниқ бир давр ичида, корхонага кредиторлик қарздорликларини ўз вақтида тўлаш учун пул маблағлари зарур бўладиган вақт интервалидан кўра кўпроқ вақт интервали мобайнида пул маблағларига айланиши мумкин.

<sup>1</sup> Петров В.В., Ковалев В.В. Как читать баланс. Москва, 1993 г. 110-112 стр.

Ўз навбатида, корхонада ҳаракатдаги пул маблағларга эҳтиёж туғилади ва улар қўшимча молиялаш манбаларини жалб қилишга мажбур бўладилар. Қўшимча молия манбаси сифатида, улар ёки кредиторлик қарзларининг муддати узайтирилган формаси, ёки банк кредитларидан фойдаланадилар. Шундай қилиб, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг баланс қолдиқларининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш тўлов қобилияти даражаси (умумий ликвидлилик коэффиценти) ва дебиторлик қарздорликларининг пул маблағларга айланиш даври билан кредиторлик қарздорликларини ўз вақтида тўлаш даврийлигига мос келишига қараб амалга оширилиши лозим.

Аслида, маҳсулотни сотишдан тушадиган фойда ҳамма турдаги кредиторлик қарздорликларини тўлашдаги ягона манба ҳисобланади. Сотишдан тушадиган пул маблағлари корxonанинг кредиторлик қарздорликларини тўлаш имкониятларини аниқлаб беради. Маълумки, дебиторлик қарздорликларининг катта қисми харидорларнинг қарзи сифатида шаклланади.

Шунинг учун биз профессор М.М.Крейнинанинг фикрларини тасдиқлаган ҳолда, **харидорлар билан кредиторлик тўловларини амалга ошириш учун зарур бўладиган пул маблағларнинг ўз вақтида ва етарли миқдорда келиб тушишини таъминлашга эришиш дебитор қарздорлик ҳаракатини бошқаришнинг асосий мақсадидир, деб ҳисоблаймиз<sup>1</sup>.**

Яъни, бошқа томондан - кредиторлик қарзлари ҳаракатини бошқариш – корxonанинг маҳсулот етказиб берувчилар билан етказиб берилган маҳсулот учун корхона тўлаши лозим бўлган маблағ ҳажми ва тўлаш муддатларини аниқ келишиб олинишга эришишдир. Демак, бир вақтнинг

<sup>1</sup> Крейнина М.М. Управление движением дебиторской и кредиторской задолженности предприятия. Финансовый менеджмент. №3, 2001. 20-21 стр.



ўзида ҳам дебиторлик, ҳам кредиторлик қарздорликлари ҳаракатини бошқариш тўғрисида гапиряпмиз. Бундай бошқаришга эришиш амалда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг реал ҳолати ва уларнинг айланиши тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эканликни англатади. Гап ушбу давр оралиғида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари ҳаракатини баҳолаш тўғрисида кетяпти. Шунинг учун, бундай баҳолашга эришиш учун бошланғич маълумотлар сифатида айнан шу даврга тегишли бўлган қарзларни кўриб чиқиш керак бўлади.

Бошқача айтганда, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг баланс қолдиқларидан узоқ муддатли ва муддати узайтирилган қарзларни, яъни кўриб чиқилаётган даврдан кейин пул маблағларига айланиши мумкин бўлган қарзларни чиқариб ташлашимиз керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг шундан кейин қоладиган қисми харидорлардан тушадиган ва кредиторлик қарздорликларини тўла қоплашга сарфланадиган маблағлар даврийлигини ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари баланси қолдиқлари айланишининг ўзаро келишилган шартлар ёки тўлов тартибларига қатъий амал қилинган ҳолда давр охиридаги ҳолатини баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Натижада, харидорлар ва маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилишнинг ўзаро келишилган битим шартлари корхонанинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондира олиш-олмаслигини ва етарли даражада тўлов қобилиятга эга эмаслигини билиб олиш мумкин бўлади.

Дебиторлик қарздорлик устидан назорат ўрнатиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

· Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун дебиторлик қарздорликнинг айланиш коэффициентидан фойдаланиш.

· Умидсиз қарзлардан кечиш заҳирасини ташкил этиш.  
· Дебиторлик қарздорлик ҳажмини тўланмайдиган қисмини деярли аниқ башорат қилиш орқали, корхона умидсиз қарзларни кечиш заҳирасини ҳисоблаб олиш.

· Дебиторлик қарздорликни муддатлари бўйича тақсимлаш ва тўловсизлик эҳтимолини баҳолаш.

Қуйида дебиторлик қарздорликни муддатлари бўйича таҳлил қилиш мумкин бўлган муаллиф вариантини келтирамиз:

1. Тўлаш муддати ҳали етиб келмаган;
2. Тўлаш муддати 30 кунгача узайтирилган;
3. Тўлаш муддати 31 кундан 60 кунгача узайтирилган;
4. Тўлаш муддати 61 кундан 80 кунгача узайтирилган;
5. 180 кундан ўтиб кетган муҳлатни кечиктириш.

Ҳар бир муддат учун дебиторлик қарздорликнинг тўланмай қоладиган муайян фоизи аниқланади. Узоқроқ муддат учун ушбу фоиз каттароқ бўлади. Одатда, бу фоиз амалий йўл билан аниқланади. Менежер умидсиз қарзларни кечиш заҳирасининг муҳлати масалан 180 кундан ўтиб кетган дебиторлик қарздорликни, бошқа вақт оралиқларидаги муҳлати ўтиб кетган тўловларнинг тўлалигича қоплай олиш учун етарли даражада катта бўлишини инобатга олиши керак.

Корхона кредиторлик қарздорлигини самарали бошқариш учун: *биринчи навбатда*, маълум бир корхона учун маълум ҳолатда унинг қарзларининг оптимал структурасини аниқлаб олиш керак: кредиторлик қарздорликлари бюджетини тузиб чиқиш, корxonанинг кредиторлари билан муносабатларини ривожлантириш, молиявий ҳолатнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари системасини ишлаб чиқиш ҳамда бу кўрсаткичларнинг маълум қийматларини план сифатида қабул қилиш керак<sup>1</sup>. Креди-

<sup>1</sup> Комаха А. Эффективное управление кредиторской задолженностью. Финансовый директор. 1998 г. №3. 17-18 стр.

торлик қарздорликларини оптималлаштириш жараёнида *иккинчи босқич* сифатида амалдаги кўрсаткичларнинг белгиланган даражага мос келиш-келмаслиги сабабларини таҳлил қилишдан иборат бўлиши лозим. *Учинчи босқичда*, аниқланган номутаносибликлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини эътиборга олган ҳолда, қарзлар структурасини пландаги (оптимал) кўрсаткичларга мослаштириш бўйича амалий тадбирлар комплекси ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши керак.

Кредиторлар билан муносабатлар корхонанинг молиявий барқарорлигини (хавфсизлиги) таъминлаш мақсадларига максимал даражада мос келишини, олинган фойда ва рақобатбардошликни ошириш учун корхона менежменти заём капиталини жалб қилиш ва ишлатишнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиши керак.

Хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида фақатгина ўз капиталидан фойдаланадиган корхона максимал барқарор деб ҳисобланади. Аммо бу нотўғри фикрдир. Бозорда рақобат қила олиш нуқтаи назаридан қараганда, бизнесда қанақа капиталдан, ўз маблағлари ёки заём капиталидан фойдаланилаётганлик муҳим эмас. Бу икки капитал ўртасидаги ягона фарқ - уларнинг қийматидагина бўлиши мумкин. Кредиторлар (банк ёки товар ва хизмат кўрсатувчилар бўлишидан қатъий назар) қандайдир ихтиёрий бизнесни фақатгина маълум (одатда етарли даражада катта) даромад (фоиз) эвазига молиялаштиришни ўз зиммасига олиши мумкин. Бундай вазиятларда ҳатто ўз капиталингиз ҳам «текин» ҳисобланмайди, чунки капитал қўйилмалар банкларнинг депозит ҳисоблар бўйича тўловларидан кўра кўпроқ фойда олиш мумкин бўлгандагина ишлатилиши мумкин.

Корхонанинг стратегик ривожланиши нуқтаи-назаридан олганда бошланғич нуқта сифатида: бозорда эгалланган улуши, нарх-наво сиёсати ва ишлаб чиқариш хара-

жатларини ҳисобга олган ҳолда, олиб борилаётган бизнеснинг қанчалик даромадлилик миқдори ва динамикасини олиш керак. Корхонанинг рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш учун бизнесни молиялаштириш манбалари тўғрисидаги савол эса, иккиламчи ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, менежерлар, бизнесни бошқаришда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни оптималлаштиришга алоҳида аҳамият бермоғи, бунда биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни ечиб олиши лозим: корхона даромадларини максималлаштириш, ҳаражатларни минимал қисқартириш, корхонанинг динамик ривожланишига эришиш (кенгайтирилган ишлаб чиқариш), корхонанинг молиявий барқарорлигини белгилаб берувчи рақобатбардошликка эришиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, корхоналарда молиявий бошқарувнинг бозор талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган андозаларидан, усул ва услубиётларидан, турли дастакларидан фойдаланиш орқали маълум иқтисодий самара олиш ва муаммоларни ҳал этиш мумкин. Буни «Ўзбектелеком» АЖ сида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни фақат салбий жиҳатдан баҳоламай, балки молиявий дастак сифатида самарали бошқариш орқали ижобий натижаларга эришилганлиги кўрсатиб турибди.

## Хулоса

Телекоммуникация соҳасининг аниқ тармоқлари ва объектлари шароитида умумий, ўзига хос ва якка ҳолдаги тамойиллари амал қилади, бу аниқ таҳлилий ва услубий ишланмаларда намоён бўлади. Телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш тамойилларининг бир бутун тизими асосида Ўзбекистондаги телекоммуникация соҳасини кейинги эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг устивор тадбирлари ва унда молиявий бошқарувни ташкил этишнинг замонавий усулларини шакллантириш лозим.

Илмий адабиётлардаги назарий қарашлар асосида телекоммуникацияларга қуйидагича таъриф бериш мумкин, яъни телекоммуникация – бу симли, радио оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёнидир. Телекоммуникация хизматлари бозори эса – сотувчилар ва харидорларнинг замонавий ахборот, компьютар ва телекоммуникация технологияларининг биргаликдаги тўплами ёрдамида маълумотларни масофадан узатиш ва қабул қилиб олиш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларидир.

Ялпи иқтисодий ривожланиш даражасига нисбатан телекоммуникация инфратузилмасининг мутаносиб суратда илгарилаб ривожланиши қонуний боғлиқ, чунки айнан алоқа иқтисодиётнинг барча соҳалари ривож топишида катализатор ҳисобланади ва умумий шароитларни яратади. Айни пайтда шунинг эътиборига олиш зарурки, телекоммуникация соҳаси ривожининг ҳаддан ташқари илгарилаб кетиши уларга тўлов учун истеъмолчиларда маблағнинг бўлмаслиги туфайли тармоқнинг айрим хизматлари талаб қилинмасдан қолиб кетишига олиб

келиши мумкин. Бу ҳол соҳанинг ишлаб чиқариш имкони-  
ятларидан фойдаланиш даражасининг пасайишига ва  
унинг фаолият кўрсаткичларининг ёмонлашувиغا олиб  
келиши мумкин. Телекоммуникация соҳасининг ривож-  
ланиш вариантларини кўриб чиқишда республиканинг  
ҳар бир алоҳида регионларининг иқтисодий ривожланиш  
даражасини ҳисобга олиш зарур.

Телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлан-  
тиришда унинг фонд бозоридаги иштироки, ўзлик ва  
жалб этилган маблағлари ўртасидаги муносабат каби  
молиявий механизмлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу  
механизмларни компанияга фойда келтиришини таъмин-  
лаш учун риск ва молиявий леве́риж каби омилларни  
таҳлил этиш ва уларни самарали равишда оптималлаш-  
тириб бориш лозим.

Мамлакатнинг телекоммуникациялар бозорини  
ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асосларини шартли  
равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин, улар 14 та қонун  
билан таъминланмоқда:

-алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни  
тартибга солувчи;

-интеллектуал мулк ҳуқуқий муҳофаза қилинишини  
таъминловчи;

-ахборот истеъмолчиларининг ҳуқуқларини кафо-  
латловчи қонунлардир.

Мамлакатда телекоммуникациялар тизими ва унинг  
хизматлар бозори турли босқичларни босиб ўтган. Бунда  
замон ва макон талабларидан келиб чиқиб ушбу бозорни  
шаклланиб, ривожланишида унинг қонуний-меъёрий  
асослари ҳам такомиллашиб борган, ушбу хизматлар  
бозори, нафақат маъмурий (административ), балки соф  
бозор иқтисодиётининг усули бўлган - иқтисодий меха-  
низмлар асосида ҳам такомиллашиб бормоқда.

Таҳлиллар «Ўзбектелеком» АЖ бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникация хизматлари бозорида етакчи мавқега эга эканлигини кўрсатади. Унинг молиявий салоҳияти кейинги йилларда кескин ошган. Компания келгусида бош вазифа сифатида молиявий барқарорликни сақлаб қолиш, филиаллар ўртасида молиявий хисоботлар юритиш ва назорат этиш тизимини замон талаблари даражасида ташкил этиш ва тинимсиз янги технология ва хизмат турларини жорий этишга қаратиши лозим.


«Ўзбектелеком» АЖ халқаро хизматлардан олган даромадлари хисобидан маҳаллий хизматлари бўйича харажатларини қопламоқда ёки шаҳарлараро хизматлар халқаро хизматларнинг «боқимандаси» ҳолатида фаолият кўрсатмоқда. Телекоммуникация хизматлари бозори мамлакатга валюта тушумларини оширишнинг йирик йўналиширидан биридир. Айниқса халқаро телекоммуникация хизматлари бозорида олиб бориладиган кенг миқёсдаги стратегик маркетинг ва менежмент тадқиқотлари, молиявий оқимлар ва ҳисоб таксаларининг ўзгариш динамикасини тўғри таҳлил этиб, йўналишларни оптималлаштириб бориш жараёнлари бугунги кундаги глобаллашув жараёнларида мамлакатни салмоқли ижобий тўлов балансига эришишига кўмаклашади. Шунинг учун, соҳада кесишган субсидиялашдан воз кечиш ва эгилувчан тарифлар тизимини жорий этиш тавсия этилади.

## И Л О В А Л А Р






2.1.2 – илова. Алоқа соҳасининг мустақилликни дастлабки йилларидаги таркиби



2.1.3-илова. Телекоммуникациялар хизматлари бозори ривожланишининг иккинчи bosқичи




2.1.4-илова. Телекоммуникациялар тармоғини бошқаришнинг замонавий тармоғи




2.2.1-илова. «Ўзбектелеком» АЖ акция пакетларини  
тақсимланиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил  
29 сентябрдаги 453-сон қарорига асосан



- Хорижий инвесторлар улуши
- Маҳаллий инвесторларнинг улуши
- Давлат улуши

## 2.2.2.илова "Ўзбектелеком" АК ташкилий тузилмаси



### 2.2.3-илова. «Ўзбектелеком» АКнинг кўрсатаётган хизматлари

#### **IDD calls**

**Операторлар ёрдамида телефон килиш (Operator assisted calls)**

**Халқаро кириш трафикни қайта ишлаш (Termination of incoming international traffic)**

**Коммутацияли транзит (Switched tranzit)**

**Канал сизимларини ижарага бериш (Capacity lease)**

**Канал сизимларини сотиш (Capacity sales)**

**ТВ узатишларини ташкил этиш (Occasional Use TV Services).**

**Маълумот узатиш (FR, X.25, IP)(Data transmission)**

**ISDN уланиш (ISDN connection)**

**HCDS (Home Country Direct Service)**

**Call Back хизматлари**

**Карточкалар орқали халқаро телефон алоқа ҳамда Интернет хизматлари**

3.1.2-илова. «Ўзбектелеком» АК нинг 2004 йил хисоботлари бўйича ликвидлилик баланси

	Актив ликвидлилик даражаси бўйича курсаткичлар	Хисобот даври бошига	Хисобот даври охирига	Пассив мажбуриятларни коплаш бўйича даражаланган курсаткичлар	Хисобот даври бошига	Хисобот даври охирига	Муносабат ( $\geq$ ; $\leq$ )	
							Хисобот даври бошига	Хисобот даври охирига
	1	2	3	4	5	6	7	8
A	1.Юкори ликвидли активлар (мутлоқ ликвидлилик-А1)	2247	2146	1. Тез копланиши зарур булган мажбуриятлар (II1)	4658	5741	A1 < П1(меъёр: A1 $\geq$ П1)	A1 < П1(меъёр: A1 $\geq$ П1)
B	2.Тез ликвидли активлар (оралиқ ликвидлилик-А2)	9708	12197	2. Киска муддатли пассивлар (П2)	5199	2593	A2 > П2(меъёр: A2 $\leq$ П2)	A2 > П2(меъёр: A2 $\geq$ П2)
C	3.Секин ликвидли активлар (жорий ликвидлилик-А3)	167860	169568	3. Узок муддатли пассивлар (П3)	171882	180020	A3 < П3(меъёр: A3 $\geq$ П3)	A3 < П3(меъёр: A3 $\geq$ П3)
D	4. Қуйи ликвидли активлар (қуйи ликвидлилик - А4)	75966	80033	4.Доимий пассивлар (П4)	74040	75608	A4 > П4(меъёр: A4 $\leq$ П4)	A4 > П4(меъёр: A4 $\leq$ П4)
E	БАЛАНСИ	255779	263962	БАЛАНСИ	255779	263962	x	x

Монография

**Мухитдинов Хаким Асрарович  
Иминов Одилжон Каримович**

**Финансовые аспекты развития  
рынка телекоммуникационных  
услуг**

«Akademiya» нашриёти  
Тошкент - 2005

Мусаххих  
Рассом  
Техник муҳаррир  
Нашр учун масъул Ш.Ш.Тўраев

Босишга рўхсат этилди 15.07.2005. Ҳажми 8,5 б.т.  
Бичими 60x84 1/16 Адади 1000 дона.  
Буюртма № 16/07